

Ўзбекистон Республикаси  
Адвокатлар палатаси раисининг  
2019 йил январдаги ум-сон  
буйруғига  
1-ИЛОВА

## **МАЪМУРИЙ ВА ЖИНОЯТ СУД ИШЛАРИНИ ЎРИТИШ ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА МАЛАКА ИМТИҲОНИ БИЛЕТЛАРИГА КИРИТИЛГАН САВОЛЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. ҲУҚУҚ ТАРМОҚЛАРИ НАЗАРИЯСИ**

#### **Адвокатура**

- 1.** Адвокатура ва унинг вазифалари.
- 2.** Ўзбекистон Республикасининг адвокатура тўғрисидаги қонун хужжатлари.
- 3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 12 майдаги ПФ-5441-сон Фармонини моҳияти.
- 4.** Адвокат ва адвокат мақомига эга бўлиш.
- 5.** Адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакллари.
- 6.** “Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шаклларини тасдиқлаш ҳақида” ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи (рўйхат рақами 1-мх, 2018 йил 05 январь).
- 7.** Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси, унинг худудий бошқармалари ва адвокатлик тузилмаларида ягона иш юритиш тартиби тўғрисидаги намунавий йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раисининг 2010 йил 28 сентябрдаги 1 кх-сон буйруғи билан тасдиқланган)
- 8.** Адвокатлик фаолиятининг турлари, адвокатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- 9.** Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 1929, 2009 йил 27 март).
- 10.** Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 1928, 2009 йил 27 март).

**11.** Адвокатлик тузилмасида стажировка ўташга намунавий меҳнат шартномаси (контракти) (Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раисининг 2009 йил 11 сентябрдаги 2 кх-сон буйруғи билан тасдиқланган)

**12.** Адвокатлик сири, адвокат қасамёди ва адвокат гувоҳномаси.

**13.** Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)

**14.** Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари, адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва адвокатнинг ижтимоий ҳукуқлари.

**15.** Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси, асосий вазифалари, органлари ва мансабдор шахслари ҳамда ҳудудий бошқармалари.

**16.** Малака комиссиялари ва адвокат мақомини тўхтатиб туриш ҳамда адвокатнинг интизомий жавобгарлиги.

**17.** Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиши.

**18.** Адвокатура ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Давлат ва адвокатура ўртасидаги ўзаро муносабатлар.

**19.** Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар касб этикаси қоидалари.

**20.** Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунини моҳияти.

**21.** Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1878, 2008 йил 2 декабрь).

**22.** Ўзбекистонда адвокатура институтининг ривожланиш босқичлари.

**23.** Нотиқлик санъати. Ҳимоя нутқи.

**24.** Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунини моҳияти.

**25.** Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи ва асосий принциплари ҳамда адвокатнинг ваколатлари.

**26.** “Адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер шаклини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи (рўйхат рақами 1938, 2009 йил 8 апрель).

**27.** Адвокатнинг мустақиллигини таъминлаш ва адвокатнинг дахлсизлиги.

**28.** Адвокатнинг ҳаётини ва соғлигини муҳофаза қилиш. Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари

**29.** Адвокатура фаолиятининг принциплари ва ташкилий шакллари, юридик ёрдамни таъминлаш кафолатлари ва адвокатуранинг маблағлари.

**30.** Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартиби.

**31.** Адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари, адвокатлик бюролари ва адвокатларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари.

**32.** Суд қарорларининг ижро этилиши босқичида ҳимоячининг иштирокининг ўзига хос жихатларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**33.** Ҳимоячининг апелляция ёки кассация инстанцияларидаги иштироки босқичлари.

**34.** Жабрланувчи ва процесснинг бошқа иштирокчилари номидан адвокат вакиллиги қандай тартибда амалга оширилишини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**35.** Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритишда адвокат иштирокининг ўзига хос хусусиятлари, алоҳида фарқли жиҳатларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**36.** Жиноят ишларини юритишда адвокат иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**37.** Адвокатнинг жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судида иштирокининг ўзига хос хусусиятларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**38.** Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда адвокат иштирокининг ўзига хос хусусиятларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**39.** Фуқаролик процессида даъвогар ёки жавобгар вакили сифатида адвокатнинг ҳукуқий мақомининг ўзига хос хусусиятларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**40.** Фуқаролик ишини қўзғатиш ва кўриб чиқишга тайёргарлик кўриш босқичида адвокатнинг иштирокининг ўзига хос хусусиятларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**41.** Адвокатнинг биринчи инстанция фуқаролик ишлари бўйича судида иштирок этиши мазмuni, амалий аҳамиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**42.** Фуқаролик процессида ишни кўришда адвокатнинг фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**43.** Фуқаролик процессида адвокатнинг далилларни тақдим этиш бўйича ваколатларини очиб беринг, адвокатнинг далилларни тақдим этиш борасида ҳукуқларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**44.** Фуқаролар томонидан бериладиган ишончнома тасдиқлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**45.** Фуқаролик процессининг судгача бўлган босқичида адвокат қандай ҳуқуқ ва ваколатларга эга, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**46.** Адвокатнинг апелляция суди ишларида иштирок этиш тартибини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**47.** Фуқаролик ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрими, қарорининг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлилигини текшириш босқичида адвокатнинг иштирокини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**48.** Фуқаролик процессида адвокатни рад этилиши тартибини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**49.** Адвокатуранинг инсон ҳукуқларини таъминлашда халқаро-ҳукуқий жиҳатларни таҳлил қилинг

**50.** Адвокатни жавобгарликка тортишнинг ўзига хос жиҳатлари, адвокат иммунитети асосларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

### **Жиноят ҳуқуқи**

**51.** Жиноят кодексининг принциплари. Одиллик ва фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципларининг ўзаро боғлиқ жиҳатларини муҳокама этинг.

**52.** Жиноят таркиби, унинг умумижтимоий ва жиноят-ҳукуқий аҳамиятини муҳокама этинг.

**53.** Жиноят кодекси Махсус қисмида формал, моддий ва кесик таркибли жиноятларни топинг. Формал ва кесик таркибли жиноятлар ўртасидаги фарқни кўрсатиб беринг.

**54.** Жиноят объекти нима ва унинг аҳамиятини муҳокама этинг.

**55.** Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян моддаси мисолида асосий ва қўшимча объектларни аниқланг.

**56.** Жиноят предмети билан жиноятни содир этишнинг қуроллари ва воситалари ўртасидаги фарқни муҳокама этинг. Шу билан бирга, жиноят содир этиш қуроли жиноят содир қилиш воситасидан нима билан фарқланишини айтиб беринг.

**57.** Жиноятнинг объектив томони ва унинг мазмун-моҳиятини муҳокама этинг.

**58.** Ҳаракатсизликда жиноий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг. Ҳаракатсизликнинг объектив ва субъектив мезонларини муҳокама этинг.

**59.** Жиноий қилмиш ва жиноий оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни муҳокама этинг.

**60.** Жиноят содир қилиш жойи ва ҳолати ўртасидаги фарқни кўрсатиб беринг.

**61.** Жиноят кодексининг вақт бўйича амал қилиши. Қонунининг орқага қайтиш кучи.

**62.** Жиноят субъектив томони ва унинг аҳамиятини муҳокама этинг.

**63.** Қасддан содир этилган жиноятлар. Эгри қасддан ўз-ўзига ишонишнинг фарқли жиҳатларини ёритиб беринг.

**64.** Жиноят мотиви ва мақсадининг жиноят-хуқуқий аҳамияти ва уларнинг ўзаро фарқини муҳокама этинг.

**65.** Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. Жиноят кодексининг вазифаларини айтиб беринг.

**66.** Жиноят таркибининг элементи сифатида жиноят субъективининг аҳамияти ва унинг белгиларини муҳокама этинг.

**67.** Жиноят кодексининг Ўзбекистон ҳудудида ва Ўзбекистон ҳудудидан ташқарисидан жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиши.

**68.** Ақли расолик. Шахс ижтимоий хавфли қилмишни содир этганидан кейин руҳий касалликка дуч келиб, ақли норасо бўлган ҳолларда жиноят таркиби мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги тўғрисида фикрингизни баён этинг.

**69.** Жиноят тушунчаси ва жиноятларни таснифлаш.

**70.** Тамом бўлмаган жиноятнинг турлари ва уларнинг жиноят-хуқуқий моҳиятини муҳокама этинг.

**71.** Жиноятга суиқасднинг жиноятга тайёргарлик кўриш босқичи ҳамда тамом бўлган жиноятдан фарқини кўрсатиб беринг.

**72.** Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни чин кўнгилдан пушаймон бўлишдан фарқларини тушунтириб беринг.

**73.** Биргалиқдаги бажарувчилик (оддий иштирокчилик) ва роллар тақсимоти билан иштирокчилик (мураккаб иштирокчилик) мавжудлигида иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларини квалификация қилиш қоидаларини муҳокама этинг.

**74.** Рецидив жиноятнинг такроран жиноят содир этиш, жиноятлар мажмуидан фарқини ёритиб беринг.

**75.** Жиноятга дахлдорлик ва иштирокчилик ўртасидаги фарқни кўрсатиб беринг.

**76.** Бир қанча жиноятларнинг ягона жиноятдан фарқи ҳамда давомли, узоққа чўзилган ва таркибли жиноятларни муҳокама этинг.

**77.** Жиноятлар мажмуи ва унинг зарурий белгилари, турларини муҳокама этинг.

**78.** Айбнинг шакллари. Айбнинг мазмуни ва айб даражасини муҳокама этинг.

**79.** Рецидив жиноят, унинг асосий белгилари ва турларини муҳокама этинг.

**80.** Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар сифатида баҳолаш мезонлари ва турларини муҳокама этинг.

**81.** Зарурий мудофаа ва унинг охирги заруратдан фарқларини муҳокама этинг.

**82.** Жиноий жазо тушунчаси, мақсади ва тизимини муҳокама этинг.

**83.** Жиноий жазоларни либераллаштириш тушунчаси ва бу борада амалга оширилган ислоҳотлар юзасидан фикрингизни баён этинг.

**84.** Жарима тариқасидаги жиноий жазо, уни қўллаш шартлари ва тўлашдан бўйин товлаш оқибатларини муҳокама этинг.

**85.** Ахлок тузатиш ишлари жазоси тушунчаси ва ўзига хос хусусиятларини муҳокама этинг.

**86.** Озодликни чеклаш жазосининг моҳияти ва ўзига хос жиҳатларини муҳокама этинг.

**87.** Мажбурий жамоат ишлари жазоси моҳияти ва ўзига хос жиҳатларини муҳокама этинг.

**88.** Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жиноий жазо, уни қўллаш шартлари ва тўлашдан бўйин товлаш оқибатларини муҳокама этинг.

**89.** Жазо тайинлашнинг асослари, уни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни муҳокама этинг.

**90.** Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг ҳуқуқий табиати ва турларини муҳокама этинг.

**91.** Жавобгарликка тортишни тўхтатиб туриш ва унинг жиноий-ҳуқуқий аҳамиятини муҳокама этинг.

**92.** Эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноятлар. Айбсиз ҳолда зарар етказишнинг мазмун ва моҳиятини, унинг жиноий бепарволикдан фарқини тушунириб беринг.

**93.** Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари ва шартларини муҳокама этинг.

**94.** Жазодан озод қилишнинг жиноий жавобгарликдан озод қилишдан ўзаро фарқли жиҳатларини муҳокама этинг.

**95.** Шартли хукм қилишнинг мазмуни уни қўллаш, бекор қилиш асосларини муҳокама этинг.

**96.** Амнистия ва афв этиш актларини қўллаш хусусиятларини муҳокама этинг.

**97.** Вояга етмаганлар жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари ва жазо тизимини муҳокама этинг.

**98.** Тиббий йўсингдаги мажбурлов чораларининг мазмуни, қўллаш мақсадлари ва жиноий жазодан фарқларини муҳокама этинг.

**99.** Жиноят хуқуқида криминализация ва декриминализация тушунчалари, аҳамиятини муҳокама этинг. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига криминализация қилинган ва ундан декриминализация қилинган қилмишлар ҳақидаги фикрингизни аниқ мисоллар билан тушунтириб беринг.

**100.** Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тушунчаси ва ўзига хос хусусиятларини муҳокама этинг.

**101.** Жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасдан баданга оғир шикаст етказиш ҳамда қасдан одам ўлдириш жиноятларини юридик таҳлил этинг. Мазкур жиноятларни ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини тушунтириб беринг.

**102.** Жиноят кодекси 110-моддасида жавобгарлик белгиланган қийнаш жинояти учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларини муҳокама этинг. Ушбу жиноятни қасдан баданга шикаст етказиш жиноятидан фарқли жиҳатларини баён этинг.

**103.** Жиноий равища ҳомила тушириш жинояти учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларини муҳокама этинг. Ушбу жиноятни аёлни ўз ҳомиласини сунъий равища туширишга мажбурлашдан фарқларини кўрсатиб беринг.

**104.** Номусга тегиши жиноятидаги “зўрлик ишлатиш” ҳамда “кўрқитиш” ҳаракатларини тушунтиринг ҳамда уларнинг фарқларини аниқ кўрсатиб беринг.

**105.** Маълумки Жиноят кодекси 126-моддасида кўп хотинли бўлиш учун жавобгарлик белгиланган. Лекин, ушбу норма диспозициясидаги “умумий рўзгор” тушунчасига қонунда таъриф берилмаган. Бунга аниқлик киритинг ва жиноятни таҳлил қилинг.

**106.** Номусга тегиши ва аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш ўзаро ўхшаш жиноятлар ҳисобланиб, айни ҳолда бир-биридан муайян белгиларига кўра фарқ қиласи. Бунга аниқлик киритинг ва муҳокама этинг.

**107.** Одам савдоси жиноятини одам ўғирлаш ҳамда зўрлик ишлатиб гайриконуний равишда озодликдан маҳрум этиш жиноятларидан фарқларини ҳамда уларни ўзаро ўхшаш жиҳатларини муҳокама этинг.

**108.** Аёлни эрга тегишига мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш жинояти тушунчаси ҳамда жавобгарликни келтириб чиқарувчи асосларини муҳокама этинг.

**109.** Мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга заарар етказиш жинояти учун жавобгарлик масаласини, шунингдек ушбу жиноятнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларини муҳокама этинг.

**110.** Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун жиноий жавобгарлик масаласини муҳокама этинг. Жиноятни таҳлил қилинг.

**111.** Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятини хавф остида қолдириш жиноятидан фарқли белгиларини кўрсатиб беринг ва муҳокама этинг.

**112.** Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш учун жиноий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари ва оғирлаштирувчи ҳолатлари хусусида фикр билдиринг.

**113.** Виждон эркинлиги жинояти учун жавобгарлик, унинг оғирлаштирувчи ҳолатлари хусусида фикрингизни баён этинг.

**114.** Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан одам ўлдириш жинояти учун жавобгарлик шартларини муҳокама этинг.

**115.** Ўзбошимчалик жиноятининг мансабдорлик ва талон-тарож жиноятларидан фарқли жиҳатларини муҳокама этинг.

**116.** Сохта банкротлик ва банкротликни яшириш жиноятлари бир қарашда бир-бирига ўхшаш кўринади. Лекин айни ҳолда, улар ўзаро фарқланади. Муҳокама этинг.

**117.** Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишида тўхтатиб туриш учун жавобгарлик масаласини муҳокама этинг.

**118.** Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатганлик учун жавобгарлик масаласини муҳокама этинг.

**119.** Қийнаш жинояти ва қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жиноятлари учун жавобгарликнинг ўзаро фарқларини муҳокама этинг.

**120.** Ёлғон хабар бериш ва ёлғон гувоҳлик бериш жиноятлари учун жавобгарликнинг ўзаро фарқларини муҳокама этинг.

**121.** Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибиға таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш ва диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш жиноятлари учун жавобгарликнинг ўзаро фарқларини муҳокама этинг.

**122.** Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишида эгаллаш ва қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишида эгалик қилиш жиноятлари учун жавобгарликнинг ўзаро фарқларини муҳокама этинг.

**123.** Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишида эгаллаш ва гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишида тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишида ўтказиш жиноятлари учун жавобгарликнинг ўзаро фарқларини муҳокама этинг.

**124.** Нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш жинояти учун жавобгарлик масаласини ҳамда ушбу жиноят учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни муҳокама этинг.

**125.** Бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш ва бошлиқни қўрқитиш жиноятлари учун жавобгарликнинг ўзаро фарқларини муҳокама этинг.

**126.** Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятининг баданга шикаст етказиш ва қийнаш жиноятларидан фарқли жиҳатларини муҳокама этинг.

**127.** Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳамда ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятлари учун жавобгарликнинг ўзаро фарқли жиҳатларини муҳокама этинг.

**128.** Мансабга совуққонлик билан қараш ҳамда ҳокимият ҳаракатсизлиги жиноятлари учун жавобгарликнинг ўзаро фарқли жиҳатларини муҳокама этинг.

**129.** Пора олиш, пора бериш жиноятларининг пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятидан ўзаро фарқли жиҳатларини муҳокама этинг.

**130.** Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳамда сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш жиноятлари учун жавобгарликнинг ўзаро фарқли жиҳатларини муҳокама этинг.

**131.** Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ҳамда ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш жинояtlари учун жавобгарликнинг ўзаро фарқли жиҳатларини муҳокама этинг.

**132.** Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жинояtlарда айб, мотив ва мақсадни квалификацияга таъсирини аниқ мисоллар келтириш орқали муҳокама этинг.

**133.** Ўлдириш билан қўрқитиб номусга тегиш жинояти учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларини муҳокама этинг.

**134.** Қабрни таҳқирлаш жинояти учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларини муҳокама этинг.

**135.** Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар, автомототранспорт воситаларининг давлат рақами белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш жинояти учун жавобгарлик масалаларини таҳлил қилинг.

**136.** Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жиноятининг мансаб соҳтакорлиги жиноятидан фарқли ва ўхшаш жиҳатларини баён қилинг.

**137.** Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш тарқатиш ёки намойиш этиш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турларини ёритинг.

**138.** Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турларини тушунтиринг.

**139.** Контрабанда жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турларини таҳлил қилинг.

**140.** Мехнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш жинояти учун жавобгарлик масалаларини таҳлил қилинг.

**141.** Маст ҳолдаги шахснинг транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиш жинояти учун жавобгарлик масалаларини таҳлил қилинг.

**142.** Транспорт воситасини олиб қочиш жинояти учун жавобгарлик масалаларини таҳлил қилинг.

**143.** Безорилик жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибини муҳакама этинг.

**144.** Жиноят кодексининг таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатганлик учун жавобгарлик назарда тутилган жиноятни содир этишда айб шаклини таҳлил қилинг.

**145.** Жиноий равища ҳомила тушириш (аборт) ҳамда аёлни ўз ҳомиласини сунъий равища туширишга мажбурлаш жинояти ўртасидаги фарқни тушунтиринг.

**146.** Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятидан хавф остида қолдириш жиноятини фарқлашнинг жиноят-хукуқий жиҳатларини тушунтиринг.

**147.** Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик масаласини ёритинг ва жиноят таркибини муҳокама этинг.

**148.** Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг жиноят-хукуқий жиҳатларини баён қилинг.

**149.** Номусга тегиш жиноятининг ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш жинояти ўртасидаги фарқни таҳлил қилинг.

**150.**Pornографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш нинг жиноят-хукуқий жиҳатларини баён қилинг.

### **Жиноят процесси**

**151.** Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вақт, худуд ва шахс бўйича амал қилиши бўйича нормаларни ёритиб беринг?

**152.** Жиноят процессида процессуал чиқимлар, уларни қоплаш, процессуал чиқимларнинг турлари, процессуал чиқимларни ундириш тартиби қандай?

**153.** Қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби ва фарқларини ёритиб беринг.

**154.** Жиноят процессида муддатларнинг ўтиши қандай ҳисобланади? Муддатларни узайтириш тартиби, муддатларни қўшиш ва ўтишини тўхтатиш тартиблари қандай.

**155.** Эҳтиёт чораларининг қандай турлари мавжуд? Бир шахсга нисбатан бир вақтнинг ўзида эҳтиёт чоралари турларининг нечтаси қўлланилишига йўл қўйилади.

**156.** Эҳтиёт чораларини қўллаш учун асосларни ёритиб беринг? Эҳтиёт чораларини қўллаш асосларининг мажбурлов чораларини қўллаш асослари орасида ўзига ҳос хусусияти нимада.

**157.** Мажбурлов чораларинининг қандай турлари мавжуд. Эҳтиёт чоралари билан бир вақтда қандай мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин?

**158.** Жиноят процессида реабилитация тушунчаси ва аҳамияти қандай? Реабилитация этилган шахсга етказилган маънавий зиён оқибатларини бартараф қилиш тартиби қандай?

**159.** Олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш, эксперимент, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш тергов ҳаракатлари натижасида далилларни тўплаш ва текшириш усуллари ва тартиблари қандай?

**160.** Жиноят процессида далилларни тўплаш мақсадида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари қайсилар? Далилларни текшириш мақсадида ўтказиладан тергов ҳаракатларига қайсилар киради ва тахлил қилинг?

**161.** Жиноят процессида исботлаш тушунчаси ва исбот қилиш иштирокчиларини баён қилинг. Исботлаш ўз ичига қандай босқичларни олади? Исбот қилиш процессида қандай ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади? исбот қилиш жараёнида иштирокчиларнинг ваколатлари ва фаолият доираси бир хилда ва teng ҳисобланадими?

**162.** Жиноят процессида далилларни тўплаш ва далилларни текшириш усуллари қандай? Жиноят процессида далил манбалари қандай?

**163.** Далилларга қўйилган талаблар нималардан иборат, далиллар манбаларининг тушунчаси ва турлари қандай? Жиноят процессида исбот қилиш ҳукуқи ва исбот қилиш усуллари ҳақида фикр юритинг?

**164.** Жиноят процессида иштирок этувчи жамоалар ва уларнинг вакиллари таснифи қандай? Уларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини таҳлил қилинг?

**165.** Айбиззлик презумпциясини ёритиб беринг.

**166.** Жиноят процесси принципларини класификация қилиб беринг.

**167.** Гувоҳ ва жабрланувчи тариқасида сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахсларни ёритиб беринг.

**168.** Юзлаштириш ва таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатлари ўртасидаги фарқни ёритиб беринг.

**169.** Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказиш тартибини ёритиб беринг.

**170.** Олиб қўйиш ва тинтув тергов ҳаракатлари ўртасидаги фарқни ёритиб беринг.

**171.** Тафтиш тайинлаш ва тафтиш тайинлаш учун асосларни ёритиб беринг.

**172.** Жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асосларини ёритиб беринг.

**173.** Жиноят ишини дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказиш асосларини ёритиб беринг.

**174.** Дастребаки терговни тўхтатиш асослари ва тартибини ёритиб беринг.

**175.** Жиноят ишини тугатиш тартибини ёритиб беринг.

**176.** Суриштирувни тўхтатишни суриштирувни тамомлашдан фарқини ёритиб беринг.

**177.** Жиноят ишларининг судловга тегишлилигини ёритиб беринг.

**178.** Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни ёритиб беринг.

**179.** Жиноят ишининг муҳокамасини кейинга қолдириш тартибини ёритиб беринг.

**180.** Ҳукм чиқариш вактида суд ҳал қиладиган масалаларни ёритиб беринг.

**181.** Судьяларнинг маслаҳатлашув тартибини ёритиб беринг.

**182.** Айблов ҳукми чиқариш асосларини ёритиб беринг.

**183.** Оқлов ҳукми чиқариш асосларини ёритиб беринг.

**184.** Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш турларии ёритиб беринг.

**185.** Юқори судда жиноят ишини кўриш муддатларини ёритиб беринг.

**186.** Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларини ёритиб беринг.

**187.** Кассация тартибида иш юритишни ёритиб беринг.

**188.** Ҳукмлар устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш тартибини ва муддатини ёритиб беринг.

**189.** Апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан назорат тартибида шикоят қилиш ва протест келтириш тартибини ёритиб беринг.

**190.** Ҳукм, ажрим ва қарорларни ижро этишда юзага келган масалаларни ҳал қилиш тартибини ёритиб беринг.

**191.** Тиббий йўсингидаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш тартибини ёритиб беринг.

**192.** Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тартибини ёритиб беринг.

**193.** Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш учун ушлаб бериш тартибини ёритиб беринг.

**194.** Жиноят иши қўзгатилгунга қадар ушлаб туриш тартиби. Ушлаб туриш мажбурлов чораси қўлланилган шахсни озод қилиш асослари ва тартиби ёритиб беринг.

**195.** Гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг.

**196.** Жиноят процессида ҳимоячини таклиф қилиш ва ундан воз кечиш тартиби қай тарзда белгиланганлигини баён қилинг.

**197.** Айбилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асосларни жиноят процессуал қонунчилигига асосланган ҳолда баён қилинг ҳамда мазкур тугатиш турларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 83-моддасида назарда тутилган реабилитация қилиш асослари билан таққосланг.

**198.** Вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг ўзига хос жиҳатларини баён қилинг.

**199.** Мурдани эксгумация қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш учун асослари ва уни ўтказиш тартибини баён қилинг.

**200.** Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшишиб туриш тартибини жиноят процессуал қонунчилигига асосланган ҳолда баён қилинг.

**201.** Экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлган холатларни таҳлил қилинг. Сизнингча яна қандай ҳолатларни экспертиза ўтказишнинг шартлилигига киритиш мумкин. Бунинг амалиётда долзарблик жиҳатларини кўрсатиб беринг.

**202.** Суд экспертизасини ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асослари ва муддатлари баён қилинг.

**203.** Жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари. Жиноят ишини қўзғатиш тартибини баён қилинг.

**204.** Жиноят ишларни бирлаштириш ва ажратиш асосларини баён қилинг.

### **Маъмурий жавобгарлик**

**205.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ;

**206.** Маъмурий жавобгарликка тортилиш ёши ва вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги;

**207.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайдиган ва маъмурий жавобгаликка тортилмайдиган харакатлар;

**208.** Маъмурий жазо турлари ;

**209.** Маъмурий қамоқ муддати ва маъмурий қамоқ жазо белгиланиши мумкин бўлмаган субъектлар тоифаси ;

**210.** Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар;

**211.** Маъмурий жазо қўлланиш ва маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланадиган муддатлар;

**212.** Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб

чиқишига ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар);

**213.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишини истисно этувчи ҳолатлар;

**214.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларида далиллар;

**215.** Маъмурий ҳуқуబузарлик тўғрисида баённоманинг мазмуни ва баённома тузишга ваколатли бўлган шахслар ;

**216.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайдиган ҳоллар;

**217.** Маъмурий йўл билан ушлаб туриш ва Маъмурий йўл билан ушлаб туришга ваколатли органлар (мансабдор шахслар):

**218.** Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатлари;

**219.** Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш асослари ва тартиби;

**220.** Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари ;

**221.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишида адвокатнинг иштироқи;

**222.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишига тайёрланиш босқичида ҳал этиладиган масалалар;

**223.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиши муддатлари ва тартиби ;

**224.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқариладиган қарорнинг турлари;

**225.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ҳуқуқи , тартиби ва муддати ;

**226.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиши тартиби, муддати ;

**227.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқувчи органнинг (мансабдор шахснинг)\ ваколатлари;

**228.** Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан кассация шикояти (протести) бериш тартиби ва муддати;

**229.** Кассация инстанциясида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини текширувчи судлар;

**230.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан берилган Кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиши тартиби ва муддатлари ;

**231.** Назорат тартибida қайта кўриб чиқилиши лозим бўлган суд

хужжатлари ва ишни қайта кўрадиган судлар.

**232.** Назорат шикояти бериш (протести келтириш) тартиби, муддати ва шикоятининг (протестининг) мазмуни ;

**233.** Назорат тартибда берилган шикоятини қайтаришига асос бўладиган ҳолатлар;

**234.** Ишни назорат тартибда кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби;

**235.** Назорат инстанцияси судининг ваколатлари ;

**236.** Қонуний кучга кирган маъмурий суд хужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш асослари.;

**237.** Қонуний кучга кирган маъмурий суд хужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрадиган судлар ;

**238.** Маъмурий суд хужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани бериш тартиби ва муддати ;

**239.** Маъмурий суд хужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қайтариш асослари;

**240.** Маъмурий суд хужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қўриб чиқиш тартиби ва муддати;

**241.** Маъмурий суджнинг маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни ижро этишга қаратиш тартиби муддати

**242.** Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижросини тугатиш асослари ;

**243.** Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш муддатлари ва тартиби ;

**244.** Маъмурий қамоқни ўташ тартиби;

**245.** Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси худудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорни ижро этиш тартиби.

### **Ижтимоий-сиёсий фанлар**

**246.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари?

**247.** Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланишининг аҳамияти?

**248.** Конституцияга мувофиқ фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига нималар киради?

**249.** Конституцияга мувофиқ фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларига нималар киради?

**250.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ инсон хукуqlари ва эркинликлари кафолатлари нималардан иборат?

**251.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларига нималар киради?

**252.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ фуқароларнинг шахсий хуқуқ ва эркинликларига нималар киради?

**253.** Халқ ҳокимиятчилиги деганда нимани тушунасиз?

**254.** Конституцияга кўра Ўзбекистон сайлов тизими қандай?

**255.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қандай тартибда шакллантирилади?

**256.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини нима ташкил этади?

**257.** Ўзбекистон Республикаси билан Корақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатларини тартибга солиш асослари нималардан иборат?

**258.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра ҳокимият органлари томонидан митинг ва намойишлар ўtkазилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш учун нима асос бўлади?

**259.** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг вазифалари нималардан иборат?

**260.** Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимиятининг вазифаси ва унинг тизимини айтиб беринг.

**261.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига нималар киради ва у қандай соҳаларга раҳбарлик қилади?

**262.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари жами депутатлар, сенаторлар умумий сонининг қанчаси иштирок этганда ваколатли ҳисобланади?

**263.** Ўзбекистон Республикасида қайси орган халқаро шартномаларни ратификация қилиш хуқуқига эга?

**264.** Маҳаллий ҳокимият органлари, уларнинг конституциявий ваколатлари?

**265.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатлари нималардан иборат?

**266.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари нималардан иборат?

**267.** Конунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг мақоми?

**268.** Конунчилик ташабbusи хуқуқига эга бўлган субъектлар доираси?

**269.** Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари?

**270.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари?

**271.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказишнинг асосий принциплари?

**272.** Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишлари?

**273.** Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби қандай?

**274.** Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришишининг тарихий аҳамияти?

**275.** Ўзбекистонда икки палатали парламент тизими жорий этилишининг моҳияти ва аҳамияти?

**276.** Ўзбекистон Республикасида мулкчилик шакллари қандай?

**277.** Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва кўппартияйилик тушунчаси? Уларнинг жамиятдаги роли?

**278.** Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари тизими?

**279.** Ўзбекистонда диний бағрикенглик?

**280.** Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ташкил этилишининг хукуқий асослари?

**281.** Фуқаролик жамиятининг маъноси қандай? Уни давлат тушунчаси билан ифодалаш мумкинми?

**282.** Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)га аъзо бўлишининг тарихий аҳамияти?

**283.** Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг (МДҲ) ташкил топиши ва унинг фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг тенг хукуқлик асосидаги иштироқи?

**284.** Ўзбекистоннинг ЕврОсиё Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕврОсИХ)да тутган ўрни?

**285.** Мамлакатимизнинг ички сиёсати қандай тамойил асосида амалга оширилади?

**286.** Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларациясининг мазмуни?

**287.** Давлат тушунчаси, унинг белгилари ва асосий функциялари?

**288.** Хукуқий давлат тушунчаси ва унинг асосий белгилари нималардан иборат?

**289.** Хукуқий онг ва хукуқий маданият тушунчаси?

**290.** Жамиятимиз ҳаётига хавф туғдирадиган мафкуравий таҳдидлар нималардан иборат?

**291.** Терроризм тушунчаси, моҳияти, бу борадаги қарши кураш фаолиятини ташкиллаштиришнинг концептуал асослари?

**292.** Коррупция тушунчаси, моҳияти, давлатнинг хавфсизлигига бўлган таҳдидлари нималардан иборат?

**293.** Уюшган жиноятчиликнинг асосий аломатлари, унинг тарқалиши жабҳалари, бунга қарши кураш фаолиятини концептуал асослари?

**294.** Экстремизм тушунчаси, унга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари?

**295.** Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бурчлари нималардан иборат?

**296.** 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари.

**297.** Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.

**298.** Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.

**299.** Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.

**300.** Ҳаракатлар стратегиясида Хавфсизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёsat соҳасидаги устувор йўналишлар.

## **Казуслар**

**1.** А. ўзининг эри Т.нинг хўрлашларига чидай олмасдан уни ўлдиришга қасд қилди. А. эрининг овқатига заҳар қўшиб қўйди ва стол устига қўйди. Шу вақт уларнинг 14 ёшли фарзанди И. қорни очиб кетганлиги учун отаси учун сузилган овқатни еди. Натижада И. шу заҳоти ўлди.

**А.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.**

**2.** Қуролланган уюшган гурӯҳ туман марказида жойлашган тижорат банкини ўмаришга келишиб олишди ва режага кўра уларга қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсларни ўлдиришга қарор қилишди.

Гурӯҳ аъзолари дастлаб банк эшиги ёнида турган битта милиция ходимини ўлдиришди. Шундан сўнг улар банкнинг барча сейф калитларини банк ходимларидан тортиб олиб, бир соат ичida ўмарган пулларини олиб чиқиб кетишаётган вақтда банк ходимларидан бири уларга жисмоний қаршилик кўрсатди. Гурӯҳ аъзолари уни ҳам ўлдиришди. Шу кунни ўзидаёқ улар қўлга олинди.

**Жиноятни квалификация қилинг.**

**3.** X. спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда, қўшниси М.га қасддан мушти билан бурнига уриб жароҳат етказган. М. “Бурун суягини синиб силжиши” ташхиси билан шифохонага мурожаат қилган.

Суд-тиббий экспертиза хулосасига кўра Махтиев И.И.га “Ўртача оғир” тан-жароҳати етказилгани аниқланган.

Тергов вақтида X.нинг ҳаракатлари ЖКнинг 277-моддаси иккинчи қисми “а” ва “д” бандлари билан квалификация қилинган.

Суд эса X.нинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси иккинчи қисми “А, Д” бандларидан ЖКнинг 105-моддаси биринчи қисми аломатлари бўйича қайта квалификациялашни лозим топади.

### **Суднинг ҳукми асослами?**

**4.** Т. марҳум укаси Э.нинг қайнонаси Р.ни ҳовлисидан хабар олиш учун кирган вақтида Т.нинг ўғиллари уйдаги қурилиш тахталарини олиб чиқиб кетаётганлигини кўриб, ўрталарида давом этиб келаётган оиласвий келишмовчилик туфайли Т.нинг уйига бориб, уни турмуш ўртоғи Г. билан ўзаро жанжаллашиб, кейин орқасига қайрилиб кетаётган пайтида Т. Р.ни орқасидан бориб, уни бошига мушти билан уриб, ерга йиқитган. Шундан сўнг уни биқинига, оёқларига, чап қўлига ва қорнига оёғи билан тепиб, Т. тан жароҳатлари етказган. Р. туман марказий касалхонасига ётқизилган. Р. касалхонада икки ой даволанди ва оёқлари ишламай юра олмай қолди.

### **Т.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.**

**5.** Д. вақтинча бирга яшамаётган турмуш ўртоғи М.ни ва фарзандларини кўриш учун улар вақтинча яшаб келаётган уйга келган вақтида қайнотаси X. билан оиласвий келишмовчилик юзасидан жанжаллашиб, X.нинг танасини турли жойларига қўли ва оёқлари билан уриб, унга соғлигини бузилишига сабабчи бўлган тан жароҳати етказган. Натижада X.нинг касалхонада 5 кун даволанди, лекин юзидағи чандиқ бир умрга қолди.

### **Д.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.**

**6.** Н. ўзига тегишли бўлган “ВАЗ-21011” русумли автомашинасида турмуш ўртоғи С. ва фарзандлари билан онасини соғлиғидан хабар олгани бориб, автомашинасини уйни дарвозахонаси ёнига тўхтатган. Кўчада турган акаси Ш. маст ҳолатда бўлгани ҳолда укасини автомашинасига тош отиб, орқа “лобовой” ойнасини синдирган вақтда С. машинадан тушиб қайноғаси Ш.га “Ака нима қиляпсиз, ахир машинада болалар борку” деган вақтда уни ҳам юзига бир шапалоқ уриб юборган. Бу ҳолатни қўрган Н. акасини олдига

келганида Ш. қўлига таёқ олиб уни ҳам уриб юборган. Шундан сўнг, акаукалар ўзаро жанжаллашиб, жанжал вақтида Н. акаси Ш.ни танасининг турли ерларига қўллари ва оёклари билан уриб, унга тан жароҳатлари етказган.

Натижада Ш. касалхонада 21 кун даволанди.

**Н.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.**

**7.** Ж. безорилик содир этгани учун туман ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш инспекциясида профилактика рўйхатда туришига қарамасдан, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, бирон-бир жойда ўқимасдан ва фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан жиноят содир этиш йўлига ўтган.

Жумладан, Ж. “Карвон бозори”да фуқаро Д. билан уришиб қолиб, унинг баданига қасдан пичоқ билан жароҳат етказган. Олган танжароҳатлари натижасида Д. шу куни “ўнг кўкрак қафаси ва ўнг думба соҳасидаги санчилган-кесилган” ташхиси билан шифохонага ётқазилган.

Суд-тиббий экспертизаси хулосасига кўра, Д.га соғлигини қисқа вақтга бузилишига олиб келган “ЕНГИЛ” тан-жароҳати етказилгани аниқланган.

**Ж.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.**

**8.** Тахминан 2300лар чамасида Х. уйининг томида шовқин овозини эшишиб ташқарига чиқиб, уйининг ёнидан ўтган газ трубасининг устунини ушлаб турган маст ҳолда бўлган қўшниси С.ни уни уйига томи орқали ўғриликка киришда гумонлаб, у билан ўзаро жанжаллашиб, жанжал вақтида унга қасдан тан жароҳати етказиш мақсадида қўл ва оёклари билан С.ни баданининг турли жойларига уриб, унга тан жароҳатлари етказган.

Натижада С. касалхонада 26 кун даволанди ва эшишиб қобилиятини умуман йўқотди.

**С.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.**

**9.** Т. ўзининг икки йилдан бери учрашиб юраётган яхши кўрган қизи Л. билан жанжаллашиб қолди. Т. ўзини тута олмасдан Л.ни дўппослади. Натижада Л. бир ойлик ҳомиласини йўқотди.

1-вариант: Т. Л.нинг ҳомиладор эканлигини билмаган.

2-вариант: Т. Л.нинг ҳомиладор эканлигини олдиндан билган.

**Т.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.**

**10.** Р. таниши Й.дан бир ойга 1000 АҚШ долларини қарзга олди. Қарзни қайтариш вақти яқинлашгач, Р. қарзни қайтармасликни ният қилди. Й. ўзининг қарзини сўраб келганда Р. уни қарзни бошқа сўрамасликни тала

қилиб, уни олдиндан тайёрлаб қўйилган темир жисм билан бошига урди. Натижада Р. руҳий касалликка чалинди.

### **Р.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.**

**11.** X. ҳар куни маст ҳолда уйига келиб хотини К.ни ҳомиладор бўлишига қарамасдан дўпослар ва калтаклар эди. Орадан 2 ой ўтгач К.нинг ҳомиласи тушди ва у икки ой касалхонада даволанди.

### **Х.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.**

**12.** Металлургия заводида ишловчи И.нинг ҳамкаслари у тушликка чиққан вақтда унинг иш вақтида киядиган махсус бош кийимини яшириб қўйиши. Тушликдан қайтган И. бош кийимини жойида йўқлигини кўриб, ёнида ишлаётган ҳамкасларига қараб: “Мени нарсамни рухсатсиз олган одамни ўлдираман” деб пўписа қилди.

### **М.нинг ҳаракатига баҳо беринг.**

**13.** Йўловчи Ж. белгиланмаган жойдан йўлни кесиб ўтаётган вақтда рухсат этилган тезлиқда келаётган ҳайдовчи Й. уни уриб юборди. Ҳайдовчи Й. йўловчи ўзининг айби билан автоҳалокатга учраганлиги учун воқеа жойидан қочиб кетди.

### **Ҳайдовчи Ж.нинг қилмишига баҳо беринг.**

**14.** Тери таносил касаллеклари шифохонасида рўйхатда турган ва даволанаётган С. фоҳишалик билан шуғулланар эди. Натижада у ўзи билан жинсий алоқада бўлган К.га таносил касаллигини юқтириди. Шу куннинг ўзида С. Ф. билан ҳам жинсий алоқада бўлди, лекин бу касаллик Ф.га юқмади.

С.нинг ёнидан қайтган К. хотини билан жинсий алоқада бўлди ва таносил касаллигини хотинига юқтириди.

### **Қилмишга баҳо беринг.**

**15.** Т. таниши Р.га жинсий алоқада бўлишни таклиф қилди. Р. ўзида ОИТС касаллиги борлигини ва бу касаллик Т.га юқиб қолиши мумкинлигини айтди. Т. бунга қарши эмаслигини ва Р. билан жинсий алоқада бўлишни ҳохлаётганлигни айтди. Р. Т. билан жинсий алоқада бўлди. Т.га ОИТС касаллиги юқмади.

### **Қилмишга баҳо беринг.**

**16.** Шифохонада терапевт бўлиб ишловчи С. таниши Л.нинг ўз ҳомиласини туширмоқчи эканлигини билиб, унга ўз уйда ҳомилани туширишга ёрдам бериши мумкинлигини айтди. С. бунга рози бўлди ва ҳомиласини туширди.

**Қилмишга баҳо беринг.**

**17.** Тунги соат 23.30ларда туғруқхонага оғир аҳволдаги bemor келтирилди. Беморни олиб келган шахслар шаҳарга узоқдан меҳмон бўлиб келганликларини, врачдан унга зудлик билан ёрдам қўрсатиш лозимлигини, аёлни ва туғиладиган болани сақлаб қолиш лозимлигини айтди.

Навбатчи-врач аёлнинг шу туманда рўйхатда турмаганлигини айтиб, эрталабгача кутиш лозимлигини ва бош врачнинг розилиги билангина bemorга ёрдам бериши мумкинлигини айтиб, унга ёрдам қўрсатмади.

Натижада bemor орадан 2 соат вақт ўтгач ҳаётдан кўз юмди ва унинг ҳомиласи ҳам нобуд бўлди.

**Қилмишга баҳо беринг.**

**18.** Б. касалхонага соғлиғи ёмонлашгани туфайли врачнинг олдига келди. Врач тушлик вақти ўтиб кетганлигини ва ҳали тушлик қилмаганлигини айтиб, bemordan бир оз кутиб туриши лозимлигини айтди.

Врачнинг ўз вақтида ёрдам бермаганлиги туфайли bemor енгил даражадаги тан жароҳати олди.

**Қилмишга баҳо беринг.**

**19.** Тезликни ошириб, светофорнинг қизил чироғидан ўтган ҳайдовчи Г. йўловчи С.ни уриб юборди ва воқеа жойидан қочиб кетди. Натижада йўловчи оғир даражадаги тан жароҳати олди.

**Ҳайдовчи Г.нинг қилмишига баҳо беринг.**

**20.** К.нинг ота-онаси қизининг танлаган йигити яхши йигит эмаслигини, К.ни ўша йигитга турмушга чиқишига қарши эканлигини ва унинг розилигисиз ўzlари танлаган йигитга турмушга беришини айтишди. К. бунга рози эмаслигини айтиб, “Мени кимга турмушга берсанглар ўша одамни ўлдираман” деб қасам ичди.

**К.нинг харакатига баҳо беринг.**

**21.** К. соат тахминан 23.00ларда қариндоши В. билан бирга О.ни телефон орқали ўз уйига чақириб, ўзининг жинсий эҳтиёжини қондириш мақсадида О.ни ишончидан фойдаланиб уйда олиб қолган. В. спиртли

ичимлик олиб келиб, О. билан биргаликда уни истеъмол қилишган. К. ва О. хонадон мөхмөнхонасида ихтиёрий равиша ўзларининг жинсий эҳтиёжларини қондиргач, К. ваннахонага кирган. Унинг қариндоши В. олдиндан келишилган режага асосан О.ни мөхмөнхонага олиб кириб, бир неча маротаба қўллари билан бошига, юзига ва баданинг турли жойларига уриб ва уни кроватга ётқизиб олиб, О.ни эгнидаги уст кийимларини ечиб, ўз жинсий эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилган. В.ни ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини кўрган О. унга фаол қаршилик кўрсатиб, йиғлаб “ёрдам беринглар” деб бақирган. Шунда К. О.ни бақирганини ва ёрдамга чақираётган овозини эшишиб, К. О.га ёрдам бермасдан, В.ни О. билан хонадонда ёлғиз қолдириб, хонадон кириш эшигини устидан қулфлаб, воқеа жойидан яширинган. Хонадонда ёлғиз қолган О.га нисбатан В. ўз ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини давом эттириб О. билан жинсий алоқада бўймоқчи бўлганида О. унга қаршилик кўрсатиши натижасида қутилиб қолиб, хонадон балкони иккинчи қаватидан пастга сакраб қочган. Натижада В. қасддан содир қилаётган жиноятини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказа олмаган.

Суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра О.нинг оғирлик даражаси бўйича “енгил” тан жароҳатлар олганлиги аниқланган.

### **К. ва В.ларнинг қилмишига баҳо беринг.**

**22.** Й. маст ҳолатда тахминан соат 21.30 ларда “Тошкент автомобиль ҳалқа йўли” бўйлаб уйига кетиб, 13 ёшли фуқаро Г.ни йўлнинг четига зўрлик ишлатиб олиб бориб, у билан мажбуран жинсий алоқа қилган.

### **Й.нинг қилмишига баҳо беринг.**

**23.** 123. Профилактика инспектори Б. шахсларнинг хужжатларини текшириш мақсадида Осипенко кўчаси 86-уйда рўйхатдан ўтмасдан яшовчи Э. ва унинг 13 ёшли қизи Ш.ни шахсини текшириб кўриш учун профилактика инспекторининг хизмат хонасига олиб келиб, шу хонада тахминан тунги соат 01.00 гача уйларига кетишга рухсат бермасдан олиб ўтирган.

Б. Э. билан сұхбатлашиб ўтириб, ундан фуқаролик паспортини йўқотиб кўйганлигини аниқлаган, бундан фойдаланган ҳолда Э. билан ғайритабиий усулда жинсий алоқа қилиш мақсадида Э.ни орқа томонидан қучоқлаб, кўйлагини юқорига қўтариб, жинсий эҳтиёжини қондирган.

### **Б. нинг қилмишига баҳо беринг.**

**24.** Колонияда жазони ўтаётган М. Н. билан ихтиёрий равищда икки маротаба жинсий алоқада бўлган.

Орадан 3 кун ўтгач М. С.ни қўрқитиб, жинсий алоқада бўлди.

**М. нинг қилмишига баҳо беринг.**

**25.** Корхона раҳбари К. ўз котибаси О.нинг ишга калта юбка кийиб келганлигини кўриб, унга нисбатан жинсий ҳирси уйғонганлиги туфайли хонада ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, эшикни ёпиб қўйди ва унга зўрлик ишлатиб, у билан жинсий алоқада бўлди.

**Корхона раҳбари К.нинг қилмишига баҳо беринг.**

**26.** Терговчи С. жиноят иши бўйича айбланаётган К.ни озод қилиш эвазига унинг хотини И.ни у билан жинсий алоқада бўлишга таклиф қилди.

**Терговчи С.нинг қилмишига баҳо беринг.**

**27.** О. исмли қиз ўзининг йигити К.нинг унга уйланишига ваъда берганлигига ишониб, у билан жинсий алоқада бўлди.

Орадан бир ой ўтгач К. ота-онасининг талаби билан бошқа қизга уйланаётганлигини ва О.га уйлана олмаслигини айтди. О. агарда К. унга уйланмаса, уни қаматиб юборишини айтди ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилди.

**Қилмишга баҳо беринг.**

**28.** . Корхона раҳбари Ф. ўз ходимаси К.ни яхши ишлагани учун унга пуллик мукофот тайинлади. Бунга жавобан К. миннатдорчиллик тариқасида Ф.ни уйига таклиф қилди ва у билан ғайритабиий усулда жинсий алоқада бўлди.

**Қилмишга баҳо беринг.**

**29.** 25 ёшли Д. моддий жиҳатдан таъминланган бўлиб, моддий имконияти бўлгани ҳолда бир йил давомида ўзининг моддий ёрдамга муҳтоҷ 65 ёшли онасига ёрдам бермасдан келган.

**Д.нинг ҳаракатига баҳо беринг.**

**30.** Ю. фуқаролик ишлари бўйича суднинг ижро варақасига асосан моддий жиҳатдан муҳтоҷ, вояга етмаган фарзандлари 10 ёшли Г. ва 5 ёшли Ш.ни моддий таъминоти учун нафақа тўлаши лозимлигини била туриб, туман суд ижрочилари бўлинмаси суд ижроқисининг огоҳлантиришларига қарамай 5 ой мобайнида нафақа тўлашдан қасдан бўйин товлаб келган.

## **Ю.нинг қилмишига баҳо беринг.**

**31.** А. ўзганинг мол-мулкини яширин равища талон-торож қилиш мақсадида вояга етмаган 15 ёшли Т.ни жалб қилди ва жиноят режасини тузди. Вояга етмаган Т. ёлғиз ўзи Н.га тегишли хонадонга балкон орқали ғайриқонуний равища кириб, у ердан бир дона нархи 170.000 сўмлик “DAEWOO” русумли телевизор ва нархи 6.000 сўмлик “Panaphone” русумли телефон аппаратини яширин равища талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Жиноий йўл билан қўлга киритилган пулларни А. ва Т.лар ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлар.

## **А. ва Т.нинг қилмишига баҳо беринг.**

**32.** М. ўн олти ёшга тўлмаган Ф.нинг розилиги билан 5 ой давомида бир уйда эр-хотин бўлиб яшаб келган.

М. билан Ф. жинсий алоқада бўлиб келиши оқибатида Ф. 14 ҳафталик ҳомиладор бўлган.

## **М.нинг қилмишига баҳо беринг.**

**33.** Туман ИИБ ходимлари томонидан фохишахона сақловчиларни аниқлаш бўйича ўтказилган тадбир давомида, шу туманда истиқомат қилувчи С. маст ҳолда бўла туриб, ўзи истиқомат қилиб келаётган хонадон ётоқхонасида 15.000 сўм эвазига Х. ва Ш.ларга жинсий алоқа қилиш учун берган.

## **Қилмишга баҳо беринг.**

**34.** Г. С.га тегишли бўлган хонадонга вояга етмаган, 15 ёшли Х.ни олиб келиб, шу уйда сақлаб уни Б. билан жинсий алоқа қилиш учун қўшиб қўйган ва уларга шароит яратиб берган, бунинг эвазига Г. Б.дан 25.000 сўм миқдорида пул олган.

## **Қилмишга баҳо беринг**

**35.** Тұғруқхонада ҳамшира бўлиб ишловчи С. таниши К.нинг илтимосига кўра тўртинчи марта туққан қизини 500 АҚШ доллари эвазига ўғил болага алмаштириб беришни илтимос қилди. Тунги смена вақтида ҳамшира С. эндиғина ўғил бола туққан Д.нинг боласини К.нинг қизига алмаштириб қўйди.

## **Айбдор шахсларнинг қилмишига баҳо беринг.**

**36.** ФҲДЁ ходими Т. 9 йил олдин бола асраб олган М.дан унинг бола асраб олганлигини унинг боласига ва танишларига айтмаслик эвазига бир ҳафта ичида 2000 АҚШ доллари миқдорида пул талаб қилди. М. Т.нинг шартларини бажармаганлиги учун Т. М.нинг боласига уни асраб олинганлигини айтди.

**Т.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.**

**37.** А. икки аёл билан ФҲДЁ органидан никоҳдан ўтмасдан эрхотинлик муносабатида яшай бошлади. А. биринчи хотини билан ўзи яшайдиган ҳовлида, иккинчи хотини билан эса бошқа ҳовлида яшаган.

**А.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.**

**38.** Заводда ишловчи Р. ўзининг янги шогирди 15 ёшли С.ни биринчи олган маоши муносабати билан буни ювиш лозимлигини айтди. Улар завод яқинидаги кафега киришди. Шунда Р. шогирди С.ни спиртли ичимлик истеъмол қилишга мажбур қилди.

**А.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.**

**39.** 17 ёшли П. 13 ёшли К.ни гиёхванд модда истеъмол қилишга ва шундан сўнг ўғирлик жиноятини содир қилишга жалб қилди.

**П. ва К.ларнинг ҳаракатларига баҳо беринг.**

**40.** С. 15 ёшли Ф. исмли қиз билан танишди. Улар танишганлиги муносабати билан ресторанга боришли. Зиёфат даврида улар спиртли ичимликлар истеъмол қилишди. Зиёфатдан сўнг С. Ф.ни уйига кузатиб қўйди. Ф. уни уйига таклиф қилди. С. уйга киргач, Ф.га жинсий алоқада бўлишга таклиф қилиб, унинг розилиги билан Ф. билан жинсий алоқада бўлди.

**Қилмишга баҳо беринг.**

**41.** Тунги сменага бориши лозим бўлган музей қоровули Т. ҳеч нарса содир бўлмайди деб ишонч ҳосил қилиб, дўстлари билан чойхонага кетди. Бундан фойдаланган Р. музей эшигини бузиб кирди. У ерда турган оғирлиги 1 тонна келадиган бронзадан ясалган ҳайкалнинг тахминан 10 кг келадиган қисмини бузиб олиб, уни 500 АҚШ доллари эвазига таниши Ф.га сотиб юборди.

**Айбдор шахсларнинг қилмишига баҳо беринг.**

**42.** Касалхонага олиб келингандай оғир бемор тиббий ёрдам кўрсатилганлигига қарамасдан вафот этди. Шунда врачлардан бири С. ўлган беморнинг тана аъзоларини сотиш мақсадида ажратиб олди. Буни сезиб қолган беморнинг қариндошлари бош врачга шикоят қилишди. Натижада С. бош врачнинг буйруғига кўра ўлган беморнинг тана аъзоларини жойига тикиб қўйди.

**С.нинг ҳаракатларига баҳо беринг, унинг ҳаракатларида жиноят таркиби борми?**

**43.** Хусусий фирманинг бошлиғи А. 16-30 ёшдаги қизларни Европа давлатларида ишга жойлашишига ёрдам бериши ҳақида газетага эълон берди. Эълон бўйича келган қизлар билан суҳбатда А. уларни юқори маош тўланадиган официантлик лавозимиға ишга жойлаштириши ҳақида ваъда берди ва қизлар билан шартнома тузди.

А. қизларни чет элга юборди. У ерда қизларни С. кутиб олди ва қизларни хужжатларини олиб қўйиб, фоҳишахоналарга жойлаштириб, қизларни қўрқитиб фоҳишиалик билан шугулланишга мажбур қилди.

**А.ва С.ларнинг ҳаракатларига баҳо беринг.**

**44.** Р., Д. ва С.лар фуқароларни чет давлатларга юборадиган фирма очганлигини эълон қилишди. Фирмага келган 80 тага яқин фуқароларни ишга жойлаштирамиз деб, уларнинг ҳар биридан 3000-6000 АҚШ долларигача пул олишди. Улар пулни олгач, бир ой ичида фуқароларни чет давлатларга юборамиз деб, уларнинг қўлига чет давлатдаги корхоналар билан тузилган меҳнат шартномасини беришди.

Муддат яқинлашгач Р. фуқароларнинг қўлига самолёт билетларини берди ва уларни чет давлатда фирма вакили кутиб олишини айтди.

Фуқаролар чет давлатга самолёт орқали учиб боришди, лекин уларни у ерда ҳеч ким кутиб олмаган. Шунингдек фуқароларнинг қўлидаги шартномалар ҳам қалбаки эканлиги аниқланди.

**Айбдор шахсларнинг қилмишига баҳо беринг.**

**45.** 20 ёшли Т. 15 ёшли С.га уйланиш мақсадида ўғирлаб кетди. Т. у билан шарий никоҳ ўқитиб, у билан жинсий алоқада бўлди.

**Т.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.**

**46.** С. қўшниси Ф.нинг фарзандини ўғирлаб кетди ва тумандаги бўш ётган қўп қаватли уйларнинг ертўласига қамаб қўйди. С. Ф.нинг фарзандини

озод қилиш мақсадида ундан 3000 АҚШ доллари миқдорида пул талаб килди.

### **С.нинг қилмишига баҳо беринг.**

**47.** Маҳалладаги мажлисда маҳалла раиси А. мажлисда тортишиб қолганлиги учун шу маҳаллада яшовчи фуқаро И.нинг ўғли муқаддам судланганлигини айтди.

### **Қилмишга баҳо беринг.**

**48.** Боласининг кўчадан йиғлаб келганлигини ва уни қўшнисининг қизи К. хафа қилганлигини эшитган А. кўчага чиқиб, унга “Онанг фоҳиша эди, унинг қони сенга ҳам ўтган экан” деб уни қўшнилар олдида уялтириди. Бунга чидай олмаган Ф. уйига кириб ўзини осди, буни кўриб қолган Ф.нинг отаси зудлик билан Ф.ни қутқариб қолди.

### **Қилмишга баҳо беринг.**

**49.** Давлат рўйхатидан ўтган Ислом диний мадрасаси маъмурияти раҳбари ушбу ўқув юртига фақат Ислом динига эътиқод қилаётган шахслар олиниши ҳақида эълон берди.

### **Маъмурият раҳбарининг ҳаракатларига баҳо беринг.**

**50.** Жиноят қидирув бўлими ходими Ф. фуқаро А.нинг уйида наркотик моддалар сақлаётганлиги ҳақидаги маълумотлар борлигини ҳисобга олиб А.нинг уйига борди. Ф. А.нинг наркотик моддаларни йўқ қилиб юбориши мумкин деб уни эшигини бузиб кирди.

1-вариант. А.нинг уйидан наркотик моддалар чиқди.

2-вариант. А.нинг уйидан наркотик моддалар чиқмади.

### **Қилмишга баҳо беринг.**

**51.** Қозоғистон Республикаси фуқароси И. Тошкент шаҳрида қотиллик жиноятини содир қиласди. Қозоғистон Республикаси Ички ишлари органларининг И.ни ушлаб бериш ҳақидаги талаби Ўзбекистон Республикаси томонидан рад қилинади.

### **Ушбу масаланинг ечимини топинг?**

**52.** Дастлабки тергов вақтида айбланувчи Б.ни адвокат А ҳимоя қилган. Б нинг иши судга топширилгандан кейин, у қариндошлари орқали ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун бошқа адвокат таклиф қилишни илтимос қилган. Сабаби Б.ни адвокат А. ни ҳимоя қилишни хоҳламаган.

**Бошқа адвокат суд мажлисида Б. нинг ҳимоясини ўз зиммасига олишга ҳақлими?**

**53.** ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан айбланиб, судга берилган, вояга етмаган А.ни ишини ҳимоячининг илтимосига кўра ёпиқ суд мажлисида кўриш ҳақида суд ажрим чиқаради. Бироқ вояга етмаган айбланувчининг икки акаси ва жабрланувчининг амакиси суд мажлисида қатнашиш учун рухсат сўраб мурожаат қилишади.

**Суд қандай қарор қабул қилиши керак?**

**Жиноят процессида ошкоралик принципининг моҳияти нимада?**

**54.** А. исмли шахс ЖК нинг 164-моддаси 2-қисмiga биноан жавобгарликка тортилди. Лекин тергов давомида унинг айловини тасдиқлайдиган далиллар топилмайди. Натижада А.дан терговчи унинг жиноятни қандай содир этганлигини исботлашни талаб қиласди.

**Айловчи ўзининг айбизлигини исботлаши керак?**

**55.** Судланувчи К.га нисбатан ЖК 104-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган, жиноят ишини суд муҳокамасида кўрилганда Прокурор бир неча бор қоидани бузган, судья прокурордан буни кутмаганлиги, бу ҳолат унинг кайфиятнига салбий таъсир қилганлигини баён етиб, ишни кейинга қолдиради.

**Судьянинг харакатлари тўғрими?**

**56.** Суд мажлисида гувоҳ сифатида С. исмли шахс чақирилган бўлсада сабабсиз келмайди. Кейин аниқланишича, чопар чақирув қофозини С.нинг 17ёшли ўғлига бериб, имзо қўйдирив олган.

**С. исмли шахснинг бундай ҳолларда судга келмасликка ҳаки борми? Чопарнинг харакатлари тўғрими?**

**57.** Терговчи К. исмли шахснинг уйини тинтуб қилишда унинг қўшнилари 17 ёшли Е.ни холис сифатида ишга жалб қиласди. Сўнг баённома расмийлаштирилади. Кейинчалик айлов хulosасини прокурор терговчининг ўзига қайтариб юборади ва ундаги камчиликларни тузатишни талаб қиласди.

**Терговчининг хатоси нимада?**

**Прокурорнинг харакатлари нимада?**

**58.** “Гранд” кинотеатирида кинофильм бошланишидан аввал маст ҳолда бўлган Ф.С ни ҳақоратлаб, юзига мушти билан бир неча марта урган.

**Уларнинг барчасини гувоҳ сифатида ишга чақириш шартми?**

**Жиноят процессуал ҳуқуқида исботлаш доираси нима ва унинг қандай аҳамияти бор?**

**59.** Босқинчилик жиноятини содир этганликда Л. Исмли шахс гумон қилиниб, ушланади. У ушланган кундан 32 соатдан кейин суроштирув органи ходими уни сўроқ қилади. Фуқаро Л.эса, бундан бош тортади.

**Ушбу ҳолатда суроштирув органи ходими томонидан қандай хатога йўл қўйилган?**

**60.** ЖК нинг 98-моддаси бўйича С.исмли шахс жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноят шоҳида бўлган С нинг акаси гувоҳ сифатида сўроқ қилинади. Лекин у кўрсатма беришдан бош тортади.

**Унинг гувоҳ сифатида кўрсатма бериши мажбурийми?**

**61.** Ўғирлик жиноятини содир этганликда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилган С. тергов давомида кўрсатув беришдан бош тортган.

**Терговчи жиноятни исботлаш учун қандай тергов харакатларини қўллаши керак.**

**62.** Ўғирлик жиноятида гумон қилинган Т.ни уйида тинтуб ўтказилганда, жиноятга оид ҳеч нарса топилмайди. Т. прокурорга ёзган шикоят аризасида соат 24 ларда бир гурӯҳ милиция формасидаги шахслар унинг розилигисиз уйига бостириб кириб, тинтуб қилганликларини ҳамда унинг ҳуқуқларини қўпол равишда бузганликларини ёзади.

**Тинтуб қилиш асослари, тартиби, иштирокчилари, вақти ва тинтуб баённомаси ҳақида фикр билдиринг?**

**63.** Терговчи муқаддам судланган Ж. бошчилигидаги жиноий гурӯхнинг маълум бир жиноятни амалга оширишга тайёргарлик кўраётгани тўғрисида етарли маълумотлар тўплаган ҳолда ушбу телефон сўзлашувларини эшитиб туриш тўғрисида қарор чиқариб, МҲХга юборади. Прокурор хабардор қилинмаган ҳолда мазкур гурӯхнинг телефон сўзлашувларини тўрт кун давомида эшитади.

**Терговнинг харакатлари қонунийми?**

**64.** Милиция органи томонидан қарамоғидаги икки нафар вояга етмаган фарзандига алимент түлашдан узоқ вақт бош тортиб юрган фуқаро А.ушланган ва суд санкцияси билан қамоққа олинган.

**А. га нисбатан қўлланган эктиёт чораси асослими?**

**65.** Вояга етмаган қизни зўрлашда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган Б., унга нисбат қамоқ чораси қўлланиши муносабати билан уйидаги буюмлар ва итини қаровсиз қолганлигини билдиради.

**Бу ҳолда чора қўлланиши лозим?**

**Тегишли процессуал хужжатларни тузинг.**

**66.** Босқинчилик содир этилган вақтда маҳалла посбони жиноят содир этган шахсни ушлашга муваффақ бўлади ва ўз уйида бир сутка сақлаб туради.

**Бу ерда қандай хатолик мавжуд?**

**67.** ЖКнинг 97-моддаси “ж” банди билан айбланган Р.га нисбатан прокурор томонидан фуқаровий даъво қўзғатилган. Маълум бўлишича қотиллик қурбони бўлган Т.нинг бир нафар вояга етмаган фарзанди ва ногирон онаси бўлиб, хотини эса ҳеч қаерда ишламаган.

**Даъво қай тартибда ундирилади?**

**68.** Бир гурух шахслар томонидан ўғрилик жинояти содир етилиши натижасида жабрланувчи М.га қиймати беш миллион сўмдан ортиқ моддий зарар етказилган. Айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган Т., Р., С.лар таъкидлашича ўғирланган қимматбаҳо буюмлар аллақачон сотиб юборилган.

**Жабрланувчининг кўрган зарари қандай қопланган?**

**69.** Тошкент шаҳри қурилиш коллежининг вояга етмаган 1-курс талабалари Т., В., Н.лар ўғирлик жиноятини содир этадилар. Дастребки терговда жиноятни содир бўлишига сабаб бўлган ҳолатлар ўрганилган, лекин унинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилмаган. Суд муҳокамаси босқичида ҳукм билан бирга туман ҳалқ таълими бўлими номига ҳусусий ажрим чиқарилган. Лекин ҳусусий ажрим умумий тарзда ёзилганлиги учун, судга жавоб хати йўлланмаган.

**Ҳусусий ажримга қандай талаблар қўйилган?**

**Ҳусусий ажримга жавоб хати йўлламаслик қандай ҳусусий оқибатларни юзага келтиради.**

**70.** Тошкент шаҳрида жойлашган давлат корхоналаридан бирида бош ҳисобчи лавозимида фаолият юритаётган фуқаро Ф. томонидан давлат мулки ўзлаштирилганлиги факти бўйича прокуратура органи жиноят иши қўзғатди ҳамда дастлабки терговда терговчи томонидан жиноят содир этишда айбланаётган Ф.ни лавозимидан бўшатиш тўғрисида корхона раҳбарига тақдимнома киритилди.

**Терговчининг ҳаракатлари қонунийми?**

**Тақдимнома қандай ҳолатлар бўйича киритилиши мумкин?**

**71.** ЖПКнинг 277-моддаси 1-банди билан айбланган К.нинг жиноят иши суд мажлисида қўрилиб, жазо белгиланмаган айлов ҳукми билан суд залидан озод қилинади. Маълум бўлишича, К. дастлабки тергов даврида эҳтиёж чораси сифатида қамоқда ушлаб турилган. Суд К.га олти ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаган. Ҳукмда ЖКнинг 83-моддасини қўллаб, ЖПКнинг 467, 474-моддаларига асосан суд залидан озод қилинади.

**Реабилитациянинг турлари ва мазмуни ҳақида фикр билдиринг.**

**72.** Қ. исмли шахс спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда доимий равишда хотинини уриб, уни болалари олдида хақоратлаб келган. 2001 йил 2 февраль куни ҳам Қ. қаттиқ маст ҳолда келиб 13 яшар ўғли Б. олдида хотинини ура бошлаган. Буни кўрган ўғли отасининг номида бўлган ов милтиғи билан уни отиб ўлдирган. Худди шу куни, Қ.нинг ўғли ва хотини туман прокуратурасига келиб қотиллик ҳақида хабар беришган.

**Терговчи қандай йўл тутиши керак?**

**73.** Қотиллик жинояти содир этилганлиги боис терговчи суриштирувчидан ишни ўз юритувига беришни талаб қиласи. Лекин суриштирувчи суриштирув муддати ўтмаганлигини важ қилиб терговчига ишни бермайди.

**Суриштирувчининг ҳаракатлари тўғрими?**

**74.** С. исмли шахс ўғирлик жиноятини содир этилганликда гумон қилиниб ушланди. Фуқаро С. ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига олиб келинади ва унинг чет эл фуқароси эканлиги аниқланади. Икки суткадан кейин С.нинг дўстига унинг ушлаб турилганлиги ҳақида хабар берилади.

**Бу ерда қандай қонунбузарликка йўл қўйилган?**

**75.** ЖКнинг 210-моддаси 1-қисми билан айбланиб 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган А.нинг касаллиги туфайли жазодан озод қилишни сўраб берган аризаси вилоят судининг ажрими билан рад этилади. Суд ажримида кўрсатилишича А.га жазони ўташ даврида интизомий чора қўлланилган ҳамда қисқа муддат даволанган холос.

Бундан ташқари А. маъмурият томонидан бир неча бор тақдирланган ҳам. А.нинг жазо берилган жой маъмурияти томонидан берилган тавсияномада колониянинг ички тартиб қоидаларида риоя қилиш, берилган вазифаларни сидқидилдан бажариш ҳақида сўз боради.

Кейинги пайтда ҳақиқатдан ҳам А. оғир хасталаниб қолганлиги, жазони олти йилини ўтаганлиги ҳақида маълумот берилади.

### **Суднинг ажримига муносабатингизни билдиринг.**

**76.** Ўғирлик жиноятини содир этган С.нинг иши судда кўрилаётганида жиноят содир этилган вақтда судланувчи вояга етмаганлиги аниқланди. Суд ажрим чиқариб, вояга етмаган шахсга нисбатан ҳимоя ҳуқуқи таъминланмаганлиги учун ишни дастлабки терговга қайтаради.

**Вояга етмаганларнинг ишини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?**

**77.** У. исмли шахс ЖКнинг 102-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айланди. Иш судга оширилиб, судья унга 7 йилга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлади. Иш юзасидан суднинг чиқарган ҳукми устидан прокурор юқори турувчи судга апелляция тартибида протест келтиради. Вилоят суди раиси биринчи инстанцияда суднинг ҳукми ижросини 1 ойга тўхтатади.

**Суд ҳукми ижросини тўхтатиб туриш ваколатига кимлар эга?**

**Улар қанча муддатга тўхтатилади?**

**78.** ЖПКнинг 266-моддаси биринчи қисми билан айбланиб, уч йил ахлоқ тузатиши ишлари жазосига тортилган С.касал бўлиб қолганлиги сабабли ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят қила олмаган. С. судга ёзган илтимосида апелляция муддатини тиклаб беришни сўраган ва касаллик варақасини илова қилган. Суд раиси қонуний қучга кирган ҳукм устидан кассация тартибида шикоят қилиш мумкинлигини таъкидлаб, илтимосни рад этган.

Апелляция ва кассация тартибида иш юритишнинг муддатлари қандай белгиланган.

**Масалани қандай ҳолатда тўғри ҳал қилинган деб ҳисоблаш мумкин?**

**79.** Қотиллик жинояти бўйича гувоҳ бўлган С. исмли шахс Наманган вилоятида истиқомат қилган. Дастребки тергов давомида икки марта келиб кетган.

**С.нинг харажатлари қандай қопланади?**

**80.** А., В. ва Ш. исмли шахслар жиноят содир этганликда айбланган. Уларнинг барчаси жиноятда фаол қатнашганлиги исботланган ва суд томонидан тегишли ҳукм чиқарилган. Суд маҳкумларга нисбатан чиқимларни белгилашда барча чиқимларни А. ва Ш. судланувчиларга қаратиб, В. судланувчини чиқимдан озод қиласди.

**Бу ҳолатда қонун бузилишига йўл қўйилганми?**

**Судьянинг ушбу ҳаракати тўғрими?**

**81.** Жиноий иш материаллари билан танишиш вақтида ҳимоячи терговчидан айбланувчини сўроқ қилиш фонограммасини қўйиб, уни эшитишга имконият беришини илтимос қилган. Лекин терговчи фонограммани суд мажлисида қўлланишини рўкач қилиб, ҳимоячининг илтимосини рад этган.

**Терговчининг ҳаракати тўғрими?**

**82.** Айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинган шахсга нисбатан реабилитация этиш учун асос аниқлангани боис унга нисбатан иш тутатилади. Айловни тутатиш тўғрисида терговчи қарор чиқаради. Ушбу шахсга нисбатан жиноят орқасида топилган деб ҳисобланган мол-мулки рўйхатга олинган бўлган. Ушбу шахс эса мазкур мулкини давлат ҳисобига ўтказилган деб ҳисоблади ва ўз мулкини талаб қилиб олмайди.

**Процессуал хатоликни топинг.**

**83.** Қотиллик содир этишда гумонланувчи тариқасида ишга жалб қилинган шахс адвокат талаб қиласди ва унга адвокат берилади. Аммо терговчи сўровдан кейин гумонланувчи билан унинг адвокати ёлғиз қолдирмайди ва улар ўртасидаги сухбатда бевосита кузатувчи сифатида қатнашади. Сухбат мазмунидан хабардор бўлади.

**Процессуал хатоларни топинг?**

**84.** 2001 йил 11 сентябрь куни Қ.нинг машина гаражидан “Нексия” русумли шахсий автомашинаси ўғирланади. Барча ўтказилган тергов ҳаракатлари натижасиз бўлганлиги сабабли терговчи жиноят ишини 14 октябрда тўхтатиш тўғрисида қарор чиқаради. 16 октябрда жиноят қидирав ходимлари томонидан иш бўйича муҳим маълумотлар аниқланганлиги тўғрисида хабар берилади.

**Терговчи қандай ҳаракатларни амалга ошириши керак?**

**85.** Терговчи айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишда жалб қилинган В.нинг шифокорлар хулосасига кўра “ОИТС” касаллигига чалинганлигини аниқлайди ва В.нинг ҳақиқатдан ҳам шу касалликка чалинган деб ҳисоблайди. Терговчи ЖПК нинг 364-моддасига кўра, В.нинг тузатиб бўлмайдиган касаллигига чалинган деб ҳисоблайди. Терговчи Б. айбланувчи В.га нисбатан унинг тузалиб бўлмайдиган касалликка чалинганини ҳисобга олиб унга нисбатан ишни тугатади.

**Терговчининг хатти ҳаракатларини изоҳланг?**

**86.** Ҳарбий хизматга чақирилувчи Б. исмли шахсга нисбатан унинг айби йўқлиги исботланади ва терговчи унинг ишини тугатади. Терговчи бу ҳақда Б. яшайдиган туман судига хабар қиласди.

**Терговчининг хатосини топинг?**

**87.** Айбланувчининг ҳимоячиси А. баҳтсиз ходиса туфайли жиноят иши материаллари билан танишиб чиқа олмайди. Бу ҳолатда ҳимоячи терговчига мурожаат қиласди лекин терговчи ҳимоячига муддатни узайтиришга ҳаққи йўқлигини айтади. Шу тариқа ҳимоячи иш билан танишиш имкониятидан маҳрум бўлади.

**Терговчининг ҳаракатлари тўғрими?**

**88.** Жиноят ишлари бўйича Бўстонлик тумани судида жиноят содир қилган лейтенант С.га нисбатан жиноят иши кўриб чиқиласди. Лейтенант С. ЖК.нинг 97-моддаси иккинчи қисми билан айбдор деб топиласди ва унга нисбатан ҳукм ўқиласди.

**Бу ерда қандай хатолик мавжуд?**

**89.** Мирзо Улуғбек тумани жиноят судида Миробод туманида, Бектемир туманида ва Чилонзор туманида ўғрилик содир қилиб охир-оқибат Собир Раҳимов туманида жиноят содир қилинганлиги сабабли ўш ерда қўлга олинади. Лекин айбланувчи С дастлабки жиноятини Мирзо Улуғбек

туманида содир қылғанлиги сабабли жиноят иши бўйича судловлилик Мирзо Улугбек туманида кўрилади деб топилган.

### **Процессуал хатоликни топинг?**

**90.** Темир йўл лицейи талабаси С.лицейга тегишли компьютерни ўғирлаб чиқаётган вақтида қўлга тушади ва уни туман ички ишлар бўлимига олиб келиб топширадилар. Жиноят иши тамомланиб, иш судга берилади. Суд мажлисининг тайёргарлик қисмida С.нинг ҳимоячиси халқ маслаҳатчиларидан бири лицейда математика ўқитувчisi эканлигини билиб, суд таркиби қонуний эмас, ЖПК нинг 406-моддасига кўра, халқ маслаҳатчисини рад қилади.

### **Ҳимоячининг ҳаракатига баҳо беринг?**

**91.** Суд мажлисига ҳимоячининг келмаганлиги муносабати билан суд ҳимоячини алмаштириш ҳақида ажрим чиқарди. Судланувчи бунга эътиroz билдириб ўз ҳимоячисини иштирок этишини сўрайди. Илтимоснома суд томонидан рад қилинди.

### **Суднинг ҳаракатлари қонунга асосланганми?**

### **Ушбу жараёнда судланувчининг қандай хуқуклари мавжуд?**

**92.** К. исмли шахс жиноят содир қилади. Унга нисбат жиноят иши қўзғатилади ва иш судга оширилади. Белгиланган кунга келиб суд мажлиси бошланади. Аммо мазкур суд мажлисига жамоат айловчisi келмайди. Суд эса ишни унинг иштирокисиз кўриш мумкин деб ҳисоблайди ва ишни кўришни давом эттиради.

### **Суднинг ҳаракатлари тўғрими?**

**93.** Д. жиноий уюшма раҳбарига нисбатан жиноят иши қўзғатилади ва жиноят иши терговдан судга оширилади. Судда эса прокурор қилиб А исмли шахс иштирок этади. Д.нинг озодликдаги ҳамтовороқлари бошлиқларини қутқариб олиш мақсадида прокурорга таҳдид қилади. Бу таҳдиддан қўрқкан прокурор судда айловдан воз кечади. Аммо воз кечиш сабабини судга баён қилмайди.

### **Процессуал хатоликни топинг?**

**94.** Фуқаро Ю. ЖК нинг 118-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбланиб, дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилиб иш судга юборилади.

Судда раислик этувчи Ю.га 6 йилга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги жазо тайинлайди. Судланувчининг ҳимоячиси ҳукмдан норози бўлиб, юқори турувчи судга аппеляция шикояти беради. Лекин маҳкум бу шикоятни аппеляция инстанция суди маслаҳатхонага кирмасидан аввал қайтариб олади.

**Шикоятнинг қайтариб олиниши аппеляция тартибидаги иш юритишининг тугатилишига асос бўладими ёки иш кўрилаверадими?**

**95.** 1943 йил 15 декабрда туғилган К исмли шахс устидан 2007 йил 15 январда ўғрилик жинояти содир этгани учун ЖК.нинг 169-моддаси учинчи қисм билан жиноят иши қўзғатилади. Иш судда муҳокама қилиниб, фуқаро К.ни 7 йилга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида суд ҳукми чиқарилади. Иш вилоят судида апелляция тартибида кўрилиб, бунда К.га нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораси тайинланади. Биринчи инстанцияда ишни қўрган суд қандай хатоликларга йўл қўйган.

**Нега К.га нисбатан озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо чораси қўлланилмади.**

**96.** ЖКнинг 164-моддасининг иккинчи қисми билан Р., С., Н.лар айбланади. Р. 8 йил, С.10 йил озодликдан маҳрум қилинадилар, Н.нинг иштироки исботланмади деб топилиб, ЖПКнинг 83-моддаси 3-банди билан оқлов ҳукми чиқарилади.

Ҳукм 10 кун ўтиб, қонуний кучга киргандан кейин Тошкент шаҳар прокурори протест келтириб, Р.га жазо кам берилганлиги, Н.га нисбатан чиқарилган оқлов ҳукми нотўғри бўлганлигини баён қиласади.

Кассация инстанция суди ишни кўриб чиқиб, прокурорнинг протестини тўғри деб топади. Кассация инстанция судининг ажримида суд жазо белгилашда Р.нинг жиноят содир бўлишда ташкилотчилик қилганлигини эътиборга олмаганлигини эътироф қилган, Н.га нисбатан дастлабки тергов ва суд терговида жиноятда айби бор ёки йўқлиги етарлича далиллар билан исботланмаганлигини кўрсатади.

**Кассация инстанциясининг ишни кўриш доираси қандай?**

**97.** ЖКнинг 169-моддасининг биринчи қисми билан судланган вояга етмаган Ж.нинг ҳимоячиси кассация тартибида шикоят келтириб, дастлабки терговда Ж.нинг ҳимоячиси бўлмаганлигини кўрсатади. Кассация инстанцияси тўпланган материалларни кўриб чиқиб, ҳақиқатдан ҳам вояга етмаган Ж.фақат суд муҳокамаси босқичида ҳимоячи билан таъминланмаганлигини аниқлайди. Кассация инстанцияси ҳукми ЖПКнинг

487-моддаси билан бекор қилиш билан бир вақтнинг ўзида ҳусусий ажрим чиқариб, жиноят процессуал қонунини жиддий бузишда терговчи ва терговга раҳбарлик қилган прокурорнинг эътиборсиз бўлганлиги таъкидланади.

**Ҳукмларни бекор қилиш асосларини биласизми?**

**Ҳусусий ажрим чиқаришдан мақсад нима?**

**98.** И.га нисбатан ЖК.нинг 144-моддаси биринчи қисми билан қўзғатилган жиноят иши судда муҳокама қилинаётганда туман прокурори жамоат айловчиси, ҳимоячиси, таржимонлар иштирок этади. Ишни муҳокама қилиш жараёнида прокурор бир неча бор қоидани бузиб тартибсизлик қиласи. Суд ишини кўришни кейинга қолдиради.

**Судьянинг ҳаракатлари тўғрими?**

**Судда раислик қилувчи давлат айловчисини процессуал жавобгарликка тортиши мумкин?**

**99.** У. исмли шахс ЖКнинг 102-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбланади. Иш судга оширилиб, судья унга 7 йилга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлади. Иш юзасидан суднинг чиқарган хукми устидан прокурор юқори турувчи судга апелляция тартибида протест келтиради. Вилоят суди раиси биринчи инстанцияда суднинг хукми ижросини 1 ойга тўхтатади.

**Суд хукми ижросини тўхтатиб туриш ваколатига кимлар эга?**

**Улар қанча муддатга тўхтатилади?**

**100.** Ўғирлик жиноятини содир этган С.нинг иши судда кўрилаётганида жиноят содир этилган вақтда судланувчи вояга етмаганлиги аниқланади. Суд ажрим чиқариб, вояга етмаган шахсга нисбатан ҳимоя хукуки таъминланмаганлиги учун ишни дастлабки терговга қайтаради.

**Вояга етмаганларнинг ишини юритишнинг ўзига хос ҳусусиятлари нималардан иборат?**

Ўзбекистон  
Республикаси Адвокатлар  
палатаси раисининг 2019 йил  
январдаги- ум-сон буйруғига  
2-ИЛОВА

## **ФУҚАРОЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЎРИТИШ ИХТИСОСЛИГИ БҮЙИЧА МАЛАКА ИМТИҲОНИ БИЛЕТЛАРИГА КИРИТИЛГАН САВОЛЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. ҲУҚУҚ ТАРМОҚЛАРИ НАЗАРИЯСИ Адвокатура**

- 1.** Адвокатура ва унинг вазифалари.
- 2.** Ўзбекистон Республикасининг адвокатура тўғрисидаги қонун хужжатлари.
- 3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 12 майдаги ПФ-5441-сон Фармонини моҳияти.
- 4.** Адвокат ва адвокат мақомига эга бўлиш.
- 5.** Адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакллари.
- 6.** “Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шаклларини тасдиқлаш ҳақида” ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи (рўйхат рақами 1-мх, 2018 йил 05 январь).
- 7.** Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси, унинг худудий бошқармалари ва адвокатлик тузилмаларида ягона иш юритиш тартиби тўғрисидаги намунавий йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раисининг 2010 йил 28 сентябрдаги 1 кх-сон буйруғи билан тасдиқланган)
- 8.** Адвокатлик фаолиятининг турлари, адвокатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- 9.** Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 1929, 2009 йил 27 март).
- 10.** Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 1928, 2009 йил 27 март).

**11.** Адвокатлик тузилмасида стажировка ўташга намунавий меҳнат шартномаси (контракти) (Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раисининг 2009 йил 11 сентябрдаги 2 кх-сон буйруғи билан тасдиқланган)

**12.** Адвокатлик сири, адвокат қасамёди ва адвокат гувоҳномаси.

**13.** Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)

**14.** Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари, адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва адвокатнинг ижтимоий ҳукуқлари.

**15.** Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси, асосий вазифалари, органлари ва мансабдор шахслари ҳамда ҳудудий бошқармалари.

**16.** Малака комиссиялари ваадвокат мақомини тўхтатиб туриш ҳамда адвокатнинг интизомий жавобгарлиги.

**17.** Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиши.

**18.** Адвокатура ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.Давлат ва адвокатура ўртасидаги ўзаро муносабатлар.

**19.** Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар касб этикаси қоидалари.

**20.** Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунини моҳияти.

**21.** Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1878, 2008 йил 2 декабрь).

**22.** Ўзбекистонда адвокатура институтининг ривожланиш босқичлари.

**23.** Нотиқлик санъати. Ҳимоя нутқи.

**24.** Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунини моҳияти.

**25.** Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи ва асосий принциплари ҳамда адвокатнинг ваколатлари.

**26.** “Адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер шаклини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи (рўйхат рақами 1938, 2009 йил 8 апрель).

**27.** Адвокатнинг мустақиллигини таъминлаш ва адвокатнинг дахлсизлиги.

**28.** Адвокатнинг ҳаётини ва соғлигини муҳофаза қилиш. Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари

**29.** Адвокатура фаолиятининг принциплари ва ташкилий шакллари, юридик ёрдамни таъминлаш кафолатлари ва адвокатуранинг маблағлари.

**30.** Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ваадвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартиби.

**31.** Адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари, адвокатлик бюролари ва адвокатларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари.

**32.** Суд қарорларининг ижро этилиши босқичида ҳимоячининг иштирокининг ўзига хос жихатларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**33.** Ҳимоячининг апелляция ёки кассация инстанцияларидағи иштироки босқичлари.

**34.** Жабрланувчи ва процесснинг бошқа иштирокчилари номидан адвокат вакиллиги қандай тартибда амалга оширилишини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**35.** Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритишда адвокат иштирокининг ўзига хос хусусиятлари, алоҳида фарқли жихатларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**36.** Жиноят ишларини юритишда адвокат иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**37.** Адвокатнинг жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судида иштирокининг ўзига хос хусусиятларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**38.** Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда адвокат иштирокининг ўзига хос хусусиятларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**39.** Фуқаролик процессида даъвогар ёки жавобгар вакили сифатида адвокатнинг ҳукуқий мақомининг ўзига хос хусусиятларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**40.** Фуқаролик ишини қўзғатиш ва кўриб чиқишига тайёргарлик кўриш босқичида адвокатнинг иштирокининг ўзига хос хусусиятларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**41.** Адвокатнинг биринчи инстанция фуқаролик ишлари бўйича судида иштирок этиши мазмuni, амалий аҳамиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**42.** Фуқаролик процессида ишни кўришда адвокатнинг фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**43.** Фуқаролик процессида адвокатнинг далилларни тақдим этиш бўйича ваколатларини очиб беринг, адвокатнинг далилларни тақдим этиш борасида ҳукуқларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**44.** Фуқаролар томонидан бериладиган ишончнома тасдиқлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**45.** Фуқаролик процессининг судгача бўлган босқичида адвокат қандай ҳукуқ ва ваколатларга эга, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**46.** Адвокатнинг апелляция суди ишларида иштирок этиш тартибини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**47.** Фуқаролик ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрими, қарорининг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлилигини текшириш босқичида адвокатнинг иштирокини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**48.** Фуқаролик процессида адвокатни рад этилиши тартибини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

**49.** Адвокатуранинг инсон ҳуқуқларини таъминлашда халқаро-ҳуқуқий жиҳатларни таҳлил қилинг

**50.** Адвокатни жавобгарликка тортишнинг ўзига хос жиҳатлари, адвокат иммунитети асосларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

### **Фуқаролик ҳуқуқи**

**51.** Фуқаролик қонун ҳужжатлари. Уларининг вақт, ҳудуд бўйича амал қилиши. Маҳаллий одатлар ва анъаналар.

**52.** Фуқаролар - фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати тушунчалари ва мазмuni.

**53.** Якка тадбиркорнинг ҳуқуқий мақоми. Якка тадбиркорни банкрот деб эълон қилиш.

**54.** Эмансиپация ва уни қўллаш шартлари.

**55.** Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш. Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш. Уларнинг ҳуқуқий оқибатлари.

**56.** Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш. Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш. Унинг ҳуқуқий оқибатлари.

**57.** Фуқаролик ҳолати ҳужжатлари, унга ўзgartiriш киритиш ва бекор қилиш тартиби.

**58.** Юридик шахс тушунчаси ва турлари. Юридик шахсларнинг вужудга келиши ва тугатиш тартиби. Юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари.

**59.** Тижорат ташкилотлари. Масъулияти чекланган жамиятлар. Акциядорлар жамияти.

**60.** Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.

**61.** Мол-мулкнинг турлари. Кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиши..

**62.** Фуқаролик ҳуқуқининг обьекти сифатида ашёлар ва уларнинг таснифи. Бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёлар. Мураккаб ашёлар.

**63.** Шахсий номулкий ҳуқуқлар. Шаън, қадр-қиммат ва ишchanлик обрўсини ҳимоя қилиш.

**64.** Фуқаролик ҳуқуқлари обьектлари турлари. Интеллектуал фаолият натижалари.

**65.** Давлат субсидиялари, грантлари ва буюртмаларининг моҳияти.

**66.** Битимлар тушунчаси, турлари ва шакли. Битимларнинг ҳақиқий саналиш шартлари.

**67.** Битимнинг қонун талаб қиласидиган шаклига риоя қилмаслик оқибатлари. Низоли битимлар ва уларнинг ҳуқуқий оқибатлари.

**68.** Вакиллик тушунчаси ва моҳияти. Ваколатсиз вакиллик. Тижорат вакиллиги.

**69.** Ишончнома, унинг шакли ва муддатлари. Ишончнома бўйича ваколатларни бошқа шахсга бериш, унинг ҳуқуқий оқибатлари.

**70.** Юридик шахснинг ишончномаси. Ишончноманинг бекор бўлиши.

**71.** Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар тушунчаси ва унинг аҳамияти. Муддатларни ҳисоблаш.

**72.** Даъво муддати. Махсус даъво муддати. Даъво муддатининг ўта бошлиши. Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар.

**73.** Даъво муддати ўтишининг узилиши, унинг ҳуқуқий оқибатлари. Даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши, ҳуқуқий оқибатлари.

**74.** Мулк ҳуқуқи тушунчаси ва унинг шакллари. Мулк ҳуқуқи субъектлари ва обьектлари. Мулк ҳуқуқини амалга ошириши шартлари.

**75.** Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари.

**76.** Эгасиз ашё. Топилма ва топилмага нисбатан эгалик ҳуқуқини олиш.

**77.** Бозор муносабатлари шароитида ҳусусий мулк ҳуқуқи, унинг обьектлари ва субъектлари. Ҳусусий мулк обьектлари бўлмайдиган мол-мулклар.

**78.** Уй-жойга мулк ҳуқуқининг вужудга келиш тартиби. Ўзбошимчалик билан иморат қуриш ва унинг оқибатлари.

**79.** Оммавий мулк тушунчаси, турлари, обьектлари ва субъектлари. Республика мулки ва муниципал мулк.

**80.** Ўзбекистонда ерга нисбатан мулкчилик.

**81.** Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳусусийлаштириш.

**82.** Умумий мулк ҳуқуқини вужудга келиш асослари ва тушунчаси. Улушли мулкдаги улушларни аниқлаш, тақсимлаш ва ундан улуш ажратиш.

**83.** Умумий мулкда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи. Ундирувни умумий мол-мулкка қаратиш.

**84.** Биргаликдаги мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасаррuf этиш. Уни тақсимлаш ва ундан улуш ажратиш тартиби.

**85.** Мажбурият ва унинг вужудга келиш асослари. Мажбуриятнинг тарафлари. Мажбуриятда қатнашувчи шахсларнинг алмашиниш асослари ва тартиби.

**86.** Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш. Мажбуриятни бажариш жойи ва муддатлари.

**87.** Регресс (қайтарма) мажбуриятлар.

**88.** Солидар мажбуриятлар.

**89.** Субсидиар жавобгарлик.

**90.** Неустойка - мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида. Неустойка шакллари.

**91.** Гаров-мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида. Тушунчаси ва турлари. Гаровга қўювчи ва гаровга олувчининг ҳукуқ ва мажбуриятлари.

**92.** Гаров шартномаси тушунчаси, шакли ва шартлари. Гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш. Гаровнинг бекор бўлиши.

**93.** Кафиллик шартномаси, шартномада тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари. Мажбуриятларни бажаришни таъминлаш усули бўлган кафиллика кафилнинг жавобгарлиги.

**94.** Кафолатда принципал ва бенефициарнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари.

**95.** Мажбуриятларни бузганлик учун белгиланадиган фуқаролик-ҳукуқий жавобгарлик тушунчаси. Жавобгарлик турлари ва шакллари.

**96.** Фуқаролик ҳукуқида зарар тушунчаси, турлари. Зарарни тўла ҳажмда қоплаш принципи.

**97.** Мажбуриятларнинг бекор бўлиш асослари. .

**98.** Шартнома тушунчаси ва турлари. Шартномалар шакли. Электрон шартномалар.

**99.** Фуқаролик ҳукуқида шартноманинг мазмуни. Шартнома тузиш қоидалари. Оферта ва акцепт.

**100.** Шартнома шартларини бажармаганлик учун жавобгарлик.

**101.** Ким ошди савдолари орқали шартномалар тузиш.

**102.** Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асослари.

**103.** Олди-сотди шартномасининг асосий шартлари. Олди-сотди шартномасида тарафлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**104.** Кўчмас мулкларни олди-сотди шартномасининг ўзига хос хусусиятлари.

**105.** Транспорт воситаларини олди-сотди шартномаси.

**106.** Корхоналарни олди-сотди шартномаси.

**107.** Уй-жойларни олди-сотди шартномасининг ўзига хос хусусиятлари.

**108.** Халқаро олди-сотди шартномаларининг ҳуқуқий табиати.

**109.** Маҳсулот етказиб бериш шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари. Тарафларининг шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлиги.

**110.** Товарлар етказиб бериш бўйича давлат контракти тушунчаси ва тузиш тартиби.Давлат контракти юзасидан вужудга келган заарларни қоплаш.

**111.** Бозор муносабатлари шароитида контрактация шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари, аҳамияти.Контрактация шартномасининг бекор бўлиш асослари.

**112.** Айирбошлиш шартномаси. Тушунчаси, ҳуқуқий белгилари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**113.** Ҳадя шартномаси. Тушунчаси, ҳуқуқий белгилари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.Хайр-эҳсон тушунчаси, унинг ҳадядан фарқи.

**114.** Бозор муносабатлари шароитида рента шартномаси. Тушунчаси, мазмуни ва ҳуқуқий белгилари.Рента турлари.Рента шакли.Рента шартномасининг бекор бўлиши.

**115.** Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошка шахсга бериш шартномаси. Тушунчаси, мазмуни ва ҳуқуқий белгилари.

**116.** Мулк ижараси шартномаси. Тушунчаси, мазмуни ва ҳуқуқий белгилари.Мулк ижараси шартномаси объектлари. Шартнома шакли ва муддатлари.

**117.** Транспорт воситалари ижараси шартномасининг ўзига хос хусусиятлари.Транспорт воситалари ижараси шартномасининг турлари.Транспорт воситалари ижараси шартномасида транспорт воситасига етказилган зарар учун жавобгарлик.

**118.** Бинолар ёки иншоотларни ижарага олиш шартномаси тушунчаси, мазмуни ва ҳуқуқий белгилари.

**119.** Корхонани ижарага бериш шартномаси. Тушунчаси, мазмуни ва ҳуқуқий белгилари.

**120.** Бозор муносабатлари шароитида лизинг шартномаси. Тушунчаси, мохияти ва хукукий белгилари.Лизинг муносабатлари борасидаги қонунчиликнинг ривожланиши.Лизинг шартномаси субъектлари ва объектлари.

**121.** Уй-жой ижараси шартномаси. Тушунчаси, мазмуни ва хукукий белгилари. Уй-жой ижараси шартномасида тарафлар. Уларнинг хукуқ ва мажбуриятлари. Шартномани бекор бўлиш асослари ва тартиби.

**122.** Бозор муносабатлари шароитида текин фойдаланиш (ссуда) шартномаси. Тушунчаси, мазмуни ва хукукий белгилари.

**123.** Бозор муносабатлари шароитида пудрат шартномаси. Тушунчаси, мазмуни ва хукукий белгилари.Пудрат шартномасида тарафлар. Уларнинг хукуқ ва мажбуриятлари.

**124.** Курилиш пудрати шартномаси. Тушунчаси, мазмуни ва хукукий белгилари.Курилиш пудрати шартномасида лойиҳа ва смета хужжатлари.

**125.** Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси. Тушунчаси, мазмуни ва хукукий белгилари.Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг бекор бўлиши.

**126.** Йўловчи ташиш шартномасида тарафлар, уларнинг хукуқ ва мажбуриятлари.

**127.** Қарз шартномаси тушунчаси, шакли ва жавобгарлик асослари

**128.** Банк омонати шартномаси тушунчаси, хукукий белгилари ва шакли.Омонатларнинг турлари.

**129.** Тўлов топшириқномалари билан қилинадиган ҳисоб-китоблар ва бажармаганлик учун жавобгарлик.

**130.** Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва уларнинг турлари.

**131.** Инкассо бўйича ҳисоб-китоб қилиш. Чек билан ҳисоб-китоб қилиш ва тўловчининг мажбуриятлари.

**132.** Топшириқ шартномаси тузиш тартиби ва бекор бўлиш асослари.

**133.** Воситачилик шартномаси тушунчаси, шакли ва хукукий белгилари.

**134.** Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тушунчаси, шакли ва унинг муҳим шартлари.

**135.** Комплекс тадбиркорлик лицензияси(франшизинг) шартномаси тушунчаси, шартномада тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари.

**136.** Омонат сақлаш шартномаси тушунчаси, шакли ва хукукий белгилари.

**137.** Ломбардда омонат сақлаш.

**138.** Суғурта шартномаси. Ихтиёрий ва мажбурий суғурта. Бош сугурта полиси.

**139.** Заар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчаси ва зарарни қоплаш асослари. Давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан етказилган заар учун жавобгарлик.. Фуқаролик ҳуқуқида етказилган заарни қоплашни истисно этувчи ҳолатлар.

**140.** Муомалага лаёқатсиз шахслар томонидан етказилган заар учун жавобгарлик.

**141.** Юридик шахснинг ўз ходимига етказган заари учун жавобгарлиги.

**142.** Маънавий заар тушунчаси. Маънавий заарнинг ўрнини қоплаш усули ва миқдори.

**143.** Интеллектуал мулк объектлари, уларга нисбатан шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқлар. Интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий муҳофазаси.

**144.** Муаллифлик ҳуқуки, объектлари. Муаллифлик шартномасининг шартлари. Ҳаммуаллифлик. Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуклари.

**145.** Фирма номига бўлган ҳуқуқ. Товар белгисига бўлган ҳуқуқ.

**146.** Ворислик ва васиятнома шакли. Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуки. Нолойиқ меросхўрларни меросдан четлаштириш.

**147.** Турдош ҳуқуқлар. Объекти ва субъектлари. Жавобгарлик масаласи.

**148.** Ошкор этилмаган ахборот ва унинг таркиби.

**149.** Коллизион нормалар.

**150.** Интеграл микросхемалар топологиялари. Топологияларни рўйхатга олиш тартиби. Топологияларга нисбатан мутлоқ ҳуқуқлар мазмуни.

## **ФУҚАРОЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ**

**151.** Процесс иштирокчилари. Ишда иштирок этувчи шахслар. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**152.** Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар. Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**153.** Фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати.

**154.** Тарафлар. Тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**155.** Ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш.

**156.** Процессуал ҳуқуқий ворислик.

**157.** Мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар. Мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар.

**158.** Процессда прокурорнинг иштироки. Прокурорнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**159.** Судда вакиллик қилиш. Қонуний вакиллик. Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллик. Вакилнинг ваколатлари. Судда вакиллик қилиши мумкин бўлмаган шахслар.

**160.** Суд орқали ҳимояланиш ҳуқуки.

**161.** Судда фуқаролик ишини қўзғатиш.

**162.** Тарафларнинг тортишуви ва teng ҳукуқлилиги. Суд ишлари юритиладиган тил. Судда иш кўришнинг ошкоралиги. Судда ишни кўришнинг бевоситалиги ва оғзакилиги.

**163.** Фуқаролик ишларининг якка тартибда ва ҳайъат томонидан кўрилиши.

**164.** Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакилликнинг ҳуқуқий асослари

**165.** Ишнинг ҳақиқий ҳолати, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг суд томонидан аниқланиши.

**166.** Суд чиқарган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруғининг мажбурийлиги.

**167.** Суд қарорлари. Суднинг хусусий ажрими (қарори).

**168.** Баённома юритишнинг шартлиги. Баённоманинг мазмuni. Баённома тузиш. Баённома юзасидан ёзма фикр билдириш.

**169.** Йўқолган суд ишини тиклаш.

**170.** Судьяни рад қилиш асослари. Прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлисининг котибини рад қилиш асослари.

**171.** Ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслиги.

**172.** Фуқаролик ишларининг судларга тааллуқлилиги. Бир-бири билан боғлиқ бир қанча талабларнинг судга тааллуқлилиги.

**173.** Исботлаш воситалари. Исботлаш ва далилларни тақдим қилиш мажбурияти.

**174.** Далилларнинг дахлдорлиги. Исботлаш воситаларига йўл қўйилиши. Исботлашдан озод қилиш асослари. Далилларни таъминлаш. Далилларни таъминлаш тўғрисидаги ариза. Далилларни таъминлаш тартиби.

**175.** Суд топшириқлари. Суд топширигини бажариш тартиби.

**176.** Гувоҳлар. Гувоҳ чакириш тўғрисидаги илтимоснома. Гувоҳнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги.

**177.** Ёзма далиллар. Ёзма далиллар тақдим этиш ва талаб қилиб олиш. Ёзма далилларни тақдим этиш мажбурияти. Ёзма далилларнинг аслини тақдим қилиш.

**178.** Ашёвий далиллар. Ашёвий далилларни талаб қилиб олиш ва тақдим этиш тартиби. Ашёвий далилларни тақдим этиш мажбурияти.

**179.** Экспертиза. Экспертларнинг хulosаси талаб қилинадиган масалалар доирасини белгилаш. Экспертнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги. Экспертнинг ҳуқуқлари. Экспертнинг хulosаси.

**180.** Судда мутахассиснинг иштирок этиши. Мутахассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

**181.** Суднинг иш юритишни тўхтатиб туриш мажбурияти. Суднинг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи. Иш юритишни тўхтатиб туриш вақти.

**182.** Аризани кўрмасдан қолдириш асослари. Аризани кўрмасдан қолдиришнинг оқибатлари.

**183.** Иш юритишни тугатиш асослари. Иш юритишни тугатиш тартиби. Иш юритишни тугатиш оқибатлари.

**184.** Суд харажатларининг турлари. Давлат божи. Даъвонинг баҳоси. Давлат божини кайтариб бериш.

**185.** Ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар. Суд харажатларини тўлашдан озод қилиш. Суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш.

**186.** Суд жарималари солиш. Жаримани ундириш. Жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтириш. Жарима солиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш.

**187.** Процессуал ҳаракатларни бажариш муддатлари. Процессуал муддатларни ҳисоблаш. Процессуал муддатларни ўтказиб юбориш оқибатлари. Процессуал муддатларнинг тўхтатиб турилиши. Процессуал муддатларни кечикириш ва тиклаш.

**188.** Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва кўриш муддатлари.

**189.** Суднинг чақирав қоғозлари. Суд чақирав қоғозининг мазмуни. Чакирав қоғозини топшириш муддати. Чакирав қоғозини етказиб бериш. Чакирав қоғозини топшириш.

**190.** Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг судловига тааллуқли ишлар. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судловига тааллуқли ишлар.

**191.** Судловга тааллуқлиликнинг умумий қоидалари. Суднинг ўз юритишига қабул қилиб олган ишни бошқа судга ўтказиши. Ишни бир суддан бошқасига ўтказиш тартиби.

**192.** Ариза бериш. Аризанинг мазмуни. Ариза ва бошқа хужжатларнинг нусхалари.

**193.** Аризани қабул қилиш ва иш қўзғатиш. Аризани қабул қилишни рад этиш. Аризани қабул қилишни рад этишни расмийлаштириш. Аризани ҳаракатсиз қолдириш.

**194.** Ишларни судда кўришга тайёрлаш вазифалари. Ишни тайёрлаш тартибида тарафларни сўроқ қилиш.

**195.** Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судьянинг ҳаракатлари.

**196.** Суд мажлиси. Суд мажлисини очиш. Суд мажлисида раислик қилувчи. Суд мажлиси залидаги тартиб. Суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан кўриладиган чоралар.

**197.** Ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш. Эксперт ва мутахассисларга уларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини тушунтириш. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномалари суд томонидан ҳал қилиниши.

**198.** Ишни мазмунан кўришнинг бошланиши. Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими.

**199.** Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари. Далилларни текшириш тартибини белгилаш. Гувоҳларни сўроқ қилиш тартиби.

**200.** Ишни мазмунан кўришни тамомлаш. Суд музокаралари. Прокурорнинг фикри.

**201.** Ҳал қилув қарори чиқариш. Суд маслаҳатлашувининг сир тутилиши. Ҳал қилув қарори чиқариш вақтида ечиладиган масалалар. Ҳал қилув қарорининг мазмуни. Ҳал қилув қарорини тушунтириш. Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши.

**202.** Ҳал қилув қарорини ижро этиш. Дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳал қилув қарорлари.

**203.** Суд мажлисига жавобгар келмаганигининг оқибатлари. Судга келган тарафнинг ҳуқуқлари. Сиртдан иш юритиш тартиби. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмуни.

**204.** Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг устидан шикоят бериш протест келтириш. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризанинг мазмуни.

**205.** Биринчи инстанция судининг ажримлари. Суд ажримини чиқариш. Ажримнинг мазмуни.

**206.** Суд буйруғи асосида қарзни ундириш. Суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар. Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризанинг шакли ва

мазмуни. Суд буйруғини чиқариш түғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш асослари.

**207.** Даъво ишларини кўриш тартиби. Даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тааллуқлилик. Судловга тааллуқлиликнинг алоҳида ҳоллари.

**208.** Қарши даъво тақдим этиш. Қарши даъвони қабул қилиш шартлари.

**209.** Даъвони таъминлаш асослари. Даъвони таъминлаш чоралари. Даъвони таъминлаш түғрисидаги аризани кўриб чиқиш. Даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш.

**210.** Никоҳни бекор қилиш ҳақидаги иш билан бирга кўриб чиқилиши мумкин бўлмаган низолар.

**211.** Алиментлар ундириш түғрисидаги ишлар бўйича жавобгарнинг судга келиши. Ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар алиментлар ундириш.

**212.** Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларга оид ишлар. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятларга оид ишларни кўриш тартиби. Судга шикоят қилиниши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар).

**213.** Шикоят бериш. Судга шикоят билан мурожаат қилиш муддатлари. Шикоят бўйича суднинг ҳал қилув қарори.

**214.** Сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни кўриш муддати ва тартиби.

**215.** Нотариал ҳаракатлар ёки бундай ҳаракатларни бажаришни рад этганлик устидан шикоят бериш.

**216.** Фуқаролик ҳолати актларини қайд этишдаги хатоликлар устидан шикоят бериш.

**217.** Шикоят юзасидан суднинг ҳал қилув қарори.

**218.** Прокурорнинг ариза бериши. Прокурорнинг аризасини кўриб чиқиш. Прокурорнинг аризаси бўйича суднинг ҳал қилув қарори.

**219.** Суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар. Алоҳида юритиладиган ишларни кўриш тартиби. Ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш. Аризани кўрмай қолдириш.

**220.** Суд томонидан кўриладиган юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш.

**221.** Фактнинг аниқланганлиги түғрисидаги ҳал қилув қарори.

**222.** Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш. Ариза бериш ва унинг мазмуни. Бедарак йўқолган деб

топилган ёки ўлган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келишининг ёки унинг турар жойи аниқланишининг оқибатлари.

**223.** Фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш. Ариза бериш. Аризанинг мазмуни. Ишни кўриш.

**224.** Мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш. Ариза бериш. Суднинг ҳал қилув қарори.

**225.** Суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақида мурожаат қилиш хуқуки. Суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан текширув қўзғатиш.

**226.** Суднинг қарорини бекор қилиш асослари. Моддий хуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш. Процессуал хуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш.

**227.** Апелляция, кассация ва назорат инстанциялари ажримининг (қарорининг) мазмуни. Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди кўрсатмаларининг мажбурийлиги. Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судлари ажримининг (қарорининг) қонуний кучи.

**228.** Апелляция шикояти бериш (протести келтириш) хуқуки ва муддати. Апелляция шикоятларини (протестларини) кўрадиган судлар. Апелляция шикояти бериш (протести келтириш) тартиби. Апелляция шикоятининг (протестининг) мазмуни.

**229.** Апелляция шикоятини (протестини) ҳаракатсиз қолдириш. Апелляция шикояти ёки протестини олгандан сўнг биринчи инстанция судининг ҳаракатлари. Ишни апелляция инстанциясида кўриш муддатлари. Апелляция инстанцияси судининг ишни кўриш доираси.

**230.** Кассация шикояти бериш (протести келтириш) хуқуки ва муддати. Кассация шикоятларини (протестларини) кўрадиган судлар. Кассация шикояти бериш (протести келтириш) тартиби. Кассация шикоятининг (протестининг) мазмуни. Кассация шикоятини (протестини) ҳаракатсиз қолдириш.

**231.** Кассация шикояти ёки протестини олгандан сўнг биринчи инстанция судининг ҳаракатлари.

**232.** Ишни кассация инстанциясида кўриш муддатлари. Кассация инстанцияси судининг ишни кўриш доираси.

**233.** Протест келтириш хуқуқига эга бўлган шахслар. Протест келтириш тўғрисида ариза бериш.

**234.** Суд қарорларининг ижросини тўхтатиб туриш.

**235.** Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисига келмаганлигининг оқибатлари. Тарафлар узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига

келмаганлигининг оқибатлари. Гувоҳ, эксперт, мутахассис суд мажлисига келмаганлигининг оқибатлари.

**236.** Буйруқ тартибида иш юритиш. Суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар. Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш асослари.

**237.** Суд буйруғини чиқариш муддати. мазмуни. Суд буйруғини бекор қилиш.

**238.** Фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш.

**239.** Мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш.

**240.** Тақдим этувчига деб берилган хужжатлар йўқолган тақдирда улар бўйича хуқуқларни тиклаш (чақириб иш юритиш).

**241.** Суд томонидан кўриладиган, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишлар.

**242.** Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни кўриш тартиби.

**243.** Суднинг ажримлари устидан шикоят бериш.

**244.** Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш.

**245.** Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришнинг умумий қоидалари. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш асослари.

**246.** Ижро қилиниши лозим бўлган ҳал қилув қарорини тушунтириш. Ижро варақасини ижрога топшириш муддатлари. Ижро варақасини ижрога топшириш муддатининг узилиши. Ижро варақасини ижрога топширишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш.

**247.** Ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ёки унинг бўлиб-бўлиб бажарилишига йўл қўйиш, уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш.

**248.** Чет эл фуқаролари ва ташкилотларининг фуқаролик процессуал хуқуқлари. Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаролик процессуал хуқуқлари.

## **Меҳнат хуқуқи**

**249.** Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари.

**250.** Давлат ижтимоий сұғуртаси ва у ҳисобидан бериладиган таъминот турлари.

**251.** Ишсиз шахснинг асосий ҳуқук ва бурчлари. Ишсизлик нафақаси. Ишсиз шахсларга бериладиган асосий кафолатлар.

**252.** Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни моҳияти.

**253.** Муддатидан аввал тайинланадиган пенсия - ишсиз шахсларга қўшимча кафолат сифатида.

**254.** Халқаро Мехнат Ташкилотининг тавсиялари ва уларнинг моҳияти.

**255.** Ишдан бўшатиш нафақаси ва уни тўлаш асослари.

**256.** Идоравий меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги аҳамияти.

**257.** Аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.

**258.** Ногиронларнинг иш билан бандлик соҳасидаги ҳуқуқлари.

**259.** Мехнат қилиш ҳуқуқи соҳасидаги конституцион кафолатлар ва уларнинг амалга оширилиши.

**260.** Биринчи марта иш қидираётган шахсларга тайинланадиган ишсизлик нафақаси.

**261.** Мехнат миграцияси ва уни ҳуқуқий бошқарилиши.

**262.** Аҳоли бандлиги соҳасида иш берувчиларнинг асосий ҳуқук ва бурчлари.

**263.** Иш билан таъминланишга муҳтож фуқароларга қўшимча кафолатлар.

**264.** Аҳоли бандлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар.

**265.** Аҳоли бандлиги соҳасидаги муносабатларнинг юзага келиш асослари. Аҳоли бандлиги тушунчаси.

**266.** Айрим тоифа фуқаролар учун қўшимча иш жойлари яратиш.

**267.** Корхона тугатилиши, ходимлар сони ёки штатлар қисқариши туфайли ишдан бўшатилган шахсларга қўшича кафолатлар.

**268.** Фуқароларни бир марталик вақтинчалик иш билан таъминлаш.

**269.** Мехнат бозори. Ҳуқуқий тушунчаси.

**270.** Бандликка оид қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик.

**271.** Аҳоли бандлиги соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг ваколатлари.

**272.** Ишсизлик нафақаси тўлашни тўхтатиб туриш.

**273.** Аҳоли бандлиги соҳасида иш берувчиларнинг ваколатлари.

**274.** Аҳоли бандлиги соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари.

**275.** Ишсизлик нафақасидан маҳрум қилиш.

**276.** Аҳоли бандлигига оид халқаро қонунчилик.

**277.** БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” ва меҳнат қилиш ҳуқуқларининг кафолатланиши.

**278.** Ишсизлик нафақаси тўлаш муддатлари. Ишсиз шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш.

**279.** Узоқ танаффусдан кейин ишга жойлашиш истагида бўлган шахслар тушунчаси ва уларга нафақа тайинлаш.

**280.** Иш билан таъминлаш соҳасида мансабдор шахслар қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш.

**281.** Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги меҳнат фаолиятини тартибга солиш.

**282.** Ишсиз шахслар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш.

**283.** Сайлаб қўйиладиган лавозимлардан озод қилинадиган шахсларга бериладиган қўшимча кафолатлар.

**284.** Меҳнат шартномасининг тушунчаси ва тарафлари. Меҳнат шартномасининг мазмуни. Меҳнат шартномасининг шакли. Меҳнат шартномасининг муддати.

**285.** Ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган ёш.

**286.** Қариндош-уругларнинг давлат корхонасида бирга хизмат қилишларини чеклаш.

**287.** Ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган хужжатлар.

**288.** Меҳнат шартномасининг кучга кириши ва ишнинг бошланиш куни.

**289.** Меҳнат шартларини белгилаш ва ўзгартиришнинг умумий тартиби. Меҳнат шартномасини ўзгартиришни расмийлаштириш.

**290.** Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқи.

**291.** Иш берувчининг ходим розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқи.

**292.** Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари. Меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштириш.

**293.** Меҳнат шартномасини ходимнинг ташабbusи билан бекор қилиш.

**294.** Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилиш. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш.

**295.** Мехнат шартномасининг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган холатлар бўйича бекор қилиниши.

**296.** Ишга тиклаш.

**297.** Иш вақти тушунчаси.

**298.** Йиллик меҳнат таътиллари.

**299.** Якка меҳнат низоларининг тарафлари ва мазмuni. Якка меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органлар.

### **Уй-жой ҳуқуқи**

**300.** Уй-жой фонди. Уй-жой фонди турлари.

**301.** Туар жой, ундан фойдаланиш мақсади. Туар жойларнинг турлари. Туар жойга бўлган мулк ҳуқуқи.

**302.** Туар жойга бўлган мулк ҳуқуқини, бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳамда туар жойга оид битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш. Туар жойга бўлган мулк ҳуқуқи вужудга келиши, бошқага ўтишининг хусусиятлари.

**303.** Туар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказиш.

**304.** Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш. Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари.

**305.** Фуқаролар ва юридик шахсларнинг туар жойни хусусий мулк қилиб олиши асослари. Фуқароларга ва юридик шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган туар жойлардан фойдаланиш.

**306.** Уй, квартира мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**307.** Фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли уйлар, квартиralардаги туар жойларни ижарага, арендага бериш. Туар жойни алмаштириш.

**308.** Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёjlари учун олиб қўйилиши муносабати билан уий (квартираси) бузилиши лозим бўлган фуқароларни туар жой билан таъминлаш.

**309.** Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёjlари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уйлар (квартиralар) бузилганда якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси бериш.

**310.** Мулкдор оила аъзоларининг, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**311.** Фуқарога мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган туар жойни ижарага, арендага бериш шартномаси бўйича ижарага, арендага олувчининг ҳуқуқлари. Ижарага берилган туар жойни таъмирлаш.

**312.** Давлат уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага бериш шартномаси.

**313.** Фуқароларнинг турар жой олиш ҳуқуқига эга бўлиш ёши.

**314.** Уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси.

**315.** Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган уйлардаги, шунингдек улушли иштирок этиш тартибида қурилган уйлардаги турар жойга кўчиб кириш.

**316.** Тураг жой хужжати (ордери). Тураг жой хужжатини (ордерини) ҳақиқий эмас деб топиш асослари ва тартиби. Ҳужжатни (ордерни) ҳақиқий эмас деб топиш оқибатлари.

**317.** Ижарага бериш шартномаси бўйича турар жойдан фойдаланиш. Ижарага берувчининг ижара шартномаси бўйича мажбуриятлари. Ижарага оловчининг, унинг оила аъзоларининг ҳамда у билан доимий яшаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**318.** Ижарага оловчининг турар жойга оила аъзолари ва бошқа фуқароларни кўчириб киритиш ҳуқуки.

**319.** Вақтинча бўлмаган фуқаролар турар жойининг сақланиши.

**320.** Фуқароларни турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш.

**321.** Тураг жойни иккиласми ижарага бериш. Тураг жойни иккиласми ижарага беришга йўл қўйилмайдиган шарт-шароитлар.

**322.** Тураг жойдан кўчириш. Фуқароларга бошқа турар жой бермасдан кўчириш.

**323.** Хизмат турар жойлари. Хизмат турар жойларидан фойдаланиш. Ижара шартномасини тузиш.

**324.** Тураг жой арендаси шартномаси. Тураг жойни арендага бериш. Арендага олинган турар жойни тасарруф этиш. Тураг жой арендаси шартномасининг ўзгариши ёки бекор қилиниши асослари.

**325.** Уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативлари. Уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативларига кириш ҳуқуки. Уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативларини рўйхатдан ўтказиш.

### **Ижтимоий-сиёсий фанлар мажмуидан**

**326.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари?

**327.** Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланишининг аҳамияти?

**328.** Конституцияга мувофиқ фуқароларнинг сиёсий ҳукуқларига нималар киради?

**329.** Конституцияга мувофиқ фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳукуқларига нималар киради?

**330.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ инсон ҳукуқлари ва эркинликлари кафолатлари нималардан иборат?

**331.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларига нималар киради?

**332.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ фуқароларнинг шахсий ҳукуқ ва эркинликларига нималар киради?

**333.** Халқ ҳокимиятчилиги деганда нимани тушунасиз?

**334.** Конституцияга кўра Ўзбекистон сайлов тизими қандай?

**335.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қандай тартибда шакллантирилади?

**336.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини нима ташкил этади?

**337.** Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатларини тартибга солиш асослари нималардан иборат?

**338.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра ҳокимият органлари томонидан митинг ва намойишлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш учун нима асос бўлади?

**339.** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг вазифалари нималардан иборат?

**340.** Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимиятининг вазифаси ва унинг тизимини айтиб беринг.

**341.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига нималар киради ва у қандай соҳаларга раҳбарлик қиласди?

**342.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари жами депутатлар, сенаторлар умумий сонининг қанчаси иштирок этганда ваколатли ҳисобланади?

**343.** Ўзбекистон Республикасида қайси орган халқаро шартномаларни ратификация қилиш ҳуқуқига эга?

**344.** Маҳаллий ҳокимият органлари, уларнинг конституциявий ваколатлари?

**345.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатлари нималардан иборат?

- 346.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари нималардан иборат?
- 347.** Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг мақоми?
- 348.** Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси?
- 349.** Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари?
- 350.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари?
- 351.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказишнинг асосий принциплари?
- 352.** Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишлари?
- 353.** Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби қандай?
- 354.** Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришишининг тарихий аҳамияти?
- 355.** Ўзбекистонда икки палатали парламент тизими жорий этилишининг моҳияти ва аҳамияти?
- 356.** Ўзбекистон Республикасида мулкчилик шакллари қандай?
- 357.** Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва кўппартиявийлик тушунчаси? Уларнинг жамиятдаги роли?
- 358.** Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари тизими?
- 359.** Ўзбекистонда диний бағрикенглик?
- 360.** Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ташкил этилишининг ҳуқукий асослари?
- 361.** Фуқаролик жамиятининг маъноси қандай? Уни давлат тушунчаси билан ифодалаш мумкинми?
- 362.** Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)га аъзо бўлишининг тарихий аҳамияти?
- 363.** Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг (МДҲ) ташкил топиши ва унинг фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг тенг ҳуқуқлик асосидаги иштироки?
- 364.** Ўзбекистоннинг ЕврОсиё Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕврОсИХ)да тутган ўрни?
- 365.** Мамлакатимизнинг ички сиёсати қандай тамойил асосида амалга оширилади?
- 366.** Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларациясининг мазмуни?
- 367.** Давлат тушунчаси, унинг белгилари ва асосий функциялари?
- 368.** Ҳуқукий давлат тушунчаси ва унинг асосий белгилари нималардан иборат?

**369.** Ҳуқуқий онг ва хуқуқий маданият тушунчаси?

**370.** Жамиятимиз ҳаётига хавф түғдирадиган мафкуравий таҳдидлар нималардан иборат?

**371.** Терроризм тушунчаси, моҳияти, бу борадаги қарши кураш фаолиятини ташкиллаштиришнинг концептуал асослари?

**372.** Коррупция тушунчаси, моҳияти, давлатнинг хавфсизлигига бўлган таҳдидлари нималардан иборат?

**373.** Уюшган жиноятчиликнинг асосий аломатлари, унинг тарқалиши жабҳалари, бунга қарши кураш фаолиятини концептуал асослари?

**374.** Экстремизм тушунчаси, унга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари?

**375.** Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бурчлари нималардан иборат?

**376.** 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясининг устувор йўналишлари.

**377.** Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.

**378.** Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.

**379.** Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.

**380.** Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёsat соҳасидаги устувор йўналишлар.

## Казуслар

**1.** Оталаридан қолган меросни бўлишда ака-укалар келишолмай судга мурожаат қилишди. Акаси ўз сўзида отасидан қолган барча мол-мулк ўзига тегишли эканлигини, уларнинг оиласидаги анъанага кўра мерос фақат тўнғич ўғилга берилишини айтади.

**Аканинг гапларини суд инобатга оладими? Одат ҳуқуқи нормалари қандай шартларга кўра, Фуқаролик ҳуқуқининг манбаи бўла олади?**

**2.** Касб-хунар лицейи ўқувчиси Қодиров 200.000 сўмлик магнитофонни кредитга олди. Қодиров 16 ёшда, ҳар ойда 30.000 сўм стипендия олар эди. Қодировнинг отаси бу шартнома унинг розилигисиз тузилганлигини назарда тутиб, уни ҳақиқий эмас деб топишни сўраб судга мурожаат қилди.

**Даъво қаноатлантириладими?**

**3. “Кўҳинур” АЖ акциядори Эргашев ўз қўлида АЖ акцияларининг 25 фоизини тўплади ва АЖнинг бошқа акциядорлари акцияларини ҳам сотиб олишга ҳаракат қилиб, уларга юқори нархлар таклиф қилди. Бу ҳолатда “Кўҳинур” АЖ муассислари ва раҳбарлари бефарқ қараб турмади, улар бундан буён ҳар бир акциядор ўз акцияларини АЖ умумий йиғилишининг розилигисиз сотиши мумкин эмас, деб қарор чиқарди.**

**Қарор қонунийми? АЖнинг турлари ва улардаги акциялар муомаласи ҳақида гапириб беринг.**

**4.** Очилов Махмудовга фотоаппарат сотди. Фотоаппаратни қутичага солиб Махмудовга топширган эди. Махмудов уйига келиб қутичагани очса, фотоаппаратнинг ғилофи йўқ экан. У фотоаппаратнинг ғилофини сўраганда, Очилов ғилоф ўзига кераклиги, фотоаппаратни сатаётганида унинг нархини кўшмаганлигини айтди.

**Кўрсатилган сабаблар Махмудовнинг талабини рад қилишга асос бўладими?**

**5.** Ботиров ўгай укаси Қодировнинг “Nexia” русумли автомашинасини сотмоқчи бўлганлигини эшлитиб, автомашинани бозор нархида сотиб олишини билдириди. Лекин ака-укалар битимни расмийлаштиришда тўланадиган тўлов (бож) дан қочиб ҳадя шартномаси тариқасида битимни расмийлаштиришмоқчи бўлишди. Шу билан бирга қариндошига автомашина ҳадясини расмийлаштириш осон бўлишини ҳам ҳисобга олишди. Ҳадя шартномаси нотариал идорада гувоҳлантирилди, Ботиров эса уч ой ичида укасига 250.000 сўм топшириш мажбуриятини олди.

Қодировнинг жиноий жавобгарликка тортилиши муносабати билан унинг мол-мулки мусодара қилинди ва у акасига машинани ҳадя қилмай, сотганлиги аниқланди.

Прокурорнинг даъвосига кўра, суд Қодировнинг Ботировга автомашинани ҳадя қилганлигини ҳақиқий эмас деб топиб, машина ва 250.000 сўм пулни давлат даромадига ўтказиш тўғрисида қарор чиқарди. Бу қарор устидан кассацион шикоятида Ботиров укаси билан бўлган олди-сотди битимида ҳеч қандай қонунга зид ҳаракат йўқлигини таъкидлади.

**Бу битим битимларнинг қайси шаклига киради? Суднинг қарори тўғрими?**

**6.** Руҳий касал Рўзиев “Шамс” магазинидан ҳар куни битта тароқ сотиб оларди. Унинг уйида 500 га яқин тароқ тўпланганида, Рўзиевнинг хотини

магазин директоридан барча тароқларни қайтариб олиб, ҳақини қайтаришни талаб қилди.

Ўзининг талабида у, Рўзиевнинг ўз ҳаракатларининг оқибатларини тушуниб етмаслиги, шунинг учун ҳам у судга эрини муомалага лаёқатсиз деб топишини сўраб мурожаат қилишини айтди. Директор Рўзиевнинг хотини талабини қондиришни рад этди.

### **Бу ҳолатда ким ҳақ?**

**7.** Мустафоев почта хабарномасини олади. Улардан бири хотини Мустафоева Жамила номига, иккинчиси 10 яшар ўғли Улуғбек Мустафоев номига келган жўнатма эди. Хотини ва ўғли қишлоқда дам олаётганлиги учун Мустафоев хотинининг паспортини, никоҳ қофозини ва ўзининг паспортини олиб, почтага келиб жўнатмаларни беришни илтимос қиласди. Лекин, почта бошлиғи фуқаро Мустафоевдан ўғли ва хотини томонидан берилган ишончномани талаб қиласди.

### **Почта бошлиғининг талаби тўғрими?**

**8.** Олимов 1993 йил 5 майда Термиз шаҳрида ишлаш учун кета туриб узоқ қариндоши Туроповни уйига ва уй жиҳозларига қараб туришлик учун жойлаштириб кетади. У 5 йилдан кейин, яъни 1998 йил 5 майда қайтиб келиб, ўз уйида мебель, пианино ва бошқа жиҳозлари йўқ эканлигини кўриб, Туроповдан сўраганида, у даъво муддати ўтиб кетди деб буюмларни топиб бермаган. Олимов судга мурожаат қилиб, уй ва рўзгор буюмларини Туроповдан олиб беришни сўрайди.

### **Масала қандай ҳал қилинади?**

**9.** “Ўзбекмевасабзавот” АЖ ширкат хўжалигидан 2 тонна уруғлик картошка сотиб олди. Картошка сотиб олиш қишида амалга оширилганлиги сабабли, томонлар баҳоргача уруғни ташиб олиш давомида музлатиб қўймаслик учун ширкат хўжалигига сақлаб туришга келишиллар.

Кутилмаган сув тошқини натижасида картошка уруғи сақланаётган омборга заарар етди, оқибатда АЖ томонидан сотиб олиниб, сақлашга қўйилган уруғлик экин учун яроқсиз ҳолга келди. АЖ ширкат хўжалигидан бозор нархи бўйича картошканинг пулинин ёки экиш учун келишилган миқдорда картошка уруғи беришини сўради. Ширкат хўжалиги АЖнинг бу талабларини рад этди. Ширкат хўжалиги сотиб олинган картошка уруғи унга сақлаш учун берилмаганини айтди ва бузилиш эҳтимолларини харидор ўз бўйнига олишини билдириди. Шунингдек, ширкат хўжалиги ҳам сув тошқини

туфайли ўзига тегишли картошка уруғи ҳам нобуд бўлганини маълум қилиб, уруғлик бера олмаслигини айтди.

Айни пайтда ширкат хўжалиги давлат захираларидан АЖ учун қўшимча уруғлик картошка олиб бериши мумкинлиги, АЖ қўшимча ҳақ тўлаши лозимлигини билдиради.

### **Масала қандай ҳал қилинади?**

**10.** Тураг-жойга эга давлат корхонаси акционерлик жамиятига айлантирилди. Туман уй-жой бошқармаси тураг-жойни ўз балансига олишдан бош тортди, чунки уйлар капитал ремонтга муҳтож бўлиб, бунинг учун маблағ туман ҳокимиятида ҳам, акционерлик жамиятида ҳам йўқ эди.

Бу ҳолатда уйлар кимга ва қандай тартибда берилиши керак? Уларда яшаётган фуқароларнинг ҳусусийлаштириш ҳуқуqlари чекланмаслиги лозимлиги масаласида низо келиб чиқди.

### **Керакли маслаҳат беринг.**

**11.** Давлат тайёрлов идораси чорвачилик маҳсулотлари қабул қилиш билан шуғулланарди. Шу вақтга қадар асосан жамоа, давлат хўжаликлари билан муносабатда эди. Фермер хўжалиги раҳбари ўз маҳсулотини таклиф қилганида у идора томонидан: “Сен ҳусусий корхонасан”, “Сен ўзинга ўхшаган ҳусусий турдош корхоналар билан муносабатда бўл”, деган дашномни эшитди.

**Тарафлардан қайси бирининг талаби ҳақли? Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг тенглиги принципи нима?  
Шартнома тузиш эркинлиги нима?**

**12.** Янгидан ташкил топган акционерлик жамияти (АЖ) асосан тўқимачилик муносабатлари ишлаб чиқаради. Акцияларининг бир қисмини хорижий инвесторлар сотиб олган. Бунинг эвазига инвесторлар Ватанимизнинг бир бўлаги ҳақида ҳикоя қилувчи суратли, рангли, юксак сифатли 20.000 нусхада альбом ҳадя этишди. Альбом юксак даражада, энг сўнгги дизайнерлик ютуқлари асосида ишланган. Ҳажми 22 босма табоқдан иборат. Ўзаро келишувга кўра, ҳар бирининг баҳоси 30 АҚШ доллари миқдорида баҳоланди. Альбомлар келтирилди. Бироқ маҳаллий ҳокимиятнинг маҳсус фармойишига асосан, альбомлар, шунингдек, уларни сотишдан тушган маблағлар маҳаллий бюджетдан ташқари тузилган фондларга ўтказилиши лозимлиги билдирилди.

Айни пайтда АЖ альбомларни сотишдан тушган маблағни банқдан олинган кредитларни қоплашга сарфламоқчи эди.

## **Иш қандай ҳал қилинади? Бунда қайси қонун хужжатларига зътибор бериш керак.**

**13.** Тошкентдаги уйларнинг бирида квартира бўшади. Тошкент шаҳар ҳокимиятининг уй-жой бошқармаси ва Ҳамза тумани ҳокимияти ўртасида бўш квартирани ким банд қилиши ва бунинг учун ордер бериш тўғрисида низо келиб чиқди. Уй-жой бошқармасининг фикрига кўра, уй шаҳар мулки бўлиб, фақат шу бошқарма уни тасарруф эта олади.

Ҳамза тумани ҳокимияти эса, уйни маҳаллий ҳокимият мулки деб ҳисоблади, уни бериш туман ҳокимияти томонидан бериладиган ордер орқали амалга оширилиши ва уй туман уй-жой ташкилоти балансида турганлигини билдириди.

### **Иш қандай ҳал қилинади?**

**14.** Эр хотин Қобилов ва Одилова ўзларининг биргалиқдаги ҳаётлари давомида “Nexia” машинасига эга бўлишди. Бир неча йил ўтгач, Қобилов авиаация ҳалокати туфайли ҳалок бўлди. Унинг онаси меросхўр сифатида Одиловага нисбатан автомашинани сотиб, пулинин тақсимлаш тўғрисида даъво қўзғатди. Унинг фикрича автомобиль хотинига қолдирилди, онасига Одилова томонидан пул компенсацияси тўланади.

Бир оз вақт ўтгач, Одилова машинани сотди. Буни эшишиб, Қобиловнинг онаси олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қўзғатди, унинг фикрича автомобиль олди-сотдисида ўзининг имтиёзли сотиб олиш хуқуқи бузилган.

### **Иш қандай ҳал қилинади?**

**15.** Олимов ва Валиева Собитовга ўзларига тегишли эркаклар ва аёллар пальтосини ломбардга эвазига қарз олиб туриш учун топширишди. Иккала пальто ҳам Собитов томонидан ломбардга берилди (ва бунинг учун маълум вақт ўтгач пул олинди), кейин Олимов ва Валиева томонидан берилган пул эвазига қайтариб олинди, лекин Олимов ва Валиева пальтоларнинг ҳақини қайтариш тўғрисида Собитовга нисбатан даъво қилишди. Суд виндиқацион даъво нормалари асосида пальтонинг ўзини ёки қийматини қайтариш тўғрисида қарор қилди.

### **Суднинг қарори тўғрими?**

**16.** Аҳроров дўсти, эстрада хонандаси – Комилов билан хизматдошларини чақириб, унинг қўшиқларини уй шароитида эшишиб тўғрисида келишиб олди. Аммо белгиланган муддатга бир соат қолганда

Комилов Ахроровга телефон қилиб, боролмаслигини уйда ўтириб футбол матчини томоша қилишини айтди.

Ахроров Комилов томонидан барбод қилинган учрашувга тайёргарлик кўриб, қилган харажатлари (сотиб олингач озиқ-овқатлар ва ичимликлар ҳақи)ни ва етказилган маънавий зарарни тўлашни ундан талаб қилди.

### **Ахроровнинг Комиловга нисбатан бундай талаб қўйишига хуқуқий асос борми?**

**17.** Икки ёнма-ён жойлашган дала ҳовли эгалари, ўз ер участкаларида баҳорги ва кузги тозалаш ишларини навбатма-навбат ўтказишни келишиб олишди. Айни пайтда, Файзиевнинг участкаси Сафаровнинг участкасидан икки баравар катта эканлигини ҳисобга олиб, Сафаров томонидан ўтказиладиган тозалаш учун, Файзиев энг кам иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаши лозимлиги ҳақида ҳам келишиб олишди.

Дастлабки тозалов ишларини Файзиев амалга оширди, лекин Сафаров ўз мажбуриятини бажарганда, Файзиев ҳақ тўлашдан бош тортди ва ўрталаридағи шартнома майший характерда бўлиб, юридик кучга эга эмаслигини айтиб ўтди.

### **Файзиевнинг фикрлари асослими?**

**18.** Лола Кўзиева уйига эгасиз итни олиб келди. “Қоплон” лақабини олган ит Кўзиевларникида бир ойлар яшади. Бир куни Лоланинг отаси “Қоплан”га ўхшаш белгилари тасвир этилган итнинг йўқолганлиги тўғрисидаги эълонни ўқиб қолди. “Қоплон”нинг эгаси итни қайтариб берган кишига катта мукофот бериши ваъда қилинган эди. Лола “Қоплон”га ўрганиб қолган бўлса-да, уни эгасига қайтаришга мажбур эканлигини тушунди. Отаси Лолага ваъда қилган мукофотга қишки оёқ кийим олиб беришини айтди. Фуқаро Жўраев “Қоплон”ни ўз ити эканлигини тан олди, аммо ваъда қилинган мукофотни беришдан бош тортди. Таниш юрист Жўраевга мукофотни бермасликни, чунки Ўзбекистон қонунчилигига кўра ашёни йўқотган мулкдор уни топиб олган шахсга фақат ашёни саклаб туриш ва олиб келиб бериш учун кетган харажатларнигина тўлашлигини айтган.

### **Жўраевга юрист тўғри маслаҳат берганми?**

**19.** Олдиндан буюртма асосида савдо қиласидаган магазин фуқаро Темуров билан Япония маҳсулоти ҳисобланган, экран ўлчов диагонали 54 сантиметрли телевизорни 350 АҚШ доллариiga бир ой муддат ичида етказиб бериш тўғрисида шартнома тузди. Бир ой ўтгач, Темуров магазин маъмуриятига телевизорни олиб келиб беришларини талаб қилди. Чунки у

ижро этиш жойини ўзича яшаш жойи деб биларди, шунинг учун ҳам шартномада атайлаб турар жойини кўрсатганди. Магазин Темуров уйига “Shivaki” фирмасининг телевизорини олиб бориб берди. Темуров телевизорни алмаштириб беришини талаб қилди, чунки у ўзига “Soní” фирмаси телевизорини олиб келиб беришларига ишонарди. Ишни судда кўришда магазинда иккала фирманинг ҳам телевизорлари бўлиб, ҳар иккаласининг белгилари ҳам шартномада кўрсатилган белгиларга ва баҳога айнан мос келиши аниқланади.

Магазин маъмурияти телевизорни Темуровнинг уйига олиб бориб беришга кетган харажатларни қоплаш ҳақида қайта даъво қўзғатади.

### **Бу низода ким ҳак?**

**20.** “Қуёш” МЧЖ тижорат банкига сотиб олинган товарларнинг ҳақини тўлаш учун кредит беришни сўраб мурожаат қилди. Банк кредит беришга розилик берди, лекин МЧЖдан белгиланган муддатда кредит қайтарилимаган ҳолат юзага келмаслиги учун, кредитни қайтаришни таъминлашни талаб қилди. “Қуёш” МЧЖнинг директори кредит шартномаси ижросини таъминлашнинг шундай усулини кўрсатдик, унга кўра харидорнинг жавобгарлиги, банк хоҳлайдиган ҳар қандай суғурта шартномаси орқали расмийлаштирилади. Банк ўз юристига қуидаги саволлар билан мурожаат қилди:

- 1. Қарздор жавобгарлигини суғурталаш шартномаси, кредит ўз вақтида қайтарилимаганида тузилган, қарздорнинг кредит шартномасидаги мажбуриятларини бажаришини таъминлай оладими?**
- 2. Банк мижоз билан кредит ўз вақтида қайтарилимаганда суғурталанувчини четлаб ўтиб, суғурта мукофотини ўзи олиши тўғрисидаги ҳамма ҳолатларни кўзда тутувчи суғурта шартномаси ҳақида келишиши мумкинми?**
- 3. Банкнинг манфаатларини ифодаловчи суғурта шартномаси, кредит шартномаси мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаши мумкинми?**

**21.** Жанубий шаҳарлардан бирига экспедиция иши учун хизмат сафарига юборилган Болиев экспедиция яқинида жойлашган уй бекаси билан унинг уйида ўз оиласи (хотини ва кичкина ўғилчаси) билан уч ой яшаш тўғрисида келишди. Яшаш учун ҳақни Болиев бир йўлга тўлади, уй бекаси олган закалат суммасини кўрсатиб тилхат берди.

Бир неча кундан кейин Болиевнинг оиласи келганда, уй бекаси уларга яшаш учун жой беришдан бош тортиб, набираси келишини ва уни

кутаётганлигини айтади. Тилхат бўйича олган суммасини у Болиевга қайтаради. Бироқ Болиев уй бекасидан олинган суммани икки баравар қилиб қайтаришини талаб қилади, чунки у закалат тариқасида берилган эди. Бундан ташқари у оиласининг кўчидан бориши билан кетган харажатларни тўлашни талаб қилади. Талаб этилган суммани ололмагач, Болиев судга мурожаат қилади.

### **Суд қандай қарор чиқаради?**

**22.** Қосимов банкка қарз олишни сўраб мурожаат қилиб, уни ўзига тегишли уй ва уй атрофидаги ер участкасини гаровга қўйиб олди. Томонлар ўртасида иккита шартнома-кредит шартномаси ва гаров тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Бир оз вақт ўтгач, Қосимовга гаров тўғрисидаги шартномани уй ва ерни олди-сотди шартномаси билан алмаштириш тўғрисида таклиф қилишди. Бундай алмаштириш мақсадга мувофиқлигини банкнинг вакили уй ва ер гаровини расмийлаштириш иккита иш бўлиб, кредит қайтарилимаган ҳолатда суднинг уларни сотиш ҳақидаги қарорини олиш ҳам икки маротаба расмийлаштирилишини талаб этади. Бу ҳол катта ташвиш ва харажатларни келтириб чиқаради. Кредит шартномаси билан бирга уй олди-сотди шартномасининг тузилиши банкка анча маъқул бўлиб, Қосимовнинг манфаатларини эса, қарзини ўз вақтида қайтарса, шартномада уйни унга қайтариб сотиш тўғрисидаги банкнинг мажбурияти шартини киритиш билан кафолатланади.

Қосимов юристга мурожаат қилиб, кўчмас мулкни гаровга қўйиш мажбуриятларини бажариш усули бўлиши мумкинми ёки йўқлиги тўғрисида тушунча беришни сўрайди.

### **Юрист қандай тушунча бериши керак?**

**23.** Акционерлик жамияти кооперативга қаттиқ ойна етказиб берилмаганлиги туфайли неустойка ундириш тўғрисида даъво қўзғатди. Кооператив шартнома мажбуриятларини бажармаганлик фактини рад қилмади, бироқ ўзини жавобгарликдан озод қилишни сўради, чунки унинг ҳамкорлари ўз навбатида ойна ишлаб чиқарувчи учун зарур бўлган силикат натрий етказиб бермаганлигини айтган.

Ишни кўришда хўжалик суди асосий силикат натрий ишлаб чиқарувчилар банкрот бўлиб ўз фаолиятини тўхтатганлиги учун зарур хом ашёни ололмаганлигини аниқлади. Шуни ҳисобга олиб хўжалик суди АЖнинг талабини қондиришни рад қилди.

### **Хўжалик суди тўғри қарор чиқарганми?**

**24.** Банк акционерлик жамиятига қайтарилиши шарт бўлган, АЖнинг мулки ҳисобланган бинони гаровга олиш таъминланган кредит берди. АЖ кредитни ва унинг фоизларини ўз вақтида қайтара олмагач банкка ўзи билан бинонинг олди-сотдиси тўғрисида шартнома тузишни, бунда шартноманинг баҳоси кредит суммаси билан тенг бўлишини ва буни кредит қайтариш деб ҳисоблашни таклиф қилди.

Банк бинонинг олди-сотди шартномасини тузишга рози бўлди, бироқ ўз юристидан қўйидаги саволларга жавоб беришни сўради:

**1. Мажбуриятни бундай алмаштириш мумкинми?**

**2. Олди-сотди шартномасини имзолаш кредит бўйича мажбуриятларни бажаришни олдиндан таъминлаш усули ҳаракатини тугатадими?**

**3. Олди-сотди шартномасини имзолаш банкнинг ўзига тегишли бўлган гаров ҳуқуқини суд йўлисиз ўзлаштирилиши деб баҳоланмайдими?**

**4. Юрист қандай жавоб бериши керак?**

**25.** Марказий универсал магазини (ЦУМ) витринаси ёнгинасидан ўтиб кетаётган фуқаро Солиевга витринада турган пўримгина костюм- shim маъқул кўринди. Дўконга кириб, ашёни яқиндан кузатганида у Солиевга янада ёқиб, сотиб олиш истаги туғилди. У ўз фикрини сотувчига айтганида, сотувчи бир оздан кейин: “бу товар сотилмайди”, деган жавобни бериб, фақат бир дона қолганлиги, у ҳам бўлса витринани тўлдириб турганлигини айтди.

**Ушбу ҳолатда тарафлардан қайси бирининг талаби ҳақли?**

**26.** Тижорат дўконидан Ҳалилов қиймати 40.000 сўм бўлган чарм куртка харид қилди. Пулни нақд санаб берди. Умумий қоидага кўра бунда тарафлар ёзма шартнома тузмадилар. Харид тугагач, у соатига қараса, пешин намози вақти бўлибди. Шундоққина дўконга ёндош бўлган масжидда намозни адо қилиб олиш ниятида, ашёни қисқа муддат шу ерда қолдириб туришини айтганида, сотувчи қаршилик билдиримади. Намоздан сўнг Ҳалилов ашёни олганида, унинг бошқа турдоши билан алиштирилганлигини билди. У эътиroz билдириди. Бироқ сотувчи ундан-да ўтиб тушди. Шартнома бажарилган деб туриб олди.

**Ушбу ҳолатда тарафларнинг қайси бири ҳақли?**

**Шартномани ёзма шаклда ифодалаб қўйиш мумкинми? Агар мумкин бўлса унда жараён қандай кечарди? Шартнома бўйича мулк**

**олувчи билан яна бошқа шартнома бўйича ҳам келишиши мумкинмиди?**

**27.** Фуқаро М.Тошкент – Бухоро йўналишидаги поездга чипта олганида сугурта полисига ҳақ тўлашдан бош тортди ва буни шартнома тузишга мажбураш деб баҳолади.

**Унинг талаби ўринлими? Мажбурий шартнома тузишга қандай ҳолларда қўйилади?**

**28.** Кредит шартномасига кўра қарздор ўз вақтида қайтарилимаган пулни кечиккан ҳар бир куни учун 20 фоиз неустойка тўлаш мажбуриятини олди. Қарзнинг 75 фоизини қайтариб, қарздор қарзнинг қолган қисмини тўлашда 3 ой кечикди, шунда кредитор шартномада кўзда тутилган неустойкани ундириш тўғрисида даъво кўзғатди.

Қарздор даъво аризасидаги талабни рад қилмай суддан неустойкани тўлашдан озод этишни илтимос қилди, бунга қўшимча қилиб неустойканинг микдори қарзнинг қолган қисмидан 15 баробар кўплигини, қарзнинг асосий қисмини у ўз вақтида тўлаганлигини, ҳозирги кунда ишсизлигини ва оғир моддий қийинчилини бошдан кечираётганлигини айтди.

**Суд қандай қарор чиқаради?**

**29.** Сартарошхонадаги гардеробдан ўуломовнинг ондатра телпагини ўғирлаб, ўрнига сунъий жундан тикилган эски телпакни ташлаб кетишади. ўуломов гардероб тегишли бўлган комбинатга телпакнинг ҳақи ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида даъво кўзғатади. Маиший хизмат кўрсатиш комбинати, телпак ёқолган куни гардеробчи касал бўлганлиги, унинг ўрнига қўйишига ҳеч ким йўқлигини, ўуломов қиммат телпагини гардеробда қолдирмаслиги лозимлиги, содир бўлган воқеага унинг ўзи айбор эканлигини важ қилиб кўрсатиб, даъвони рад этади ва компенсация тариқасида у гардеробда қолдирилган эски телпакни олиши мумкинлигини айтади.

**Мазкур иш қандай ҳал қилинади?**

**30.** 6 синф ўқувчиси Ботир Одилов мактабга Швейцарияда ишлаб чиқарилган тилла соатни олиб келиб, уни дарсда бошқа ўқувчиларга кўрсатади. Ўқитувчи дарс вақтида Ботирни соатини олиб, столни тортмасига солиб қўяди. Дарсдан кейин синф экспурсияга кетади-ю, Ботир соатни унутади. Эртаси куни мактабга Ботирнинг отаси келиб ўқитувчидан соатни

қайтаришини талаб қиласы. Үқитувчи соатни стол тортмасига солиб қўйганлигини, эрталаб эса у ердан топилмаганлигини тушунтиради.

Ботирнинг отаси соатнинг қийматини ундириш тўғрисида туман маориф бўлимига ва соатни олиб қўйган үқитувчига даъво қўзғатади.

### **Суд қандай қарор чиқариши керак?**

**31.** Абдуллаева эрини бедарак йўқолган деб топишни сўраб судга ариза билан мурожаат қилди. Аризага манзилгоҳлар бюросининг маълумотномасини ҳам қўшиб топширган эди. Суд Абдуллаевни бедарак йўқолган деб қарор чиқарди.

### **Суднинг қарори тўғрими?**

**32.** Умарова эрини вафот этган деб эълон қилишни сўраб, судга ариза берди. Аризада 1996 йилдан бери эрининг қаерда эканлиги тўғрисида маълумотга эга эмаслигини кўрсатди. Суд бедарак йўқолган деб қарор чиқарди. Даъвогарга эрини вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги масалани бедарак йўқолганлик ҳақидаги қарор кучга киргандан сўнг 2 йил ўтгач, эрини вафот этган деб эълон қилиш тўғрисида мурожаат қилиш ҳукуқига эга эканлигини тушунтирди.

### **Масала тўғри ҳал қилинганми?**

**33.** Фуқаро А. нотариусга мурожаат қилиб, фуқаро Б.га тегишли бўлган уй-жой (кўчмас мулк)га ҳукукини берувчи ордерни расмийлаштириб беришни сўради. Бунга асос қилиб, у 30 йил давомида уй-жойга ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилиб келганлиги, Б.нинг вафот этганлиги, унинг меросхўрлари йўқлигини маълум қилди. Аммо нотариус фуқаролик қонунчилиги орқага қайтиш кучига эга эмаслигини билдириб, рад жавобини берди.

**Фуқаро А.нинг талаби ўринлими? Масала қандай ҳал қилиниши керак?**

**34.** “Дўстлик” ширкат хўжалигининг ғалла майсалари униб турган майдонларида ўтлаб юрган 8 бош қорамол ва 32 бош қўй-қўзилар туман ҳокимлиги қарорига асосан ушбу ширкат хўжалиги ўрамидаги фуқаролар йиғини тасарруфига ўтказилди.

**Фуқаролар арз билан судга чиқиши. Ушбу ҳолат қандай ҳал этилади? Судьянинг фикри қандай бўлиши керак? Мазкур ҳолат қайси қонун хужжатлари билан тартибга солинади?**

**35.** Бухоро шаҳридаги уйлардан бирда Ботиров 1-қаватида, Собиров 2-қаватида яшайдилар. Уй печка орқали иситилади. Ботировнинг уй печкасининг тутунчиқаргичи Собировнинг уйига ўрнатилган умумий тутунчиқаргичга туташтирилган. Собиров Ботировга ўз тутунчиқаргичини девор орқали чиқаришини талаб қилди. Ботиров бунга рад жавобини билдириди, шундан сўнг Собиров Ботировнинг тутунчиқаргичини беркитди.

Ботиров Собировга тутунчиқаргичини очиб қўйишини, бу ҳолат унга ҳеч қандай зарар етказмаслигини айтди. Лекин Собиров Ботировнинг талабини рад қилди. Шундан сўнг Собиров судга даъво қўзгатди, ўз даъвосини асослантириб, даъвогар судга девор орқали тутунчиқаргич чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги ёнғин хавфсизлиги органининг хулосасини берди.

### **Суд қандай чиқариш керак?**

**36.** “Бинокор” фирмаси, агар буюртмачи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи комбинат буюртманинг бутун суммаси миқдорида банкдан кафолат олса, қурилиш бўйича ишларни амалга ошириши мумкинлигини айтди. Комбинат банкдан кафолат олди, лекин қурилиш пудрати шартномасини тузишдан бош тортди ва олинган пулни кундалик эҳтиёжларга ишлатишга қарор қилди.

Комбинат банк билан кафолатни имзолагач, унга кафолат суммасини хисобварағидан ўтказиш тўғрисида хат билан мурожаат қилди. Банк буни рад этиб, бундай талаб билан фақат “Бинокор” фирмаси комбинат томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаган ҳолда мурожаат қилиши мумкинлигини билдириди. Комбинат ўз аҳдида қаттиқ туриб, иккинчи хатида банкнинг кафолати кредит тариқасида берилиб, у комбинатга мажбурият юклashi ва банк пулларини қурилиш учун тўланиши ёки хом ашё учун ишлатилиши билан қизиқмаслиги кераклигини айтди.

### **Банк кафолати нима, унинг бажарилиш шартлари қандай?**

**37.** Ижарага олувчининг айби билан омбор биноси ёнғиндан зарар кўрди. Ижарага берувчи қуйидаги заарларни:

ёнғин натижасида омбор биносининг баҳоси пасайганлиги туфайли олинадиган сумма;

тиклаш-таъмирлаш ишларига кетадиган вақт учун ижара ҳақи;

қурилиш ташкилоти сметасига мувофиқ тиклаш-таъмирлаш учун кетадиган харажатлар;

агар ижарага олувчи шартномага кўра ўз зиммасига олган омбор биносини ижарага берувчи фойдасига сугурталанганда, ижарага берувчи олиши мумкин бўлган сугурта суммаси ундириш бўйича даъво қўзғатди.

### **Ушбу ҳолда қайси суммасини ундириш лозим?**

**38.** “Савдогар” савдо фирмаси жорий йилнинг март ойида имзоланган олди-сотди шартномасини ижро этиб, Воҳидовага кир ювиш машинасини топширди. Машинанинг яроқлилик муддати 6 ой эди. Шу йилнинг декабрь ойида Воҳидова шартномани бекор қилиш, харажатларни тўлаш ва маънавий зарарни қоплашни сўраб, судга даъво қўзғатади ва сотилган кир ювиш машинаси сифатсиз ишлашини айтади. Фирма олди-сотди шартномаси ижро этилиши билан бекор бўлганлиги, шунинг учун даъвогарнинг олди-сотди шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги талаби асоссизлигини айтади.

### **Томонларнинг кўрсатмаларини баҳоланг?**

**39.** Шартнома бўйича “Баҳор” ресторанига “Балиқчи” фирмаси ҳар куни 40 килограмм юқори сифатли балиқ етказиб бериши лозим эди. Бироқ охирги рейсда қайик жиддий заарланди ва таъмирлашга топширилди. Шу муносабат билан фирма навбатдаги маҳсулотни етказиб бера олмади ва ресторан маъмуриятига шартномани бекор қилиш тўғрисида мурожаат қилди.

Ресторан маъмурияти қайиқнинг бузилиши фирма аъзоларининг айби билан бўлганлиги ва бу шартноманинг бекор қилишига олиб келмаслиги фирма ижарага бошқа қайик олиши мумкинлигини айтади.

### **Низо қандай ҳал қилинади?**

**40.** Қишлоқ туманида бошлангич нархи 4.000.000 сўм бўлган кўчмас мулк (чорва комплекси) очиқ аукционга қўйилиб, унда 10 дан ортиқ иштирокчилар қатнашадилар. Сотилиш нархи 18.000.000 сўмда тўхтади. ўолиб билан аукцион ташкилотчиси ўртасида шартнома кучига эга бўлган баённома имзоланди. Бир оз муддат ўтгандан сўнг, янги мулкдор судга мурожаат этиб, охирги сумма сотилган объектнинг ҳақиқий ҳолатидан анча “йироқ” эканлиги, соҳадан бехабар иштирокчиларнинг қатнашуви туфайли нарх “фантастик” суръатда кўтарилиганлиги, яна айрим субъектив ҳолатларни асос қилиб, уни ҳақиқий эмас деб топишни сўради.

**Масала қандай ҳал қилинади? Кўрсатилган асослар шартномани ҳақиқий эмас деб топишга етарлими?**

**41.** Ҳиндистон Республикаси фуқароси Жону Дилагар никоҳдан ажралиш, болани олиш, мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво талаби билан хотини Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ва Ҳиндистон Республикаси фуқаролигини олган, ҳозирда Чилонзор тумани Ц-15 мавзесида вақтингча яшаётган жавобгар Дилу Дилагарга нисбатан Чилонзор туманлараро фуқаролик ишлари судига мурожаат қиласди. Даъво аризасида кўрсатилишича, ҳозирда хотини билан ажрашмоқчи эканлигини, ораларида икки нафар фарзандлари борлигини, хотини яшаб турган уйни хам ўзи олиб берганигини, фақат уни Тошкент шаҳрида яшовчи синглиси Мамедова Ф. номига расмийлаштирилганлигини, суд орқали болаларини ҳам олиб кетмоқчи эканлигини, уйни ҳам сотмоқчилигини, вакти-вақти билан тижорат мақсадида Тошкентга келганида болаларини онасига кўрсатиб туришлигини, лекин ўзи Тошкентда бутунлай яшай олмаслигини, чунки у Ҳиндистон фуқароси эканлигини, у ерда ота-онасига қараш кераклигини кўрсатиб утади. Судья ушбу даъво аризани қабул қилишни рад этади.

**Савол:**

**1. Судья қандай асосларга кўра даъво аризаси қабул қилишни рад этган?**

**2. Ариза қайси судга тааллуқли?**

**3. Жавобингизни норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида асослантиринг.**

**42.** Куйидаги ишлар даъвогарлар фуқаролик процессуал муомала лаёқатига эга бўла оладиларми?

а) 16 ёшли фуқаро Каримова М. никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қиласди.

б) 16 ёшли Шодиев А. ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрганлик учун етказилган зарарни ундириш тўғрисида судга мурожаат қиласди.

в) 17 ёшли Маликова Б. оталикни белгилаш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво талаби билан судга мурожаат қиласди.

г) 17 ёшли Якубов М. меросга оид уйга эгалик ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома беришни рад этганлиги учун нотариал идора устидан судга шикоят қиласди.

**43.** Фуқаро Валиев С. судга мурожаат қилиб, даъво аризасида кўрсатилишича, шу пайтгача унинг уйида ижарада яшаб келган фуқаро Хасанов А. ети ойлик ижара ҳақларини тўламай чиқиб кетганлигини ва ундан етказилган зарарни ундириб беришни сўрайди. Суд процессида сўроқ қилинган жавобгар Хасанов Л. даъвогарга нисбатан қарши даъво беришини, чунки шу пайтгача олган компьютерининг пулини тўлиқ тўламаганлигини, қолаверса, ўтган баҳорда олиб келиб берган 30 туп хурмо кўчатини ҳам

пулини тўламаганлигини маълум қилади. Суд даъво аризаси билан танишиб чиқиб, даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради ва ажримни шу билан асослантирадики, уй даъвогар Валиев С.нинг номида эмаслигини, ариза иш юритишга ваколати бўлмаган шахс томонидан берилганлигини, тегишли низоли уй-жой хотинининг номида эканлигини кўрсатади.

**Савол:**

- 1. Судьянинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2. Валиев С.да даъво қўзгатиш ҳуқуқи мавжудми?**
- 3. Валиев С. тараф сифатида иштирок эта оладими?**

**44.** 16 ёшли Каримова Г. 17 ёшли Ранибоев Т.гп нисбатан оталикни белгилаш тўғрисидаги даъво талаби билан судга мурожаат қилади. Судья иш даъво аризасини қабул қилишни рад этади ва бу ҳақда ажрим чиқариб, тарафларга маълум қилади.

**Савол:**

- 1. Судьянинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2. Тарафлар процессуал муомала лаёқатига эгами?**
- 3. Ушбу иш бўйича процесс иштирокчиларини аниқланг.**

**45.** Адвокатлик бюросига фуқаро Сатторов Б. куйидаги мазмунда мурожаат қилади:

1. Ҳозир хотиним билан ажралиш арафасидаман. Уй отамнинг номида. Хотиним уй-жойни талаб қилиши мумкинми?
2. Хотиним билан олти йил давомида бирга яшаганмиз. Икки нафар фарзандимиз бор. Биргаликда яшаган муддатимиз уй-жойни бўлишда ҳисобга олинадими?

**Савол:**

- 1. Адвокатнинг жавоби қандай?**
- 2. Ушбу иш юзасидан судга мурожаат қилиш мумкинми?**

**46.** Мирзо Улуғбек туманлараро фуқаролик ишлари судида даъвогар Алимбеков О.нинг жавобгар Мусина В.Е.га нисбатан уй-жойни айирбошлаш шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик ишини мазмунан қўриш жараёнида тақдим этилган айрим хужжатларнинг қалбакилиги маълум бўлади.

**Савол:**

- 1. Судья ишни қандай ҳал қилади?**
- 2. Ушбу ишда прокурор катнашиши мумкинми?**

**3. Юқоридаги ҳолат бўйича прокурор қандай чора кўра олади, судчи?**

**47.** Фарғона шаҳар прокурори судга фуқаро Корнилов Т.ни оталик хуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво қўзғатади. Суд мажлиси жараёнида ушбу иш бўйича прокурор музокара нутқи (фикри) беришдан бош тортади ва буни у тараф сифатида иштирок этаётганлиги билан асослантиради.

**Савол:**

- 1. Ушбу талаб юзасидан прокурор даъво қўзғатиши мумкинми?**
- 2. Прокурорнинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 3. Прокурор иштирокини қайси фуқаролик ишлари суд лозим деб топиши мумкин?**

**48.** Тошкент адвокатлар ҳайъати аъзоси, 1–сонли юридик маслаҳатхонаси адвокати Пашков В.Н. танишининг илтимосига кўра, Термиз судига меросга доир мол-мулкни бўлиш тўғрисида 62 ёшли Сафаева К нинг манфаатини кўзлаб даъво қўзғатди. Суд мажлиси белгиланган кунда судья мажлисни очиқ деб эълон қилиб, томонларнинг келган-келмаганлигини аниқлаш, уларнинг ваколатларини текшириш давомида судья адвокат Пашков В.Н. га иш юритишга ваколатли эмаслигини билдириди ва аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарди. Адвокат бунга қатъий эътиroz билдириб, агар иш юритишга ваколати бўлмаса, бу аризани қабул қилиш жараёнида ҳал қилиниши кераклигини таъкидлади.

**Савол:**

- 1. Судьянинг ажрими тўғрими?**
- 2. Адвокатнинг эътирози ўринилми?**
- 3. Адвокат қайси ҳолатларда иш юритишга ваколатли деб ҳисобланади?**
- 4. Адвокат фаолияти ҳудуд танлайдими?**

**49. Прокурор судга даъво қўзғатиб сўрайди:**

1. Васийликдаги шахс номидан тузилган ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни.
2. Васийликдаги шахсга қарашли турар-жойни айирбошлиш шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни.
3. Уй-жойга эгалик хуқуқини ҳақиқий эмас деб топишни.

**Савол:**

- 1. Ушбу ишлар бўйича прокурор даъво қўзғатиши мумкинми?  
Васийлик ва ҳомийлик органлари-чи?**
- 2. Судья прокурорнинг даъво талабларини қаноатлантира оладими?**
- 3. Жавобингизни асослантиринг.**

**50.** Фуқаро Отаев Ш. Раҳмонова З.га нисбатан мерос мулкини бўлиш тўғрисида Бекобод туманлараро фуқаролик ишлари судига даъво аризаси билан мурожаат қиласди. Судья даъво аризасини қабул жараёнида даъвогар Отаев Ш. уни суд харажатларидан озод қилишни ва бунга асос қилиб иш ҳақи камлигини, қарамоғида олти нафар фарзанди борлигини, турмуш ўртоғи ҳеч қаерда ишламаслигини, ҳозирда бетоб эканлигини, фарзандларидан бири ҳарбий хизматда эканлигини, қолганлари эса мактаб ўқувчилари эканлигини кўрсатади. Иш юзасидан судья даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақида ажрим чиқаради ва унда суд харажатларидан озод қилишга судьянинг ваколати йўқлигини кўрсатади.

**Савол:**

- 1. Судья ушбу ҳолат бўйича ажрим тўғри чиқарганми?**
- 2. Суд харажатларидан озод қилиш судьянинг ваколатига кирадими?**

**51.** Мирзо Улугбек туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судида даъвогар Исаева Ж.нинг жавобгар Исаев А.га нисбатан алимент ундириш тўғрисидаги даъвоси юзасидан иш қўзғатилди. Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида жавобгар Исаев А. судга мурожаат қилиб, унинг кўрсатмаларини ёзма равишда олиб қолишини, эртага у Арабистонга ўқишига кетаётганлиги муносабати билан суд мажлисида қатнаша олмаслигини билдиради. Судья алимент ундириш тўғрисидаги ишлар жавобгарнинг шахсан ўзи қатнашиши шартлигини кўрсатиб, унинг илтимосини қаноатлантирмайди. Кейинчалик суд мажлисининг тайёрлов қисмида томонлардан бирининг келмаганлиги сабабли аризани кўрмасдан қолдириш ҳақида судья ажрим чиқариб, иш юритишни тугатади.

**Савол:**

- 1. Ушбу иш юзасидан далилларни таъминлашга йўл қўйиладими?**
- 2. Алимент тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгарнинг шахсан қатнашиши шартми?**
- 3. Ушбу масала юзасидан сиртдан иш кўриш мумкинми?**

**52.** Даъвогар Юлдашева Г. жавобгарлар Юлдашев М. ва Юлдашев Х.ларга нисбатан “Уйга киритиб қўйиш ҳақида”ги ва Юлдашев М.нинг

Юлдашева Г.га нисбатан “Уй-жойга нисбатан фойдаланиш хуқуқини йўқотган деб топиш ҳақида”ги қарши даъво берилган бўлиб, судья дастлабки даъво юзасидан иш қўзғатиш мумкинлигини, қарши даъво аризасини эса рад этиш ҳақида ажрим чиқаришини билдиради. Ажримда қарши даъво аризаси бевосита суд мажлиси жараёнида то ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар берилиши лозимлигини кўрсатади.

**Савол:**

- 1. Судьянинг ажримиға баҳо беринг.**
- 2. Иш бўйича қарши даъво аризаси тўғри берилганми?**
- 3. Қарши даъво аризасидан давлат божи ундириладими?**
- 4. Қарши даъвонинг судловлилигини белгиланг.**

**53.** Даъвогар Отахонов Д. жавобгар Отахонова К.га нисбатан никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъво талаби билан судга мурожаат қилди. Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида суд томонларни дастлабки сўроқ беришга ва ишни мазмунан кўришга тайёрлаш учун процессуал ҳаракатларни амалга оширилишини таъминлаш мақсадида судга чақирди. Томонлар икки марта хабардор қилинишига қарамай, фақат даъвогар келиб, жавобгар келмади. Шундан сўнг судья никоҳдан ажралишга жавобгар рози эмас деб топиб, тайёрлаш босқичидаёк иш юритишни тугатади. Даъвогар эса суддан сиртдан иш юритишни сўрайди. Судья бу талабни рад этиб, ушбу иш бўйича сиртдан иш юритиш мумкин эмаслигини тушунтиради.

**Савол:**

- 1. Судьянинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2. Томонлардан бирининг судга келмаслиги иш юритишни тугатишга асос бўла оладими?**
- 3. Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида даъвогар талабининг рад этилиши асослими?**

**54.** Фуқаролик ишлари бўйича туманларабо судга даъвогар Зайниддина Д. жавобгар Зайниддинов Ё.га нисбатан уйга киритиб қўйиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилади Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида даъвогар ва жавобгар тегишли тартибда хабардор қилинишига қарамай, судга фақат даъвогар келди. Судда ишни мазмунан кўриш жараёнида жавобгар даъво аризасининг нусхасини олмаганлигини, ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида у ҳеч қандай чақириқ қоғози олмаганлигини, ишга доир далиллар келтириш учун тайёрлаш муддатини яна қайта тиклаб беришни суддан сўрайди.

**Савол:**

- 1. Жавобгарнинг эътирози ўринлими?**
- 2. Судьянинг ҳаракатлари қандай бўлади?**
- 3. Иш тайёрлаш жараёнида гувоҳлар сўроқ қилинадими?**
- 4. Тайёрлаш муддатини қайта тиклаш мумкинми?**

**55.** Хоразм вилоят ИИБ ходими Матниязова К. ходимларни аттестация қилиш комиссияси қарорига кўра ишдан бўшатилган. Матниязова ўзини ноқонуний ишдан бўшатилган деб ҳисоблаб, Урганч туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қиласди. Ишни мазмунан кўрган судья даъвони рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради. Уч кундан кейин ҳал қилув қарори нусхасини олган Матниязова ҳал қилув қарорида прокурор Умаров иштирокида иш қўрилганлигини билади. Лекин унга суд процессида прокурор қатнашмаганлиги, иш бўйича ҳеч қандай фикр бермаганлиги маълум эди. Шундан сўнг Матниязова суд мажлиси баённомасида бу ҳақда нима дейилганлигини кўриш мақсадида суд девонхонасидан суд мажлиси баённомасининг нусхасини беришни ёки уни ўқиб чиқишни илтимос қиласди, лекин рад жавобини эшитади.

**Савол:**

- 1.Матниязова К. ҳал қилув қарори устидан шикоят бериши мумкинми?**
- 2.Иш бўйича прокурор протест бера оладими?**
- 3.Томонлар суд мажлиси баённомаси билан танишишга, унга нисбатан эътиroz билдиришга ҳақлами?**
- 4.Суд мажлиси баённомасига томонлар имзо чека оладиларми?**

**56.** Даъвогар Сайдқулова С.нинг жавобгарлар Шодиев А. ҳамда давлат нотариал идорасига нисбатан уй-жой олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ва қарз пулинни қайтариш тўғрисидаги фуқаролик ишини судда муҳокама қилиш жараёнида даъвогар бир неча марта огоҳлантирилишига қарамай, тартибни бузди. Суд даъвогарни ҳамма вақтга мажлис залидан чиқариб юбориб, ишни у сиз кўриб чиқиб, даъвони қисман қаноатлантириш ҳақидаги ҳал қилув қарори чиқариш билан яқунлайди.

**Савол:**

- 1. Судьянинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2. Суд мажлисида тартибни бузган шахсларга нисбатан қандай чоралар кўрилади?**
- 3. Судья мажбурий таъсир чораси сифатида тартибни бузган шахсга нисбатан сиртдан ҳал қилув қарори чиқара оладими?**

#### **4. Тартибни бузган гувоҳларга нисбатан қандай процессуал чоралар кўрилиши мумкин?**

**57.** Учтепа туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судида даъвогар Шемитаева А.нинг қайноаси жавобгар Мамутова К.га нисбатан уй-жойни бўлиш ҳақидаги даъво талаби кўриб чиқилди.

Иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорининг қарор қисмида: “Арча кўчаси, 7-уда жойлашган низоли уй-жой томонларга тенг миқдорда бўлиб берилсин” деб кўрсатилган.

**Савол:**

**1. Ҳал қилув қарорининг қарор қисми матнида қандай хатоликлар мавжуд?**

**2. Томонлар бу ҳолат юзасидан қандай процессуал ҳаракатларни амалга ошира оладилар? Судчи?**

**58.** Кўп қаватли бинолардан бирида яшовчи даъвогар Умаров А. жавобгар Шерзодова М.га нисбатан уй-жойга етказилган зарарни ундириш тўғрисида судга мурожаат қиласди. Бир неча марта суддан чақирав қофози олганига қарамай, жавобгар Шерзодова М. хизмат командировкаларини баҳона қилиб, суд мажлисига келмайди. Судья даъвогарнинг розилиги билан суд мажлисини очик деб эълон қилиб, ишни кўра бошлайди. Даъвогар суд мажлисида уй-жойга етказилган зарар даъво аризаси бераёттандан нотўғри ҳисобланганлигини, кейинчалик уйни таъмирлаш давомида зарарнинг аниқ қиймати чиққанлигини, даъво қиймати 400 минг эмас, балки 700 минг сўм эканлигини кўрсатади. Суд даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, уй-жой ширкат хўжалиги техник ходимининг хулосасини эшитиб, маҳалла қўмитасидан берилган маълумотномани кўриб чиқиб, иш бўйича сиртдан ҳал қилув қарори чиқариб, унда жавобгардан даъвогар фойдасига 700 минг сўм ундириб бериш тўғрисида кўрсатиб ўтилади.

**Савол:**

**1. Суд мажлисида процессуал нормалар бузилганми?**

**2. Сиртдан иш кўришда айнан қайси процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши мумкин эмас?**

**59.** Миробод туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъвогар Фахриддинова Г. даъво қўзғатиб, унинг турмуш ўртоғи жавобгар Шодиев Б. бутун ҳаёти давомида уни алдаб келганлигини, аслида у ўзи ишлаб юрган жойдаги котиба аёл билан доимий бирга бўлганлигини, яқинда янги йил байрами муносабати билан уюштирилган кечада у буни исботлаганлигини,

бу ҳақда у турмуш ўртоғига айтганида, “ажрашсанг ажрашавер” – деганини ва охири ўртада икки нафар фарзандлари борлигига қарамасдан ажрашишга қарор қилғанлигини таъкидлайди. Шунингдек, даъвогар ўз даъво аризасида никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъво талаби билан биргаликда вояга етмаган фарзандларига нисбатан алимент ундириш ва ўрталарида молмулкни бўлиш ҳақидаги талабларни ҳам ҳал қилинишини кўрсатиб ўтади. Судга чақирилган жавобгар Шодиев Б.нинг никоҳдан ажралиш мақсади йўқлигини, юқоридаги ҳолатларнинг ҳаммаси фақат шубҳа-гумонлар остида эканлигини, унинг оилани сақлаб қолиш ҳақидаги илтимосини инобатга олиб, суд никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво талабини рад этади.

**Савол:**

- 1. Судьянинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2. Иш бўйича судья қандай қарор чиқарган?**
- 3. Иш даъво талабининг рад этилиши бошқа даъво талабларига таъсир қиласими? Улар қандай ҳал этилади?**
- 4. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларнинг судловлилиги қандай?**
- 5. Ушбу даъво талаби юзасидан томонлар яна судга қайта мурожаат қилишга ҳақлими?**

**60.** Учтепа туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъвогар Худоёрова Г. жавобгар Худоёров А.га нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво талаби билан мурожаат қиласи. Даъвогар ўз даъво аризасида оиласида доимий равишда эр-хотин ўртасида жанжал бўлиб туришини, навбатдаги жанжаллардан бирида жавобгар уни эшик тагига итариб юборганини ва натижада унинг бурнига ўртача оғир даражада шикаст етганлиги сабабли 1- касалхонасида даволаниб чиққанлигини, ҳозирда ўз ота-онасиникида яшаб келаётганлигини, оилани сақлаб қолиш имконияти йўқлигини кўрсатади ва ўзига етказилган зарарни ундириб беришни сўрайди.

**Савол:**

- 1. Судья ишни қандай ҳал этади?**
- 2. Даъвогарга етказилган зарарни жавобгардан ундириб бериш мумкинми?**
- 3. Ушбу ҳолат юзасидан судья томонларга ярашиш учун муҳлат беришга ҳақлими?**

**61.** Даъвогар Алиева М. судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, 2004 йил 15 февралда туғилган қизи Солиева Ф.га нисбатан жавобгар Боқиев

А.нинг оталигини белгилаб беришни сўрайди. Даъвогарнинг даъво аризасида кўрсатилишича, улар жавобгар билан бола туғилгунига қадар мунтазам равишда учрашиб туришганлигини, гарчи жавобгар бошқа жойда яшаса-да, таътил кунларида тез-тез келиб турганлигини ва ҳафталаб унинг олдида қолиб кетганлигини ва у билан яқин алоқада бўлганлигини таъкидлайди, лекин кейинчалик жавобгар унинг ҳомиладорлиги ҳақида эшигач, ўртасидаги муносабатларга чек қўйганлигини ва ҳатто, доимий яшаган жойидан ҳам бошқа шаҳарга кетиб қолганлигини, ҳозирда эса унинг яшаш жойи ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқлигини кўрсатиб ўтади.

Даъвогар суддан жавобгарга нисбатан қидирав эълон қилинишини, уни қизининг отаси деб белгиланишини ва ундан боласининг фойдаси учун алимент ундирилишини сўрайди.

Суд даъво аризасини қабул қилишни рад этиб, оталикни белгилаш учун етарли асослар мавжуд эмаслигини, даъво асослантирилмаганлигини ва даъвогар жавобгарнинг яшаш жойи бўйича судга мурожаат қилиши лозимлигини кўрсатади.

### **Савол?**

- 1. Даъво аризасини қабул қилишни рад этиши тўғрими?**
- 2. Иш бўйича жавобгарга нисбатан қидирав эълон қилиш мумкинми?**
- 3. Оталикни белгилаш тўғрисидаги даъволар қанча муродатда кўриб ҳал қилинади.**
- 4. Даъвогар ўзининг даъво талабларини асослаш учун қолган далилларни судга тақдим қилиши зарурми?**

**62.** Кандахорова Г. оталикни тан олиш фактини белгилаш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қиласди. Аризада кўрсатилишича, унинг онаси Кандахорова Т. фуқаро Осмонов К. билан 1970 йилдан 1995 йилгача, яъни фуқаро Осмонов К. вафотига қадар у билан биргаликда шаръий никоҳ асосида биргаликда яшаганлар. Уларнинг биргаликда яшаганликлари оқибатида аризачи Кандахорова Г. туғилган. Фуқаро Осмонов К. умрининг охиригача ўз қарамоғида уни тарбиялаган ва таъминлаган. Даъвогар Кандахорова Г. Осмонов К.ни отаси деб топилишини унга ушбу фактни белгилаш фамилияси ва миллатини ўзгартириш учун зарур эканлигини кўрсатади.

### **Савол?**

- 1. Ушбу талаб судга тааллуқлими?**
- 2. Ушбу талаб юзасидан Кандахорова Г. ариза билан мурожаат қилиш хукуқига эгами?**

**3. Судья оталик фактини белгилашда қандай далилларга асосланади?**

**63.** Боласи 2 ёшга тўлиши муносабати билан таътилдан ишга қайтган Олимова О.га муассаса раҳбари ўзининг аввалги кредит бўлими бошлиғи лавозимини бермай, шунга тенглаштирилган лавозим деб кадрлар бўлими бошлиғи лавозимини тавсия этди. Ўз иш жойини талаб қилган Олимова О.га муассаса раҳбари унинг аввалги иш жойида ишлаётган Петрушина Е.В. яқинда ҳомиладорлик таътилига кетишини, уни ҳозир бўшата олмаслигини таъкидлади. Орадан озгина вақт ўтмай, Петрушина Е.В. соғлигидаги жиддий ўзгаришлар туфайли боласи муддатидан олдин туғилиб, нобуд бўлади ва натижада яна ишга қайтади. Ўз иш жойини қайта талаб қилган Олимова О.га муассаса раҳбари рад жавобини беради.

**Савол:**

- 1. Олимова О. судга мурожаат қилишга ҳақлими?**
- 2. Мехнатга оид низолар бўйича суд процессида кимлар иштирок этадилар?**
- 3. Юқоридаги масала бўйича меҳнат қонунчилиги нормалари бузилганми?**

**64.** Пардаева Д. уч фарзанди билан М.Улугбек тумани Рахматуллин кўчаси 128-хонадон 7-йда яшарди. Унинг вояга етган ўғли ойисининг номида бўлган уйни унинг рухсатисиз сотиб, Россияга қочиб кетди. Бу уйни сотиб олганлар Дилобардан уйдан чиқишини талаб қилишди.

**Савол?**

- 1. Бу ҳолатда шартнома ҳақиқий ҳисобланадими?**
- 2. Агар шартнома ҳақиқий бўлмаса уйни сотиб олганлар маблаги кимдан ундирилади?**
- 3. Агар шартнома ҳақиқий саналса, Пардаева Д. ва унинг фарзандлари нимага асосланиб ўз хукуқларини ҳимоя қилишади?**

**65.** Каримов А. талабалик даврида бир қарияга ёрдамлашиб юрар эди. Қария ёлғиз яшагани ва ногирон бўлганлиги боис Каримов А.дан у билан яшашини сўраб вафот этгач, уйни унга қолдиришни айтди. Орадан 10 йил ўтди. Шу давр мобайнида уй харажатларини ва қария қарзларини тўлади. Қария вафот этишидан олдин А.га васиятнома ёзган. Россиядаги қариянинг фарзандлари келиб уйни беришини ва васиятнома нотариал тасдиқланганлигини сабаб қилиб кўрсатади.

**Савол:**

- 1. Нотариал тасдиқланмаган васиятнома ҳақиқий ҳисобланадими?**
- 2. Тарафларнинг ҳуқуқий ҳолатини тушунтиринг.**

**66.** 1999 йил марта Юсупов К. ўз уйини қўшнисига қараб туриш учун қолдириб, ўзи Россияга кетди. 12 йил мобайнида ундан хабар бўлмаган. Қўшниси уйга қараб, барча солиқларни тўлаб борган. Бу давр мобайнида Юсупов К.ни вафот этган деб топишди ва уйни қўшниси сотиб юборди. Юсупов К. 12 йилдан кейин келиб уйни қайтаришни талаб қилди.

**Савол:**

- 1. Бу ҳолатда уй қонуний сотилганми?**
- 2. К.га уйни қайтариш имконияти борми?**
- 3. Неча йил уйга ҳамма кўз ўнгидага қараганда уй сизники ҳисобланади?**

**67.** Комилов Ю. ва Хўжаева Г. қонуний никоҳдан ўтишди. Комилов Ю. 2 йилга озодликдан маҳрум этилгач унинг номидаги уйни хотини сотиб, Комилов Ю. билан ажрашди. Бу ҳақда у хабардор қилинмаган эди. 4 йилдан кейин К. амнистия акти билан озодликка чиқди.

**Савол:**

- 1. Комилов Ю. уйнинг неча фоизини қайтариши мумкин?**
- 2. Шартнома ҳақиқий ҳисобланадими?**

**68.** Фуқаро Хамирова М. “Бешкапа” фуқаролар йиғини раиси устидан шикоят билан Денов туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қиласди. Ўз шикоятида фуқаролик йиғини раисига нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилганлигига қарамай, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси йўқолганлиги туфайли унинг шу ерда туғилганлиги ва яшаётганлиги ҳақидаги маълумотномани бермаётганлигини, ушбу иш судга тааллуқли эканлигини важ қилиб ушбу ҳаракатни амалга оширишини рад этаётганлигини билдиради.

**Савол:**

- 1. Фуқаро Хамирова М. қандай йўл тутиши керак?**
- 2. Судга фуқаролар йиғини раиси устидан шикоят билан мурожаат қилиш мумкинми?**

**69.** Қуйидаги ишлар фуқаролик суд ишларини юритишнинг қайси турига мансуб:

- оталикка эътиroz билдириш тўғрисидаги ишлар;
- ишончномани тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги ишлар;

в) корхона (ташкилот, муассаса) касаба уюшмаси раиси хатти-ҳаракатлари устидан берилган аризалар;

г) меросга доир гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш юзасидан нотариуснинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар;

д) “Иссиқсувтъминот” корхонаси раҳбари хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар.

**70.** Фуқаро Холдоров М. ўзининг ота миллати тожик бўлганлиги учун она миллати ўзбек миллатини олиш мақсадида паспортига ўзгаришлар киритиш учун туман ИИБ паспорт бўлимига мурожаат қиласди. Паспорт бўлими буни рад этиб, аввал ФХДЁ органига мурожаат қилиш лозимлигини тушунтиради. ФХДЁ органи эса она миллатига ўтиш мумкин эмаслигини кўрсатиб, иш судга тааллуқлилигини маълум қиласди.

**Савол:**

**1. Ушбу иш қайси органга тааллуқли?**

**2. ФХДЁ органининг ваколатини айтиб утинг.**

**71.** Фуқаро Убайдуллаев И.га тегишли бўлган давлат белгиси 19С 30 10 рақамли “Nexia” автомашинасини бошқариб келаётганда ҳайдовчилик гувоҳномаси ёнида бўлмаганлиги сабабли ДАН ходимлари томонидан техник ва бошқа ҳолатлар тўлиқ текширилиб, далолатнома тузилмасдан автомашина олиб қўйилган ва жарима майдончасига олиб борилган. Автомашина ўз вақтида жарима майдончасидан олиб кетилмаганлиги ва ДАН собиқ бошлиғи Н.М. ва С.А.лар автомашинани сақлаш чораларини кўрмаганликлари оқибатида автомашина очиқ ҳавода қолиб кетган. Экспертиза хulosасига кўра, автомашинага 381.394 сўм миқдорида зарар етказилганлиги аниқланган. Фуқаро Убайдуллаев И. судга мурожаат қилиб, вилоят йўл ҳаракати бошқармаси ходимлари томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қиласди. Суд томонидан даъвогар фойдасига вилоят ИИБ ЙХХБ ходимларидан моддий зарар учун 381.394 сўм маънавий зарар учун эса 100 минг сўм ундирилган ҳамда унинг автомашинаси ва бошқа шахсий буюмлари қайтарилган. Иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори устидан туман прокурори апелляция протести келтиради.

**Савол:**

**1. Келтирилган апелляция протести тўғрими?**

**2. Ушбу иш юзасидан апелляция протести келтиришга сабаб бўладиган ҳолатлар мавжудми?**

**3. Судьянинг чиқарган ҳал қилув қарори қонунийми?**

#### **4. Иш бўйича исботлаш воситаларини таҳлил қилинг.**

**72.** 2003 йил августда Н.Исматовнинг мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво иши фуқаролик ишлари бўйича М.Улуғбек туманлараро суди томонидан кўрилади. Н.Исматовнинг вакили мол-мулкни бўлишда Н.Исматовнинг сурункали касаллиги ва дори-дармонга муҳтожлиги туфайли унга қўшимча имтиёзлар беришни сўрайди. Суд бу ишни кўриб, даъвони ярим ҳолатларини инобатга олиб, уч фарзанд ўртасида мол-мулк тенг бўлинди.

2007 йил сентябрда кассация шикояти Тошкент шаҳар судига берилди. Тошкент шаҳар суди бу ишни бир ярим ой ичида кўриб чиқиб, Н.Исматовни талабини қаноатлантириб, фуқаролик ишлари бўйича М.Улуғбек туманлараро суди ҳал қилув қарорини қисман бекор қилади.

**Савол:**

- 1. Ишни кўриб чиқиша даъво муддати ўтиб кетмаганми?**
- 2. Ишни бир ярим ой ичида кассация иши кўриб чиқилиши тўғрими?**
- 3. Даилиллар нотўғри баҳоланса, суд таркиби қандай ҳал қилинади?**

**73.** Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди Раёсатининг мажлиси бўлиб, Раислик этувчи вилоят судининг раиси Тогаев Х.А., Раёсат аъзолари Э.Гаффоров, Д.Тураевлардан иборат таркибда, М.Назаровнинг котиблигига, Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 27.02.2002 йилдаги даъвогар Термиз хокимиятининг жавобгари М.А., М.Р. ва М.Х.га нисбатан “Тураг-жойни қаровсиз қолганлиги ва тураг жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳамда М.А.ни оила аъзолари билан уйдан чиқариш ҳақида”ги фуқаролик иши бўйича чиқарган ҳал қилув қарори юзасидан Сурхондарё вилоят прокурорининг назорат тартибида келтирган протести кўрилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро суди даъвогар Термиз шаҳар ҳакимининг жавобгари М.А., М.Х. ва М.Р.ларга нисбатан “Тураг-жойни қаровсиз қолганлиги ва тураг-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳамда М.А.ни оила аъзолари билан уйдан чиқариш ҳақида”ги фуқаролик ишини 2002 йил 27 февраль куни суд мажлисида кўриб чиқиб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириб, жавобгар М.Р. Термиз шаҳар Ю.Ражабий кўчаси 24-йини 8-хонасига нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, жавобгарлар М.А. ва Х.М.ларни низоли уйдан мажбурий тартибда чиқариш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган.

Ушбу фуқаролик иши апелляция ва кассация инстанцияси судида кўрилмаган.

Суднинг ҳал қилув қарори юзасидан Сурхондарё вилоят прокурори томонидан вилоят суди Раёсатига назорат тартибида протест келтириб, унда суд ишни кўришда ФПКнинг 15-моддаси талабларига риоя қилмаганлигини, жавобгарларни судга чақириб сўраш чорасини кўрмасдан, уларни судга қатнашди деб сохта хужжатлар расмийлаштирилганлигини билдириб, суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг даъвосини рад этиш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилишни сўраган.

Раёсат иш бўйича вилоят судининг судьяси Д.Тўраевнинг маърузасини Сурхондарё вилоят прокурори Б.Г.Нурмухамедовнинг протестини қувватлаб берган фикрини тинглаб, суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан бошқа суд таркибида қўриш учун юборишни лозим деб топди.

**Савол:**

- 1. Назорат тартибида ишни қайта кўриш тартиби ва муддатлари қандай?**
- 2. Назорат тартибида ишни қайта кўришдан янгидан очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўришнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари қандай?**

**74.** Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди кассация инстанциясининг суд мажлиси бўлиб, раислик этувчи Н.Курбонова, аъзолари Э.Гаффоров, П.Жумакуловлардан иборат таркибда, Ш.Холиқованинг котиблигига, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси М.Қурбонованинг иштирокида, Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманларапо судининг даъвогар А.М.нинг жавобгари А.Х., Ф.М. ва Денов тумани ҳокимиятига нисбатан “Туман ҳокимининг қарорини бекор қилиш, уйдан мажбурий тартибида чиқариш ва уйни олиб бериш ҳақида”ги ҳамда жавобгар қарши даъвогар А.Х.нинг жавобгари А.М.га нисбатан “Денов шаҳар Ш.Рашидов кўчаси 372 уйга эгалик ҳуқуқини тан олиш ва уй-жойни олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақида”ги фуқаролик иши юзасидан чиқарилган 2004 йил февраль кунидаги ҳал қилув қароридан норози бўлиб келтирган Денов туман прокурорининг кассация тартибида протести кўрилган.

Жавобгар қарши даъвогар А.Х.нинг жавобгари А.М.га нисбатан “Денов шаҳар Ш.Рашидов кўчаси 372-уйга эгалик ҳуқуқини тан олиш ва уй-жойни олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақида” қарши даъво ариза киритиб, суд мажлисида даъвогарнинг даъвосини рад этишликни, ўзининг қарши даъво аризасини қаноатлантиришни сўраган.

Жавобгар Денов туман ҳокимияти вакили Х.Амирқұлов судда даъвогар А.М.нинг даъвосини тан олмасдан, унинг даъвосини рад этишни сўраган.

Суд ишни кўриб чиқиб, даъвогар А.М.нинг жавобгарлари Денов туман ҳокимияти, Ф.М. ва А.Х.ларга нисбатан “Туман ҳокимининг қарорини бекор қилиш, уйни олиб бериш, А.Х.ни мажбурий тартибда кўчириш ҳақида”ги даъвосини кўрмасдан қолдириш, жавобгар А.Х.нинг жавобгари А.М.га нисбатан “Денов шаҳар Ш.Рашидов кўчаси 372-уйга эгалик ҳуқуқини тан олиш, оғзаки тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги қарши даъвосини қаноатлантирган. Денов шаҳар Ш.Рашидов кўчаси 372-уйни даъвогар А.М. жавобгар Ф.М. ва жавобгар А.Х.лар ўртасида тузилган оғзаки олди-сотди битими ҳақиқий деб ҳисобланиши ва Денов тумани БТРУБ томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳақида 2004 йил 23 февраль куни ҳал қилув қарори қабул қилган.

**Савол:**

- 1. Ишни назорат тартибида кўришда прокурор ваколатларини айтинг?**
- 2. Ишни назорат тартибида кўриш доираси қанақа?**

**75.** Суд фуқаро Тошева З.Р.ни фуқаро Кабишев С.В.ни маъмуриятга етказган зарарни қоплаш тўғрисидаги фуқаролик иши юзасидан берган ёлғон кўрсатмаси учун жиноий жавобгарликка тортади. Ҳукм қонуний кучга киргач, Кабишев С.В. ишни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақида судга мурожаат қиласди.

**Савол:**

- 1. Кабишев С.В.нинг талаби тўғрими?**
- 2. Янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайси судга мурожаат қилиш мумкин?**

**76.** Фуқаро Я.Н. фуқаро Я.Р.га нисбатан 2 ёшлик қизи З. ва ўзининг фойдасига алимент ундириш тўғрисидаги даъво талаби билан судга мурожаат қиласди ва унинг даъвоси қаноатлантирилиб, иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган. Орадан анча вақт ўтгач, жавобгар оталикка эътиroz билдириш тўғрисидаги даъво талаби билан судга мурожаат қиласди. Иш ҳолатларига кўра, боланинг отаси Я.Р.дан туғилганлигини исботлаш учун одам ДНКси экспертизасини ўтказиш белгиланди. Ўтказилган экспертиза натижаларига кўра, боланинг отаси Я.Р. деб топилди. Шундан сўнг, Я.Р. янгидан очилган ҳолатлар бўйича ишни қайтадан кўришни сўрайди.

**Савол:**

**1. Янгидан очилган ҳолатлар бўйича судга мурожаат қилиш тартиби қандай?**

**2. Янгидан очилган ҳолатлар бўйича судга мурожаат қилишга муддат белгиланганми?**

**77.** Бухоро шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судига даъвогар Атаев Ш. ишга тиклаш бўйича мурожаат қилди. Суд аниқланган иш ҳолатлари бўйича ходим ишдан бўшатилганлигини исботлади. Ходим судда 32-сонли поликлиниканинг малакали врачи Шеров Н. томонидан берилган тиббий маълумотномани тақдим этди. Суд иш ҳолатларини ўрганиб чиқиб, иш берувчи ҳаракатларини ғайриқонуний деб топди ва ходимни мажбурий ишга тиклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. 10 кунлик муддат ўтгач, врач Шеров Н. сохта хужжат тайёргарликда айбланиб, жиноий жавобгарликка жалб этилди. Иш берувчи Бухоро фуқаролик ишлари судига янгидан очилган ҳолатлар бўйича ўзининг аввалги ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиши сўраб мурожаат қилди. Суд ишни янгидан очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқиб, иш берувчининг аризасини қаноатлантириди.

**Савол:**

**1. Юқоридаги ҳолат ишни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўладими?**

**2. Янгидан очилган ҳолатлар бўйича прокурор иш қўзғата оладими?**

**3. Янгидан очилган ҳолатлар бўйича иш қўриш тартиби қандай?**

**78.** Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар Ромитон туман суди уйжойдан мажбурий кўчириш тўғрисидаги низони кўриб ҳал қилди ва даъвогар Мавлонов С. талабини қондирди. Суд чиқарган ҳал қилув қарорида суд ҳаражатларини тақсимлаш масаласи ёритиб берилмаган эди. Мазкур ҳолатда даъвогар ва жавобгар ўртасида низо келиб чиқди ва улар бу ҳақда судга мурожаат қилишди.

**Савол:**

**1. Мазкур ҳолатда суд қандай ҳаракат қилиши керак?**

**2. Суд ишни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриши мумкинми?**

**79.** Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасига оталик ёзуви тўғрисида ўзgartиришлар киритилиши лозим эди. Даъвогар Ахмедова Ш. ҳал қилув қарори қонуний кучга кириши билан унинг нусхасини туман ижро бўлинмаси девонхонасига топширди. Орадан 6 ой ўтибдики, ушбу хужжат ижро этилмади. Кейинчалик у катта ижрочи

қабулида бўлганида, улар ушбу хужжатни ижроси билан шуғулланмасликларини билдириди.

**Савол:**

- 1. Даъвогарнинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2. Нима учун катта ижрочи ижрони рад этди?**

**80.** Судга алимент ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини ижро этилмаётганлиги ҳақида ариза тушди. Суд ушбу аризани туман ижро бўлинмасига жўнатиб, тезда ҳал қилинишини сўрайди. Катта ижрочи ушбу ариза билан шуғулланиб жавобгар “Туфин” заводидан ишдан бўшаб, бошка жойга 2 ойга кетганлиги, ижро варақасини бухгалтериядагилар умуман топиб беролмаганлигини ва юқоридагилар ҳақида ҳеч ким ижро бўлинмасига хабар қилмаганлигини аниқлайди.

**Савол:**

- 1. Даъвогарнинг судга мурожаати тўғрими?**
- 2. Жавобгар ва бухгалтерия ходимларига нисбатан жавобгарлик масаласи борми?**
- 3. Ижро варақасини қайта бериш мумкинми?**

**81.** Жиноят орқасида етказилган заарни ундириш мақсадида хукмнинг фуқаровий даъво қисмини қаноатлантириш ҳақидаги қарорини ижро этиш мақсадида ижро иши қўзғатилди. Жавобгарнинг ахволига кўра, ижрочи уни вақтинча тўловга қобилиятсиз деб топиб, ижро ишини тўхтатиб туриш ҳақида қарор чиқаради. Бундан норози бўлган даъвогар (ундирувчи) Республика ижро департаментига шикоят билан мурожаат қилиб, қарздор авваллари 1 йил ичida 300 минг сўм тўлаб турганлигини, ҳозирда ҳеч нарса тўламай қўйганлигини, ушбу қарзларини қоплаш учун у қўшимча ҳовлисини сотиб беришини бу ҳақда ижрочига айтганда, у уйни хатламаганлигини ёзади.

**Савол:**

- 1. Ижрочининг ҳаракатлари тўғрими?**

**82.** Яқинда менга нисбатан фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди томонидан квартира ва бошка коммунал тўловларни 6 ойдан буён тўлай олмаганим сабабли иш сиртдан кўрилиб, ҳал қилув қарори чиқарилган экан. Суд процессига чақириш тўғрисидаги чақириув хатини олмаганман, лекин иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорининг нусхасини почта орқали 10 кундан кейин олдим. Лекин бунга эътибор бермай юрдим. Орадан 20 қунлар ўтгач, суд ижрочиси келиб кўрсатилган суммани тўлаш ҳақида огоҳлантириб кетди.

Мен қарамоғимда ногирон фарзандим борлигини, ўзим бозорда пишириқ сотиб кун кўришимни, яқинда бир ярим ойдан кейин катта ўғлим Россиядан келиб 228 минг сўмни тўлашини айтдим. Лекин иккинчи марта суд ижрочиси келганида уйимдаги музлатгич, тарози, кир ювиш машинамни олиб кетди. Қандай йўл тутишим керак?

**Савол:**

- 1. Суд ижроисининг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори тўғрими?**

**83.** Даъвогар “Тошибиссиқлиқкувати” ИЧБ жавобгар – ХТ “Рихсиева М.Т.” га нисбатан Тошкент хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда тарафлар ўртасида тузилган 2-9556-сонли шартномага асосан даъвогар томонидан етказиб берилган иссиқлик энергияси учун 2005 йилнинг январь ойи ҳолатида жами бўлиб 32.574,22 сўм қарз бўлиб қолгани ва шу қарзларни ундириш учун унинг ҳисоб рақамига инкасса тўлов топшириқномалари қўйилганига қарамасдан тўловлар унга келиб тушмагани сабабли асосий қарз ва шартноманинг 5.4-бандига асосан тўланмаган қарзнинг кунига 0.4% микдорида, яъни 5946,76 сўмни ундириб беришни сўраган.

Даъвогар вакили судда даъво талабларини қувватлади ва уни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгарга ишни судда кўриш куни, вақти ва жойи суд ажрими етказилсада, жавобгар вакили судга келмади ва суд унинг иштирокисиз ишни кўришни лозим топди.

Суд даъвогар вакилининг судда берган баёнотларини эшитиб, иш материалларини таҳлил қилиб ва баҳолаб даъвони тўла қаноатлантиришни ва суд харажатларини жавобгардан ундириш лозим топди.

**Савол:**

- 1. Судьянинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2. Ишнинг судловлигини белгиланг.**
- 3. Иш бўйича жалб қилинадиган далилларни кўрсатинг.**
- 4. Ишни сиртдан кўришга йўл қўйиладими?**

**84.** Даъвогар “Андижонкабель” ҚҚ АЖ жавобгар – “Жиззахнур” ИЧБга Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда тарафлар ўртасида 21.04.2003 йилда тузилган 187-Т-сонли шартномага асосан даъвогар 2.844.909 сўмлик кабель ўтказгичларини етказиб берган, аммо жавобгар шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармагани сабабли, 62909 сўм қарз бўлиб қолган, ундан ташқари тарафлар ўртасида

01.05.2003 йилда имзоланган 38.000 сўмлик 90 кун ичидаги қайтарилиши лозим бўлган тарада маҳсулот етказиб берган, бироқ ушбу тара ҳам даъвогарга қайтарилимаган. Шу сабабли даъвогар жавобгардан асосий қарз, шартноманинг 6.2-бандига асосан тўловларни кечиктиргани учун кунига 0.5%, лекин асосий қарзнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган суммадан, яъни 114.000 сўм жаримани ундириб беришни сўраган.

Даъвогар вакили судда даъво талабларини қаноатлантиришни сўради.

Жавобгарга ишни судда кўриш куни, вақти ва жойи суд ажрими лозим даражада бўлсада, жавобгар вакили судга келмади ва суд унинг иштирокисиз ишни кўришни лозим деб топди.

2003 йил 30 майда ҳал қилув қарори ва 2003 йил 1 июлда ижро варақаси берилган.

**Савол:**

- 1. Ишнинг давоми қандай кечади?**
- 2. Иш бўйича ижро ишини тугатиш мумкинми?**

**85.** Ўз-ўзини бошқариш органларига қўйидаги ҳаракатларни нотариал тасдиқланишини сўраб мурожаат қилишади:

- 1) Олий ўқув юртини битирганлик ҳақидаги диплом нусхасини ҳақиқийлигини тасдиқлаш.
- 2) Меросни расмийлаштириш.
- 3) Ерни бўлиш ҳақида ариза билан.
- 4) Фуқарони ўша жойда яшаётганлик вақтини тасдиқлаш ҳақида.

**Савол:**

- 1. Ушбу нотариал ҳаракатлар ушбу орган ваколатига тегишлими?**
- 2. Нотариуснинг ҳуқуқий мақомини гапириб беринг.**
- 3. Нотариал ҳаракатлар учун давлат божи олинадими?**
- 4. Бу борада фуқароларга имтиёзлар белгиланганми?**

**86.** 70 ёшли Богдасарян К. ўлими олдидан нотариусни ўз уйига чақириб, уйини шу пайтгача унга қараб келган қўшниси Солихова Ф.га мерос тариқасида қолдиришини айтди ва орадан 20 кун ўтар-ўтмас, хужжатлар тайёр бўлгунча, кампир вафот этади. Унинг вафотидан сўнг нотариус уйни Солихова Ф.га расмийлаштириб беради. Орадан 6 ой ўтгач, унинг синглиси Коратеева С. Грузиядан келиб уй унга ўтишини, опасининг ўғлини у тарбиялаганлигини, ҳозирда у вафот этганлигини айтади.

**Савол:**

- 1. Нотариуснинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2. Солихова Ф. нима қилиши керак?**

### **3. Коратеева С.нинг эътиrozлари тўғрими?**

**87.** Машина олди-соттиси билан шуғулланаётган фуқаро Хайдаров А. билан Холдаров М.нинг нотариал ҳаракатлари талабини нотариус рад этади. Ушбу машиналар ҳужжатлари сохта эканлигини, бу ҳақда прокурорга маълум қилиниши шартлигини, ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиздан ўтказиш кераклигини айтиб ҳужжатларни бермайди.

**Савол:**

- 1. Нотариуснинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2. Агар юқоридаги шахслардан бири хорижий давлат фуқароси бўлса-чи?**
- 3. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун бунда қатъий муддат белгиланганми?**

**88.** Сурхондарё вилояти хўжалик судида кўриб чиқилган мавжуд қарзларни ундириш тўғрисидаги талаб юзасидан кредитор Музрабод туман Халқабод қўргони Ш.Рашидов қўчаси 3-йда жойлашган Музрабод туман Давлат Солик инспекцияси, қарздор Музрабод туман Кўнғирот ФХУда жойлашган “Панжиев Шерали” мол-мулки ҳисобидан Музрабод туман ДСИ фойдасига 654.005 сўм асосий қарз, 90.869 сўм устама (пеня), жами: 744.885 (етти юз қирқ тўрт минг саккиз юз саксон беш сўм), Музрабод туман суд ижроилари бўлинмаси орқали ундирилсин.

**Савол:**

- 1. Суд буйруғи ижро кучига эгами?**
- 2. Уни ижро этиш қанча муддатда амалга оширилади?**
- 3. Суд буйруғини қанча вақтда ижрога топшириш мумкин?**

**89.** Бир неча йиллар давомида прокуратура соҳасида ишлаган Жаҳонгиров Д. ишига таклиф ва мажбурий бекор юрганлиги учун унга етказилган заарни ундириш юзасидан даъво талаби билан судга мурожаат қиласи. Судья даъво аризани қабул қилишни рад этиб, ушбу даъво талаби судга тааллуқли эмаслигини кўрсатади.

**Савол:**

- 1. Судьянинг ҳаракатлари тўғрими?**
- 2. Жаҳонгиров Д. қайси органга мурожаат қилишга ҳақли?**
- 3. Жаҳонгиров Д. уни бўшатган орган устидан, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилишга ҳақлими?**

**90.** Фуқаро Баходиров Б. Бекобод туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига Бекобод ширкат хўжалигига нисбатан 220.000 сўмлик иш ҳақини ундириш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилади. Даъво аризасида кўрсатилишича, у 2000 йилнинг февраль ойидан буён иш ҳақини олмаган ва ведомостда эса ўртадаги олти ойлик иш ҳақи суммасини бошқа шахс олганлиги маълум бўлади. Даъвогар Бекобод ширкат хўжалиги касаба ўюшмасига ҳам бу ҳақда мурожаат қилади, бироқ ҳеч қанча натижа чиқмайди. Суд ушбу даъво аризани қабул қилади.

**Савол:**

- 1. Ушбу фуқаролик иши юзасидан судья қандай процессуал ҳаракатларни амалга оширади?**
- 2. Ушбу иш юзасидан процесс иштирокчиларини аниқланг.**